

ФОЛЬКЛОР МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ ВА НАШР ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



- ❖ ЎзДСМИ ҳузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Халқ ижодиёти” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ доцент Рустам Абдуллаев

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Фольклор ва этнография”
кафедраси доценти Рустам Абдуллаев.

Такризчилар: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи директори, филология фанлари
доктори, профессор Жаббор Эшонкулов;
ЎзДСМИ “Фольклор ва этнография” кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди Саидкул
Алимов.

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	92
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	112
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	115
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	121
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	126

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3022-сонли Қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январьдаги “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги 688-сон Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимида фаолият олиб бораётган мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсининг намунавий ўқув режасига биноан ишлаб чиқилган.

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” модули бўйича ишчи ўқув дастури доирасида берилаётган мавзулар Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларининг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали маданият соҳасидаги кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, раҳбар ходимларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу ишчи ўқув дастурда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3022-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 304-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-4320-сон Қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларига **“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси”** модулининг мақсади:

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” янги фан бўлиб, унинг асосий мақсади фольклор экспедицияларини ташкил этиш, фольклор намуналарини ёзиб олиш, таснифлаш, нашрга тайёрлаш каби кўплаб масалаларини ўз ичиқга қамраб олади. Фольклор материалларини бугунги кун фольклоршунослиги нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш фанни янада чуқар ва атрофлича ўрганиш, янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” модулининг вазифалари:

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар асосида “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фанининг манбаларини жамлаш, илмий тадқиқ этиш ва талабаларга етказиш;

- Ўзбек фольклоршунослигидаги энг етакчи мавзулар тизимини яхлит холда ўрганиш;

- Ўзбек фольклори материалларни тўплаш ва тадқиқ этиш усулларини ҳақида талабага илмий билимларни бериш;

- Фольклордаги дoston жанри таркиби ва унда бадиятнинг ўзига хос намоён бўлиш йўлларини кўрсатиш;

- Мифологик тафаккур барча санъат асоси эканини, мифологик тасаввурлар билан боғлиқ билимлар ва бадий образларнинг рамзий тимсолий маъноларини талабалар онгига сингдири;

- Халқ халқ насри ва кўшиқларида мифологик сюжет, образ ва унсурларнинг бадий эстетик сатҳда намоён бўлиш йўлларини кўрсатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбек халқ кўшиқларининг структураси, образлар тизими унинг бадиятини тадқиқ этишда муҳия аҳамиятга эка эканлигини;

- Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёт намуналарини қиёслаш орқали фольклор санъатига хос бўлган тушунча ва тасаввурлар, поэтик тафаккурнинг ёзма адабиётда кўчиб ўтиши омилларини илмий асосда кўрсатиш ва уларнинг халқимиз маданий меросида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фани бўйича тингловчилар аввало, ўзбек фольклорини тадқиқ этишдаги етакчи тамойиллар ва усуллар ҳақида атрофлича **билиши** лозим.

Тингловчи:

- Фольклор материалларини тўплаш ва нашрга тайёрлаш ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўладилар.

- Фольклор матнларини қиёсий тадқиқ этиш методлари билан танишадилар, фольклор матнини вариант ва версияларга қиёслаб тадқиқ этиш методлари устида иш олиб борадиган, фольклоршунослик борасида дунёдаги етакчи тамойиллар тўғрисида **билим ва кўникмалар ҳосил қиладилар**.

- Бугунги кун фольклоршунослигининг тараққиёт босқичлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг хусусиятлари, халқ ижодкорларининг бадиий маҳорати, ўзбек фольклоршуносларининг илмий мероси, баркамол авлод тарбиясида фольклор асарларининг ўрни ва аҳамияти **ҳақида тушунчага эга бўлишади**.

- Фольклор материалларни турли назарий қараш ва методларга суянган ҳолда қиёсий тадқиқ этиш ва уларни баҳолаш **кўникмаларига эга бўлишади**.

Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш мўлжалланган.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги Фольклор экспедицияларини ташкил этиш. Фольклор намуналарини ёзиб олиш. Фольклор материалларини тўплаш, таснифлаш. Фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ва ўрганилиш методикаси. Фольклор экспедициясини ташкил этиш усуллари. Халқ дostonларини ёзиб олиш принциплари. Фольклор намуналарини ёзиб олишда шева хусусиятларини сақлаб қолиш. Эртақларни ёзиб олиш ва нашр этиш принциплари. Маросим фольклорини ёзиб олиш, илмий ўрганиш методлари.

Халқ мақолларини ёзиб олиш ва чоп этиш масалалари. Халқ кўшиқларини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаш ва илмий ўрганиш. Халқ латифаларини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш. Болалар фольклор намуналарини ёзиб олиш ва нашр этиш. Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Мавзу	Назарий	Амалий	Кўчма	Мустақил таълим	Сана	Имзо
1	Фольклор экспедицияларини ташкил этиш.	2					
2	Фольклор намуналарини ёзиб олиш	2					
3	Фольклор материалларини тўплаш, таснифлаш.	2					
4	Фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ва ўрганилиш методикаси.		2				
5	Фольклор экспедициясини ташкил этиш усуллари.		2				
6	Халқ дostonларини ёзиб олиш принциплари.		2				
7	Фольклор намуналарини ёзиб олишда шева хусусиятларини сақлаб қолиш.		2				
8	Эртакларни ёзиб олиш ва нашр этиш принциплари.		2				
9	Маросим фольклорини ёзиб олиш, илмий ўрганиш методлари.		2				
10	Халқ мақолларини ёзиб олиш ва чоп этиш масалалари.		2				
11	Халқ кўшиқларини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаш ва илмий ўрганиш.		2				

12	Халқ латифаларини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш.		2				
13	Болалар фольклор намуналарини ёзиб олиш ва нашр этиш.			2			
14	Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар.			2			
	Жами: 20	6	18	4			

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Фольклор экспедицияларини ташкил этиш.

Фольклор экспедициясидан ёзиб олинган материаллар қатъий принциплар асосида тасниф этилада ва нашрга тайёрланади. Бу принциплар илк бор ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов томонидан ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев томонидан қайта ишлаб чиқилди.

Мазкур мавзу фольклор намуналарини тўплаш энг аввола унга пухта тайёргарлик кўриш, ташкил этилаётган экспедициянинг режасини тўғри ташкил этишдан бошланади. Фольклор намуналарини тўплашга, ёзиб олишга чиқаетган киши биринчи галда назарий маълумотга эга бўлиши, фольклорга хос бўлган хусусиятлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Фольклор экспедицияларини ташкил этиш йўл-йўриқлари ва методикаси, фольклор намуналарини ёзиб олиш принциплари атрофлича ёритиб берилади.

2-мавзу: Фольклор намуналарини ёзиб олиш.

Фольклор ижодкорлари ва ташувчилари халқ тилининг барча бойликларидан кенг фойдаланганликлари туфайли халқ оғзаки бадий ижодининг тилида, хусусан, лексикасида аллақанча фактларнинг сақланиб қолишига олиб келганки, улар ҳозирги адабий тилимизда умумлашмаган. Шунингдек, тарихий, ижтимоий маданий ва адабий алоқалар туфайли, турли халқларнинг оғзаки ижодидан ижодий фойдаланиш натижасида у ёки бу халқ тилига хос баъзи лингвистик фактлар ҳам фольклор асарлари текстида учраб туради. Бугина эмас, фольклор асарлари тилида шева учун характерли бўлмаган, ёзма адабиётнинг таъсирида юзага келган айрим фактлар ҳам мавжуддир.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчиларга фольклорнинг ўрганилиш тарихи, фольклор асарлари тўплаш ва ёзиб олиш масаласи, фольклор асарларининг наشري масаласи ҳақида кенг тушунча берилади.

3-мавзу: Фольклор материалларини тўплаш, таснифлаш.

Маълумки, фольклор асарлари бизгача бир неча версия на вариантларда этиб келган. Бир неча версия вариантларда ёзиб олинган асарлар мавжуд бўлган ҳолларда, уларни қиёсий ўрганиб, проспект талабларга жавоб берадиган яхшиси ёки яхшлари танлаб олинади. Достонлардан, умуман бир-

икки версия, айрим ҳоллардагина бир неча версия, эртақлар, латифалар, халқ драмаси, аския, кўшиқ, мақол ва топишмоқлардан икки-уч ва ундан кўп версия олиниши мумкин. Асарларнинг версиялар ичидаги мавжуд вариантлари ҳам киёсий ўрганилиб, улар орасидан энг яхшиси танлаб олинади.

Фольклошунослигимиз олдидаги энг долзарб муаммолардан бири бу фольклор борасидаги текстологик тадқиқотларга етарлича эътибор берилмаётганлигидадир. Эпик ижод намуналарини текстологик тадқиқ этмай туриб, фольклор назарияси ва поэтикасини ҳам тадқиқ этиб бўлмайди. Бунинг учун энг аввола фольклор асарларининг энг мукамал ва тўлиқ вариантларини наирга тайёрлаш ва уни чоп этиш лозим бўлади. Тингловчилар мавзу давомида фольклор материалларини тўплаш ва таснифлаш ҳақида маълумотга эга бўладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек бахшилар билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ва ўрганилиш методикаси.

Кўшиқ инсон маънавиятига хос бадий-эстетик ҳодиса сифатида халқнинг кундалик маиший турмушида ҳамкор, маънавий ҳаётида ҳамроҳ ҳисобланади ва руҳий дунёсининг бойишига хизмат қилади. Ҳар қандай халқнинг, умуман инсоннинг ҳаётини кўшиқсиз тассаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам дунёдаги жамики халқлар фольклорида кўшиқ жанри мавжудлигини кўрамыз. Инсон қувончга тўлганида ҳам ғам-андухга ботганида ҳам куйлайди, кўшиқ айтади. Халқда: “Куйган ҳам кўшиқчи, суйган ҳам”, деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Халқ кўшиқларини турли нуқтаи назардан, хусусан, ижро шакли, композицияси, рақс билан муносабати, иштирокчиларига кўра, этнографик жиҳатдан маросим ва номаросим кўшиқларга ажратиб ҳамда минтақавий жиҳатдан – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг ўзбеклар истиқомат қиладиган туманларидаги кушиқчилик анъаналари, Фарғона водийси ва Тошкент вилояти кўшиқчилиги, ўрта ва қуйи Зарафшон воҳасида оммалашган ўзбек халқ кўшиқлари, Жанубий Ўзбекистон кўшиқчилиги ижодиёти, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайлар кўшиқлари ва хоказо ҳудудларга ажратиб тадқиқ этиш мумкин. Аммо фольклоршуносликда асарни сўз саънатининг нодир намунаси сифатида ўрганиш, унда қўлланилган турли поэтик кўчимлар ва уларнинг семантик

катламларини аниқлаш, эстетик қимматига ойдинлик киритиш, тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ва ўрганилиш методикаси ҳақида маълумот берилади, амалий таҳлил этадилар, баҳс-мунозара юритадилар.

2-амалий машғулот. Фольклор экспедициясини ташкил этиш усуллари.

Бизда сўз фольклори, мусиқа фольклори, халқ драмаси, халқ амалий саънати бир-бирига боғлаб ўрганишда ҳозиргача катта узилиш бор. Бошқача айтганда, ҳар бири ўз йўлига. Ҳолбуки тарихий – фольклорий жараёнда уларнинг барчаси бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган, «қариндошлик ришталари» билан боғланган яхлит тизим эди. Келгусида бу узилишни бартараф қилиш умумфольклор-шуносликнинг улкан ютуғи, пировардида фольклор тақдирининг ҳам ёрқин томонларидан бири бўлиши мумкин.

3-амалий машғулот: Халқ дostonларини ёзиб олиш принциплари.

Оғзаки ижод намунаси бўлган дostonлар бошқа ижод, жумладан ёзма адабиёт намуналаридан фарқли хусусиятларга эга. Чунки, бу дostonлар оғзаки ижод қонунияти асосида яратилган бўлиб, унинг ижрочилари асрлар давомида бу меросни оғзаки тарзда ўзлаштириб, оғзаки тарзда ижро этиб, оғзаки тарзда куйлаб келганлар. Эпик ижодкор халқ ижоди намунаси бўлган дostonни китобдан ўқиб ўрганмайди, балки ўз устозлари амал қилган қатъий аналарга риоя этади. Халқ дostonларини ёзиб олишда оғзаки ижодга хос анъанага риоя этилган, этилмаганлигидан келиб чиқиб ёндошади. Дostonларни ёзиб олишда қайси ҳудуд, қайси дostonчилик мактаби намунаси, ижрочининг устозлари кимлар бўлган ва қай тарика ўрганган, қайси мусиқа асбоби жўрлигида куйлаиши каби масалалар атрофлича таҳлил этилади.

4-амалий машғулот: Фольклор намуналарини ёзиб олишда шева хусусиятларини сақлаб қолиш.

Фольклор асарларининг лексикаси умуман ҳозирги шеваларда истеъмолда бўлган луғатлар бўлиши билан бирга, улар орасида архаик бўлганлари, маъно- сини шева вакилларининг ўзлари билмаганлари ҳам учраб туради. Бирор қадимий сўзнинг қадимий маносида ишлатилгани ҳолда унинг ҳозирги маъноси бир-бирига қарама-қарши бўлганларига ҳам дуч келинади. Бу каби луғатлар кўпинча узоқ тарихга эга бўлган традицион формулалар, иборалар, мақол, то- пишмоқ ва қўшиқларда учрайди.

5-амалий машғулот: Эртақларни ёзиб олиш ва нашр этиш принциплари.

Эртақлар фольклордаги энг етакчи жанрлардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай фольклор намунаси каби бу жанрни ёзиб олишда ҳам қатъий анъаналар

мавжуд. Эртақлар дostonлардан фарқли равишда эртақчидан ёзиб олинади. Дostonни профессионал ижрочи ижро этса, эртақларни эртақчи ҳам, бошқа айтиб берувчилар ҳам айтиб бериши мумкин. Эртақларни ёзиб олаётганда қайси ҳудуддан, кимдан ёзиб олинаётгани муҳим ҳисобланади.

Эртақларни ёзиб олиш ва нашрга тайёрлаш принциплари эртақ нашрлари мисолида таҳлил этилади.

6-амалий машғулот: Маросим фольклорини ёзиб олиш, илмий ўрганиш методлари.

Ўзбек фольклори намуналари орасида маросим фольклори алоҳида ўрин тутлади. Маросим фольклори мавсум маросим ва оилавий-маиший маросим фольклори намуналарига бўлинади. Бу жанр намуналари асосан маросимда ишро этиши билан фарқланиб туради. Худди шу хусусиятидан келиб чиқиб, уни ёзиб олишда маросим пайтидаги ижро ҳолатидан келиб чиқиб ёндошилади. Маросим фольклор намуналарини ёзиб олиш ва илмий ўрганишда ўзига хос принциплар мавжуд.

Ўзбек халқ кўшиқлари намуналари таҳлили мисолида мавсум маросим ҳамда оилавий маиший маросим фольклори намуналарининг ёзиб олиниши ва илмий ўрганилиши ёритиб берилади.

7-амалий машғулот: Халқ мақолларини ёзиб олиш ва чоп этиш масалалари.

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва бой жанрларидан бирдир. Халқнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, фалсафий-ахлоқий қарашлари, маънавий қиёфаси ва донишмандлиги халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири ҳисобланган мақолларда ўз аксини топади

Мақол жанри шаклий ихчамлилик, кўп маънолилик, халқнинг реал воқелик ҳақидаги хулосаларини бадиий ифодалаш, насиҳатомуз фикр ва муайян ҳодиса ҳақидаги ҳукмнинг қатъийлиги каби белгилари билан бошқа паремиологик жанрлардан фарқланади. Мақол ва унинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, мақоллар таснифи, уни ёзиб олиш ва нашр этиш масалалари таҳлиллар мисолида ёритиб берилади.

8-амалий машғулот: Халқ кўшиқларини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаш ва илмий ўрганиш.

Халқ кўшиқлари бугунги кунгача кўп марта ёзиб олинган ва нашр этилган. “Оқ олма”, “Гулёр” каби халқ кўшиқлари тўпламларига кирган кўшиқлар ёзиб олиш, нашр этишда ўз соҳасининг билимдонлари фаолият юритганини кўрамыз. Бироқ, халқ кўшиқларининг ҳамма нашрларига ҳам бундай баҳони бера олмаймыз. Бугунги кунгача тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, халқ кўшиқларини ёзиб олишда қатъий бир қоидага риоя этилмаган, ёзиб олувчиларда етарли даражада билим ва тажриба етишмаган, нашрга тайёрлашда кўпол хатоликларга йўл қўйилган.

Халқ кўшиқлари матни таҳлили мисолида уларни ёзиб ва нашр этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил этилади.

9-амалий машғулот: Халқ латифаларини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш.

Ўзбек халқ латифаларининг ёзиб олиниш тарихи ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошланган. Бу жараён бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Ўзбек халқ латифаларини ёзиб олишда у қадар муаммолар кўзга ташланмасада, нашри борасида кўплаб муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбек халқ латифаларининг ёзиб олиниш ва ўрганиш тарихи мавжуд материаллар асосида атрофлича ёритиб берилади.

10-амалий машғулот: Болалар фольклор намуналарини ёзиб олиш ва нашр этиш.

Болалар фольклори ранг-баранг матнларни ўз ичига қамраб олади. Болалар фольклор намуналари катталар томонидан болалар учун айtilган, куйланган, ижро этилган материаллар билан бир қаторда, болаларнинг ўзи томонидан ижро этиб келинаётган матнларни ўз ичига қамраб олади.

Болалар фольклор намуналарини ёзиб олиш тарихи, илмий ўрганилиш, нашрга тайёрлаш каби масалалар мавжуд материаллар асосида ёритиб берилади.

11-амалий машғулот: Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар.

Бугунги кунда дунёда фольклор намуналарини турли методларда тадқиқ қилиш етакчи тамойилга айланди. Бунда айниқча фольклор материалларининг барча вариант ва версияларига қиёсан ўрганиш ҳамда руҳий таҳлил нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш устивор аҳамият касб этмоқда. Бу биринчидан ушбу таҳлил методининг янгидан янги назарий хулосалар чиқаришга замин яратаётганлиги билан изоҳланса, иккинчидан бугунги кун инсони руҳиятини очиб беришда энг мақбул метод эканлиги билан ажралиб туради.

Фольклор материаллари таҳлили мисолида ҳозирги замон фольклоршунослигида энг етакчи методлар таҳлил этилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустақкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Маттни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
 (+) – янги маълумот.
 (-) – мен билган нарсага зид.
 (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Таълим методи ва таълим технологияси				
Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари				
Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари				

Педагогик технологияларнинг хусусиятлари				
Педагогик технология турлари				
Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси				
Педагогик технологияларнинг самарадорлиги				

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.


"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл



Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

– *Талабалар гуруҳларга бириктирилади;*

– *Талабаларнинг янги мавзубўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;*

– *Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*

– *Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*

– *ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*

– *Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*

– *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*

– *машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

Кейс -стади методи.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил эчимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

“ВЕЕР” технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “ВЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нонукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларида фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

III. НАЗАРІЙ МАТЕРІАЛІАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ФОЛЬКЛОР ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа:

1. Модулнинг мақсад ва вазифалари.
2. Фольклор экспедициялари.
3. Фольклор экспедицияларини ташкил этиш услублари.

Модулни ўқитишдан мақсад – “фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” янги фан бўлиб, унинг асосий мақсади фольклор экспедицияларини ташкил этиш, фольклор намуналарини ёзиб олиш, таснифлаш, нашрга тайёрлаш каби кўплаб масалаларини ўз ичига қамраб олади.

Фольклор материалларини бугунги кун фольклоршунослиги нуктаи назаридан қиёсий ўрганиш фанни янада чуқар ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этишга хизмат қилади.

Модулни ўқитишнинг вазифалари-мамлакатимиз раҳбари ш.м. Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар асосида “фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фанининг манбаларини жамлаш, илмий тадқиқ этиш ва талабаларга етказиш;

- ўзбек фольклоршунослигидаги энг етакчи мавзулар тизимини яхлит ҳолда ўрганиш;

- ўзбек фольклори материалларни тўплаш ва тадқиқ этиш усулларини ҳақида талабага илмий билимларни бериш;

- фольклордаги дoston жанри таркиби ва унда бадиятнинг ўзига хос намоён бўлиш йўллари кўрсатиш;

- мифологик тафаккур барча санъат асоси эканини, мифологик тасаввурлар билан боғлиқ билимлар ва бадиий образларнинг рамзий тимсолий маъноларини талабалар онгига сингдири;

- халқ халқ насри ва кўшиқларида мифологик сюжет, образ ва унсурларнинг бадиий эстетик сатҳда намоён бўлиш йўллари кўрсатиш;

- ўзбек халқ кўшиқларининг структураси, образлар тизими унинг бадииятини тадқиқ этишда муҳия аҳамиятга эга эканлигини;

- ўзбек фольклори ва ёзма адабиёт намуналарини қиёслаш орқали фольклор санъатига хос бўлган тушунча ва тасаввурлар, поетик тафаккурнинг ёзма адабиётда кўчиб ўтиши омилларини илмий асосда кўрсатиш ва уларнинг халқимиз маданий меросида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

“фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фани бўйича магистр талабалари, аввало, ўзбек фольклорини тадқиқ этишдаги етакчи тамойиллар ва усуллар ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қиладилар. Фольклор материалларини тўплаш ва нашрга тайёрлаш ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўладилар. Фольклор матнларини қиёсий тадқиқ этиш методлари билан танишадилар, фольклор матнини вариант ва версияларга қиёслаб тадқиқ этиш методлари устида иш олиб борадилан, фольклоршунослик борасида дунёдаги етакчи тамойиллар тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қиладилар. Бугунги кун фольклоршунослигининг тараққиёт босқичлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг хусусиятлари, халқ ижодкорларининг бадиий маҳорати, ўзбек фольклоршуносларининг илмий мероси, баркамол авлод тарбиясида фольклор асарларининг ўрни ва аҳамияти ҳақидатушунчага эга бўлишади. Фольклор материалларни турли назарий қараш ва методларга суянган ҳолда қиёсий тадқиқ этиш ва уларни баҳолаш кўникмаларига эга бўлишади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар бўйи яратилган улкан маънавий хазина, намуналари жаҳонга машҳур бўлган ижод, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлган миллий ҳодисадир. Шу боис унинг тарихи ва тақдири, бир мутахассис сифатида, ушбу мақола муаллифини ҳам доимо ўйлантиради.

Аммо бу ерда гап мутахассис бўлиш ёки бўлмасликда ҳам эмас. Муҳими асрлар бўйи халқ тарихи, маънавий-маиший турмуши, маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди, илмий таъбир билан айтганда, ўзбек фольклори тақдиридадир. Эътироф этиш лозимки, ҳозиргача фольклор ва унинг кўпгина намуналари тарихи, тақдири, албатта, бадиияти, ўзбек фольклоршунослиги ҳақида ҳам мутахассисларнинг эътиборли фикрлари баён этилган.

Асрлар давомида, ўтган асрнинг ўрталаригача оғзаки ижод халқнинг кўпчилик қисми учун ҳам театр, тасвирий, мусиқа саънати, ҳам тарих, ҳам фалсафа, адабиёт, ҳам эстетика, ҳам педагогика, миллий этика ва этнографик мезонлар, миллий ғоя ҳам амалиёт –хуллас ҳозир ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганаётган ҳамма нарсалар эди. Тарихан фольклор этнофольклорий характерли, маиший турмуш билан узвий боғлиқ бўлиб, турмуш ва маънавият саънати эди. Бугун амалиётдаги фольклор асосан сўз, маънавият саънати бўлиб бормоқда. Маросим фольклори урф-одатлар ва сўз саънатининг уйғунлиги, этнофольклорий жараён ҳосиласидир. Бугун эса унинг асосан сўз қисмигина сақланиб қолмоқда.

Фольклор табиатига кўра жаҳоний ҳодисадир. Академик в.м. Жирмунский қадимда бир-биридан умуман беҳабар бўлган халқлар ижодидаги умумийликни инсоният тарақ-қиётининг маълум бир босқичидаги ижтимоий, тарихий-фольклорий жараёнларнинг яқинлигидан келиб чиққанини кашф этиб берганки, бу ўзбек фольклорининг умуминсоний аҳамиятини ҳам белгилайди. Шунингдек, ижтимоий тараққиёт, ўзгаришлар туфайли жуда кўплаб фольклор жанрлари намуналарининг яратилмай ва ижро этилмай қўйганлиги, эпик ижод жараённинг сўниши, жаҳон фольклорига хос табиий ҳодисадир.

Фольклор қайси даврда, қандай шаклларда бўлмасин, жамиятнинг, кишиларнинг маълум бир эҳтиёжларига жавоб бермаса, ўз-ўзидан ҳаёт сахнасидан тушиб, фақат тарихий фактгина бўлиб қолади. Шу боис унинг

бугунигача бўлган тарихи мутахассислар томонидан кўп ўрганилган, кейинги тақдири янада кўпроқ ўрганилиши зарур бўлган масаладир.

Фольклор - халқ ижоди деймиз, аммо бу жуда мураккаб тушунча. Ҳаётда ҳеч қачон уч-тўрт талантили киши йиғилиб, дostonнинг бир қисмини мен яратай, қолганини сизлар яратинглар деб, дoston айтмаган. Ёки аёллар тўпланиб олиб, бир мисрани у, бир мисрани бу айтиб, кўшиқ тўқишмаган. Фольклор халқ ижоди тушунчасини изоҳлаш учун бир мисол жуда характерлидир. Ўғли равшан зарифовнинг ҳикоя қилишича, фольклоршунослигимиз фани асосчиси устоз ҳоди зариф мақоллар тўпламини тузибди-ю, китобни қандай номлашни билмай анча ўйланиб юрибди ва ўзи «оталар сўзи –ақлнинг кўзи» деган сарлавҳа кўйибди. Бугунги кунда бу ифоданинг халқ мақолига айланиб кетганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Демокчимизки, ҳар бир фольклор намунасининг дастлабки ижодчиси бўлади ва у муаллифликка даъво ҳам қилмайди. Йиллар, асрлар ўтиб бу ижодга яна кимлардир нималарнидир кўшади, ўзгартиради, сайқал беради ва ҳ.з. «алпомиш»нинг бизгача шу даражада этиб келишида балки юзта, балки мингта халқ вакилининг улуши бордир.

Инсоннинг табиатида озми, кўпми ижод қобилияти бор. Бола ҳам ижод қилиши мумкин, бироқ халқнинг барча вакиллари ижод ва ижро қилиш қобилиятига бирдек эга эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, фольклор тарихи халқ ижодчилари ва ижрочилари ҳамда улар яратган ижод тарихи, тақдиридир.

Профессор т.мирзаев қайд этганидек, ўзбек фольклорида профессионаллашув жуда ривожланган. Тарихан халқнинг профессионал ижодчи ва ижрочилари – булар ўзидаги иқтидорни «худо берган», «танглайига берган» деб тушунган бахшилар, эртақчилар, кўшиқчилар, қизиқчилар, аскиячилар, латифачилар, халфалар – хуллас ижоднинг қайсидир бир соҳасидаги этук профессионаллардир. Ҳозирги пайтда бундай кишилар ёшлигидан ўз салоҳиятига мос келадиган соҳаларда том маънода индивидуал ижодкор сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари ўтмишда у

соҳадан бир шингил, бу соҳадан бир шингил биладиган, яратадиган, умумфольклор ривожига озми-кўпми улуш кўшиб келган жуда катта аҳоли борки, фанда улар оммавий ижрочи, ижодчилар тушунчаси билан таърифланади.

Фольклорий жараён нуқтаи назаридан, ўтган асрда профессионал ижодчилар тақдирида қуйидагиларни кўрамыз:

Хх асрнинг 20=йиллариданоқ классик дostonчилик мактаблари тугай бошлаган, аммо эргаш шоир, фозил шоир, пўлкан, ислом шоир, бола бахши каби унинг этук намоёндалари фаолияти авж нуқтага кўтарилган эди. Фандами, саънатдами бирор мактаб тугаб кетиши мумкин. Аммо улар тугагач ҳам, вакиллари яна кўп йиллар ижод қиладилар. Ижодлари турли йўллар билан авлодлардан авлодларга этиб боради. Фольклорнинг келгуси тақдири бевосита ана шу ижодни, умуман мавжуд хазинани турли йўллар билан бугунга хизмат қилдириш, авлодларга этказиб беришга боғлиқ. Бусиз фольклор ҳақида сўзлашга ҳожат йўқ. Бирор бир нодир фольклор асарини, умуман ёзиб олинган барча намуналарни юз йилдан кейин ҳам илмий тадқиқ, нашр қилиш мумкин. Бироқ улар йўқолиб кетган бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Шу боис фольклор асарларини ёзиб олиш билан шуғулланган фольклоршунослар билан бирга фольклор мухлисларидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бу фикрни фольклоршунослик иккинчи даражали экан, деб тушунмаслик керак.

Ўтган асрда улкан халқ ижодкорлари, турли даражадаги халқ бахшиларидан, эртакчилар, кўшиқчилар, аҳолининг барча қатламлари вакилларидан беқиёс фольклор намуналари ёзиб олиниб, сараланиб, талай қисми нашр қилиндики, ўзбек фольклоршунослик амалиёти ҳеч қачон бундай юксак ютуқга эришган эмас, эриша олмайди ҳам. Айни пайтда фольклоршунослик келажакда ҳам фольклор тақдири учун энг муҳим асос бўлиб қолади. Масалан, 1928 йилда махмуд зарифов томонидан фозил шоир қуйлаган «алпомиш» достони ёзиб олинмаганда, бугун биз президентимиз ташаббуси ва юнеско ҳамкорлигида 1000 йиллиги жаҳон миқёсида

нишонланган, дуне халқларининг энг юксак эпослари билан беллаша оладиган, т. Мирзаев таърифи билан айтганда, «достонлар гултожи»дан абадий маҳрум бўлар эдик. Бу фикрни, хусусан, энг мўъжаз мақолу, топишмоқларимиздан тортиб, умуман, бугунги кунда биз эга бўлган беқиёс маънавий хазина – фольклор меросимизга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Оғзаки ижодни тўплаш, нашр этиш, илмий ўрганиш, унинг асл аҳамиятини халққа тушунтириш – фольклоршунослик фани ҳам фольклорнинг ўзи каби зарур ва қимматлидир. Афсуски, назаримда, бугунги кунда ўзбек фольклоршунослиги фани унга асос солган ходи зариф, катта ва ўрта авлод яратган, яратаётган илм заҳиралари, тўплаган тажрибаларига таяниб қолганга ўхшайди. Мен хато қиларман балки, менга баъзи фанга кириб келаётган ёшлар ўртасида фан ривожидан кўра, илмий даража учун кураш ўсиб бораётганга ўхшаб туюлади.

Хх асрнинг 70 – йилларигача, илмий-ижодий кучлар-нинг этишмаслиги, мавжуд сиёсат туфайли эришилган катта ютуқлар билан бирга, бу маънавий мероснинг жуда катта қисми йўқолиб кетди. Одамлар чўчитилиб, айрим халқ бахшилари таъқибга ҳам учради. Айрим мавзулар умуман тақиқланди ёки қора буёқлар билан чапланди. Мисол сифатида, ўзбек фольклоридаги диний мавзуларга муноса-батни кўрсатиш мумкин.

Динга муносабат ўзбек фольклори тарихи ва тақдирига тааллуқли муҳим жиҳатлардан биридир. Халқ ҳеч қачон мутаассиб бўлмагани каби, эътиқодсиз ҳам яшамаган. Жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек фольклори ҳам илк асосига кўра диний эди. Одамизот осмон, олам, ўсимликлар ва жониворлар, ўзи қандай пайдо бўлган? – деган саволларга дастлаб мифлар билан жавоб берган эди. Қандай яшаш керак деган, саволга эса ҳомий ва ёвуз руҳларга ишонч, уларга бағишланган турли-урф одатлар, маросимлар, диннинг архаик шакллари бўлган: анимизм, тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик ва бошқа кўплаб култларга эътиқоди, қолаверса, мақолу топишмоқлар, меҳнат, маросим кўшиқлари ва бошқалар билан жавоб топдики, улар бизгача этиб келган фольклор асарларида мукамал бадиий ифодасини топган. Қизиғи

шундаки, жаҳонга машҳур этнограф – диншунослар э.б.тайлор, ж.ж.фрезер, с.а.токарев ва кўплаб фольклор-шунсларнинг тадқиқотлари, гарчи ҳар бири бирор уруғ-қабила, уруғлар бирлашмасига тегишли бўлса ҳам, архаик динлар жаҳоннинг барча халқлари тарихида бўлгани, айримлари тараққиётнинг куйи босқичида турган баъзи халқлар ҳаётида ҳозир ҳам мавжудлигини кўрсатади. Учта жаҳон динларидан бири бўлган ислом таълимоти инсон қандай яралган, қандай яшаши керак, қаёққа боради, деган саволларга имон этиқоди тушунчаси билан мукамал тизимий жавоб берди. Кўпхудолик бўладими, якхудолик бўладими барча динлар учун бир умумийлик бор – бу жон, руҳ ва унинг бутунлай йўқолиб кетмаслиги ғоясидир. Бу ғоя жаҳон фольклорида кизил чизик бўлиб ўтади. Ўзбек фольклори тарихи ва тақдирининг аҳамияти шундаки, унинг намуналарида юқорида айтилган барча архаик динлар ва исломий қарашлар доимо ўз ифодасини топиб келган. Фольклор тарихан ноэстетик қарашларнинг эстетик ҳодисаларга, жумладан, диний тассавурларнинг бадий тассавурларга ўтиши майдони бўлган.

“дин, шу жумладан ислом дини ҳам, - дейди президентимиз ислом каримов, - минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ, у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради”.¹ тарихан фольклорнинг динларга, диний қарашларнинг фольклорга таъсири шубҳасиздир. Жумладан, араб ва ўзбек фольклори қиёсининг илк тадқиқотчиларидан бири ш. Шомусаров шундай деб ёзади: “ўз даври фольклорини жуда яхши билган муҳаммад алайҳиссалом ўз диний, маърифий, ахлоқий, эстетик қарашларини тарғиб қилишда ҳам араб халқ оғзаки ижодининг афсона, ривоят, мақол ва ҳикматли сўз каби жанрлардан самарали фойдаланган”².

Шу ўринда ўзбек фольклори асрлар бўйи диний вазифа ҳам бажариб келган, десак муболаға бўлмас. Масаланинг муҳим бир жиҳати шундаки, архивларда жуда бой намуналар мавжуд бўла туриб, ўзбек фольклорининг

диний мавзулари умуман илмий холис ўрганилган, диний намуналари нашр этилган эмас.

Фольклор тақдирига назар ташлар эканмиз, қизиқ бир қутбий зиддиятни кўрамиз. Бир томондан эпик жараён, кўпгина, фольклор жанрлари, айниқса, достон, эртак, афсона, ривоят, маросим фольклори намуналари яратилиши, ижро этилиши тугаб, йўқолиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, уни ўрганувчи фан - фольклоршунослик ривожига зарурият тобора ўсиб бормоқда. Тадқиқотларда этнофольклористик йўналиш ривожланиб, жаҳон фанининг энг замонавий ютуғи – руҳий таҳлил методи ўзбек фольклорига самарали тадбиқ этила бошланди.

Айрим кишилар фольклоршуносликка адабиётшунос-ликнинг энг энгил соҳаси деб қарайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, фольклор табиатини тушунмаслик бўлса, иккинчидан, фольклоршунослик соҳасидаги бўш ишлардир. Улардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳолбуки, ҳоди зариф фольклоршунос тарих, этнография, педагогика, археология, тилшунослик, хусусан, шевашунослик, ёзма адабиёт ва бошқаларни мукамал билиши зарур, деб билган ва ўзи бунга намуна кўрсатган.

Фольклор ва ёзма адабиёт масаласида, уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида қатор жиддий ишлар мавжудлигини инкор этмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, назаримда, бугун ёзма адабиёт мутахассисларининг кўпчилиги фольклорни, фольклор мутахассислари ёзма адабиётни яхши билмагандек туюлади.

Фольклор билан адабиётни ҳар қанча қиёслаш мумкин, аммо асло уларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Бу ота-онани фарзандларига гиж-гижлашдай гап. Афсуски, ҳаётда турли савиядаги кишилар ўртасида ёзма адабиёт юксак, фольклор содда, у бой, бу қашшоқ, у ҳақиқат бу ёлғон, у дону бу сомон қабилдаги қарашлар мавжуд. Ачинарлиси шундаки, бундай қарашлар фольклорнинг келгуси тақдирига, масалан, асарларнинг нашр этилиши, ўрганилиши, тарғиб қилинишига салбий таъсир кўрсатади.

Ёзма адабиёт пайдо бўлгандан буён ҳозиргача фольклор, шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ижодига таъсир қилиб келмоқда. Ҳозирда унинг кино, рассомчилик, кўшиқчилик ва бошқа саънатларга таъсири янада кучайган. Хусусан, кўпгина хонандалар халқ кўшиқларини айнан, баъзан ўзгартириб, афсуски баъзан бузиб, жуда кўп куйламоқдалар. Анъанавий тарихий – фольклорий жараёнда, таъбир жоиз бўлса, эркакларнинг ўз, хотин-қизларнинг ўз фольклор муҳитлари бўлган. Кўплаб таланти хотин-қизлар моҳир кўшиқчи сифатида танилганлар. Ўзлари ҳам халқ кўшиқлари йўлида янги намуналар ижод қилганлар ва бу ижод ҳам барчанинг мулкига айланиб кетган. Хоразм халфаларининг ижоди бунинг ёрқин намунасидир. Биз бундай хотин-қизларнинг деярлик барчасининг исм-шарифларини билмаймиз. Бугунги кунда бундай хотин-қизлар тезда профессионал йўлга ўтиб кетмоқдалар. Тўғри ва кўчма маънода «юлдузлар»нинг кўпайиб кетиши сабабларидан бири ана шунда. Худди шунингдек, ҳозирги профессионал кизикчилар репертуарида анъанавий латифалар ёки уларнинг замонага мослаб талқин қилиниши жуда кенг тарқалган.

Ҳозирда кўпгина кишилар келажакни ахборот жамияти бўлади, унинг асоси бўлган ахборот маданиятининг таркибий қисмларидан бирини оммавий компьютер саводхонлиги ташкил қилади, деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирча, уларни таърифлашга шошмай туриб шуни айтиш мумкинки, ўтмишда халқнинг ўзига хос барқарор фольклор маданияти ва фольклор саводхонлиги бўлган. Ижрочи бирор дoston ёки кўшиқ, эртак ва ҳ.з. Бузиб айца, тинловчилар унга танбеҳ беришган. Шу жиҳатдан қаралганда замонавий фольклор маданияти, саводхонлигини шакллантиришни унинг тақдиридаги энг муҳим шартдир, деб ўйлайман. Ана шунда фольклор асарларини исталганча бузиб айтиш ва нашр қилишни фольклор маданияцизлиги деб баҳолаш мумкин бўлади. Фольклор асарлари, улар асосида яратилган турли саънат намуналарининг электрон каталогларга киритилиши ва шу асосда ўрганилиши фольклорий жараёнинг замонавий ўзига хос кўринишларидан бўлиб қолишига ишонаман.

Фольклор, барча саънатлар аҳамиятини бозор иқтисоди қонунлари билан ўлчаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётга қарам бўлган одам молиявий фойдаси тегса, уларнинг мазмуни ва маънавий аҳамиятини тирноқча билмай, «алпомиш» достони ёки эртақлар, мақоллар тўпламини минглаб нусхада нашр этириши мумкин. Аммо нафи тегмаса, энг нодир қўлёзмани ҳам иккиланмай, носфурушга бериб кетади. Менимча, бу фольклор маданияцизлигининг мисоли бўлади. Фольклоршуносларимиз эътироф этишларича, ўтмишда профессионал халқ ижодчилари, фозил, эргаш, ислом, пўлкан шоир каби буюклари ҳам, ўз саънатларини тирикчилик манбаи деб қарамаганлар. Хизматлари учун одамлар ўз ҳимматига қараб, нималардир совға қилишса, олишгану аммо асло моддий таъма қилишмаган. Уларнинг худо берган иқтидорларидан ташқари, яшашлари учун албатта, чўпонлик ёки деҳқонлик, хунармандчилик каби касблари бўлган. Халқга холис химат қилиш бахшилар ахлоқий – эстетик қарашларининг бош мезонларидан ҳисобланган. Шу ўринда бир халқ ривоятини келтириш ўринлидир:

«бир оч, яланғоч бечора худога ёлворибди: эй худо, қани эди, ушлаган нарсам тилла бўлиб қолса-ю, мен ҳам бойлардай яшасам. Қарангки, у ушлаган ҳамма нарса тилла бўлиб қолаверибди-ю, бечора тиллага ботиб, очдан ўлиб кетибди».

Қиссадан ҳисса шуки, биз ҳамма нарсадан, фольклордан ҳам моддий бойлик ахтараверсак, маънавий очликдан ўлиб кетиш ҳеч гапмас.

Фольклорий жараён у ёки бу даражада бундан кейин ҳам мавжуд, фольклор асарлари замонавий шаклларда воқе бўлаверади. Гап эгасини топади дейдилар. Айрим кишилар, жумладан баъзи олимларимиз, архив хужжатларини ўлик материал, оғзаки ижро жараёни сўниши туфайли нашр этилган китоблар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, асарларнинг жозибасини бера олмайди деб, уларнинг сўз саънати сифатидаги бадий-эстетик, маърифий-тарбиявий аҳамиятини унутадилар. Бундай фикрлар фольклор келажаги, ташвиқи учун оз бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, таниқли фольклоршунос б.н. Путилов ёзиб олинган фольклор материалларини

«иккиламчи матнлар деб» уларнинг аҳамиятини жуда юксак баҳолайди. Аслида архив хужжатлари имкониятда мавжуд материал бўлиб, оғзаки ижро анъанавий фольклор поетикасининг воқе бўлиш усули, яшаш шаклининг, таркибий қисмидир, ҳаммаси эмас. Фольклорнинг анъанавий воқе бўлишининг сўниши, унинг куни битди дегани эмас. Қолаверса, ҳаётининг кейинги йилларида дoston куйламай қўйган, саводхон эргаш жуманбулбул ўғли ўз репертуаридаги жуда кўп асарларни ўзи ёзиб, архивга топширган. Фольклоршунослар ўз тадқиқотларида оғзаки жараённи кузатиш билан бирга, асосан, ёзма матнларга таяниб келишган. Фольклоршунослигимиз жаҳон миқёсида катта ютуқларга эришган. Шу билан бирга бу фан натижаларини мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан яна бир бор жиддий, илмий холисона кўриб чиқилса, ёмон бўлмас эди.

Фольклор тарихий– ижтимоий, этнографик-маиший, бадий-эстетик ходиса. Жамиятнинг инсонлар онги, ихтиёрига боғлиқ бўлмаган қонунлари бўлганидек, фольклор тақдири ҳам табиий кечади. Биз фақат унга маълум даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Жаҳон фольклоршунослигида эврилиш мотиви тушунчаси жуда кенг тарқалган. Масалан, эртақларда, гўрўғли дostonларида бир тўп каптар учиб келиб, бир думалаб париларга, ёки илон йигитга айланиб қоладики, буни эврилиш деймиз. Бундай эврилишларда туб моҳият ўзгармайди, фақат шакл ўзгарди. Бизнингча, ижтимоий тараққиёт туфайли кўпгина фольклор асарларининг анъанавий ижод ва ижрочилиги сўниши, янгича шаклларда мавжуд бўлишини эврилишларга қиёслаш мумкин. Бошқача айтганда, фольклор асарлари матнларда ҳам анъанавий мазмуни, аҳамиятини сақлаб қолади.

Фольклор асарларининг турлича шаклларда яшаш сабабалари, кишиларни жалб этувчи жиҳатлари кўп. Шулардан бири ҳозирги замон кишилари кўпчилигининг тафаккурида энг қадимий мифологик қарашлардан тортиб, энг замонавий тушунчаларгача уйғунлашиб кетгани, улар тафаккурининг кўп қатламлилиги мавжудлигидир. Шу туфайли энг замонавий

самолётда қитъадан қитъага учмоқчи бўлган киши йўлини қора мушук кесиб ўтгани учун сафарини кечиктирса ажаб эмас. Инсон тафаккурининг кўпқатламлиги эса умумфольклорда, яъни жанрлари мажмуасида аллақачон ўз бадий ифодасини топган. Қизиғи шундаки, бундай кўпқатламлилиқ фан ва техника нақадар ривожланган ҳозирги даврда жаҳон адабиёти намуналари, фантастик асарлар, кино саънати, турли телекўрсатувларда тобора кўпроқ ўз ифодасини топмоқда.

Фольклор асарларининг тарихини анъанавийлик, келажакнинг замонавий яшаш шакллари белгилаб беради. Бизнингча, фольклор асарлари бугунги кунда, асосан, қуйидаги шаклларда яшамоқда ва одамларга хизмат қилмоқда:

1. Классик фольклорий кўринишда: жанубий ўзбекистонда дostonчилик, хоразмда дostonлар ва улардан парчалар ижро этиш, халфачилик маълум даражада, фарғона водийсида аскиячилик, оммавий тарзда латифачилик, кўшиқчилик бироз бўлса-да, давом этмоқда. Янги дostonлар ёки замонавий фольклор намуналари тушунчаларига келсак, улар ҳам анъана замирида пайдо бўлиб, фольклорнинг замон талаблари, баъзан шўро тузуми тазийқига ёки ижодкор индивидуллигига кўра ўзгаришларини, кўпроқ анъанадан чекинишларни, бузилишларни ифодалайди. «янги дostonлар» ёки «авторли дostonлар», «совет даври» кўшиқлари» деб юри-тилаётган асарлар уларга мисол бўла олади.

Бизнингча, бизнинг иродамизга боғлиқ эмас экан, эпик асарлар, умуман, кўпгина фольклор асарларининг оғзаки жараёнда ижодчилиги ва ижрочилиги сўниб боришидан беҳуда ташвишланиш, бу жараённи салбий баҳолаш шарт эмас. Яхшиси уларнинг мавжудларини имкон қадар тўлиқ ёзиб олишга, ёзиб олинганларининг энг яхши намуналарини саралаб, халқ маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдиришга қайғурган, барчасини мутахассислар ихтиёрига бериб, аҳамиятини тушунтириб беришларини сўраган маъқул.

Кишилар нутқларида мақоллардан, болалар мақол ва топишмоқлардан фаол фойдаланишмоқда ва ҳ.з. Жаҳон фольклоршунослари, этнографларининг эътироф этишича, топишмоқ ва мақоллар фольклорнинг энг қадимий ва энг

замонавий жанрларидан бўлиб, инсоният тафаккури ва фаолияти тарихида беқиёс рол ўйнаган экан. Чунки, ибтидоий одам учун ҳамма нарса дастлаб жумбоқ, топишмоқ бўлса, болаларнинг ҳар куни ўзига хос ҳаёт жумбоқларини эчиш кашфиётларидан иборатдир. Тил, фалсафа, сўз саънаининг ҳосиласи бўлган мақоллар эса кишилар дунёқараши, ўтмиш тажрибаларининг ифодаси бўлибгина қолмай, бугуни ва келажакдаги ҳаёти учун ўзига хос қомусий дастур ҳамдир.

2. Архив материаллари сифатида.

3. Турли халқ ижодчиларининг кўрик –танловлари шаклида, оммавий байрамлар ва томошалар, болалар кўрсатувлари, телемусобақалари таркибида.

4. Фольклор – этнографик, жумладан, дostonчилик жамоалари репертуарида.

5. Китоблар шаклида, электрон версиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликларда - «ўзбек халқ ижоди» туркумидан нашр этилган кўп томлик, турли характердаги фольклор матнлари тўпламлари, мактабгача тарбия, мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлари хрестоматиялари, алишер навоий номидаги ўзбекистон миллий кутубхонасининг компютерлаштириш соҳасидаги бугунги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ёзув ва китоб аждодларни авлодлар билан боғлаб турадиган инсониятнинг энг буюк беқиёс кашфиётларидандир. Ҳар қанча замонавий бўлмасин, кино саънатининг, ўзига хос афзалликлари билан бир қаторда, китоблардан, аниқроғи, сўз саънатидан анча ожизлиги бор. У инсон ҳаёлотини, ижодий тафаккури ўсишини ўз қолипига солиб, чеклаб, қўяди. Бунга абдулла қодирийнинг «ўтган кунлар» асари асосида олинган кинони кўргач, кинодаги қаҳрамонлар билан китобдаги қаҳрамонлар ҳақидаги тасавурларим ўртасида катта фарқ пайдо бўлганида ўзим ишонганман. Фольклор асарларининг ёзма, китоблар шаклида тарқалиши ҳам жуда янгилик эмас. Масалан, хит асрадаёқ хоразмда кўпгина дostonлар оғзаки жараёндан қўлёзмаларга, улардан яна оғзаки жараёнга ўтган. Уларнинг «халқ китоблари» деб ном олган литографик нашрлари кенг тарқалган. Нашр этилган асарлардан(дostonлар, қўшиқлар, эртаклар,

латифалар ва бошқалар) ўрганиб, ижро қилиш тажрибаси хх асрда ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам маълум даражада давом этмоқда.

6. Оммавий ахборот воситалари, газета журналларда. Фольклор асарлари тақдирида уларни тарғиб ва тарғиб қилиш жуда муҳим ўрин тутади. Бу жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, фольклор асарлари намуналарини эълон қилишдан ташқари, тенгсиз аҳамиятга эга. Ўзбек фольклорини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тарихи ва тақдири махсус тадқиқотларга арзийди. Юбилейлар муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг этук халқ ижодкорлари ҳақидаги тарғибот ишлари ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Аммо баъзан бу борада ҳам мавсумийлик этакчи бўлиб қолади. Масалан, даҳо бахши эргаш жуманбулбул ўғлининг 100-йиллиги нишонланганда «ергашунослар» жуда кўпайиб кетди. Бундан фольклор ташвиқотчилари ҳам, мутахассис бўлмаса ҳам, фольклор табиатини яхши билишлари керак, «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, бир оғиз бўлса ҳам билган гапирсин », - деган хулоса чиқади.

7. мултфилмлар, кино сценарийлари, театрлаш-тирилган томошалар шаклида.

8. Илмий-тадқиқот ишларида фактик манба сифатида.

9. Ёзма адабиёт вакиллари ижодига таъсир, яъни фольклоризмлар сифатида.

Ўқувчилар ўз билим, тажрибаларидан келиб чиқиб, бу таснифни янада мукаммалиштиришлари, тузатишлари мумкин. Аммо бир нарса аниқки, фольклор асарлари, қандай шаклларда воқе бўлмасин, ўзларининг тарихий, бадий-эстетик, илмий-маърифий, тарбиявий –маънавий ва ҳ.з. – уларнинг барчасини умумлаштирган миллий –маънавий аҳамиятини сақлаб қолади. Қадимги юнон ва рим адабиёти ҳозиргача бутун жаҳон халқини қанчалик ҳайратга солиб келаётган, саънатнинг барча турларига қанчалик таъсир кўрсатаётган бўлса, келгуси авлодлар учун шунчалик қимматли бўлади.

Тил ҳақида дуне халқлари, мутаффакирлари, ёзувчи=ю, олимлари, доноларнинг миллионлаб мақоллари, ҳикматли сўзлари мавжуд. Ҳар бир халқ,

миллат тилининг миллат тарихи, бугуни, келажагидаги ҳаётий аҳамиятини таърифлаб тугатиш қийин. Фольклор асарларининг ўзига хос бадиий тилидан ташқари шева тили ҳам бор. Фольклор асари қайси шевада ижро этилаётган бўлса, айнан ёзиб олиш фольклоршунослик амалиётининг асосий қонундасидир. Ёзиб олинган фольклор асарларида шундай шева сўзлари борки, уларнинг кўпчилиги жонли шеваларда ҳам унутилиб кетган ёки маънолари бутунлай ўзгарган. Албатта, адабий тилни шевалаштириш жоиз ва мумкин эмас. Бироқ шевалардаги кўпгина сўзларни адабий тилга киритиш уни янада бойитади. Демокчимизки, фольклор асарлари тилимиз тарихи, шеваларини ўрганиш, сўз бойлигини оширишда бундан кейин ҳам муҳим манба бўлиб қолади.

Демак, фольклорнинг келажагидаги яна бир муҳим жиҳат тил масаласидир. Ҳеч кимга сир эмас, юксак ва бой бадиий тили туфайли бугунги кунда ҳазрат навоий ижодинининг асосий қисмини мутахассислардан ташқари кўпчилик луғатларсиз тушунмайди. Ўзбек фольклорининг асосий қисми шеваларда ёзиб олинган. Кўпгина намуналари оммавий нашрларида ҳам асар бадииятига путур этмаслиги учун шева хусусиятлари сақланиб қолган. Қолаверса, қахрамонларнинг кўпи мифжжжубрик, эпик, фантастик хусусиятлар, номланишларга эга. Булар барчаси ўқувчи учун катта қийинчиликлар туғдиради. Шу боис ҳоди зариф илмий-ижодий фаолиятининг бошиданок фольклор асарлари луғатини яратишга алоҳида эътибор берган ва ўнлаб карточкалар тузган эди. Аммо бу соҳага эндигина киришилмоқда. Мисол сифатида “алпомиш” достонининг изоҳли луғати”ни кўрсатиш мумкин. Ўзбек фольклори ва фольклоршунослигининг сўзли ва изоҳли луғатларини тузиш мураккаб ва шарафли ишлардандир.

Фольклор жанрлар тақдири турлича кечган ва кечмоқда. Маросим фольклори этнофольклорий жараён маҳсулидир. Шу билан бирга бугунги кунда бевосита маросим билан боғлиқ бўлмаган жанр намуналари таркибида ҳам шунчалар кўп урф-одатлар, этнографик деталлар қайд этиладики, ўзбек фольклоршунослигида этнофольклористик йўналишнинг ривожланиб бораётгани бежиз эмас.. Кўпгина урф-одат маросимлар ёки улар таркибидаги

сўз саънати намуналари унутилиб, ёки маросимдан узилиб, этнофольклорий жараён сўниб бормоқда. Масалан, ҳозир никоҳ тўйларида анъанавий урф-одатлар чала ёки умуман бажарилмайди. Ёр-ёрлар деярлик айтилмайди. Бирок ёзиб олинган, нашр этилган ёр-ёр матнларига қараб, никоҳ тўйларидаги барча урф-одатлар, маросимлар мазмунини тиклаш мумкин.

Фольклор ва этнография тарихан сиам эгизаклари кабидир. Биз ҳар бир жанрнинг ўзига хос урф-одатлари бўлган дейишимиз мумкин. Шу боис фольклоршуносликда умумфольклор этнографияси ва унинг таркибий қисмлари бўлган дostonчилик, кўшиқчилик, болалар фольклори этнографияси ва ҳ.з. Атамаларни қўлласак хато бўлмас. Масалан, дostonчиликда устознинг шогирдга фотиҳа бериши, дoston, одатда, кечалари айтилиши ва у айтилаётган жойга болалар, аёлларнинг киритилмаслиги, дoston воқеалари айна авжга чиққанда, дўмбира тўнкарилиб, рўмол ёзилиши, дўмбира билан боғлиқ кўплаб иримлар дostonчилик этнографияси элементлари, ёр-ёрларнинг:

Аввал бошдан худони ёд этайлик, ёр-ёр,
 Пайғамбарлар руҳини шод этайлик, ёр-ёр...
 Ўланларнинг:
 Ўлан деган кўшиқни қизми ё ул бошлайми,
 Қиз бошлаган ўланни эл хушлайми...

Мисралари билан бошланиши кўшиқчилик урфлари бўлса, болалар ўйинларининг қаятий-тартибга риоя қилиниши, уни бузиш ғиром ҳисоблангани асрлар бўйи болалар фольклорининг одати бўлиб келган. Шу жиҳатдан олганда, бизда ҳали фольклор этнографияси ҳам махсус, деярли ўрганил-маган соҳадир.

Епик жараён, кўпгина фольклор намуналарининг яратилиши фольклорий, этнофольклорий жараёнда сўниб бормоқда. Бунинг сабабалари жуда кўп, аммо қисқа қилиб, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар дейиш мумкин. Шу билан бирга ҳозир ҳам ҳаётда ҳар куни латифалар яратилмоқда, катталар нутқларида, болалар заковат ўйинларида мақол ва топишмоқларни

айтишмоқда, хонандалар халқ кўшиқларини куйлашмоқда. Умуман олганда, классик кўринишда бўлмаса ҳам фольклорий жараён сўнмайди.

Бизда сўз фольклори, мусиқа фольклори, халқ драмаси, халқ амалий саънати бир-бирига боғлаб ўрганишда ҳозиргача катта узилиш бор. Бошқача айтганда, ҳар бири ўз йўлига. Ҳолбуки тарихий – фольклорий жараёнда уларнинг барчаси бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган, «қариндошлик ришталари» билан боғланган яхлит тизим эди. Келгусида бу узилишни бартараф қилиш умумфольклор-шуносликнинг улкан ютуғи, пировардида фольклор тақдирининг ҳам ёрқин томонларидан бири бўлиши мумкин.

Ўзбек фольклори, минг-минглаб ижодкорлари, ўнлаб мутахассислари ва юзлаб мухлислари хизматининг маънавий, миллий, умуминсоний қадриятини, келгусида бажарилиши мумкин ва зарур бўлган ишлар режасини бир мақола доирасида мукамал ёритишнинг имкони йўқ. Бунинг учун, аввало, фольклор жанрларининг нисбатан мукамал таснифини тузиб, сўнгра, ҳар бир жанр тарихи ва тақдири ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Масалан, мўъжазгина топишмоқ жанри тарихи ибтидоий, мифлар яратила бошлаган, табулар ривожланган даврга бориб тақалади.

Ушбу мақола мунозарали характерда бўлиб, тўла тасдиқ, ақл ўргатиш даъво қилмайди. У ўзбек халқ оғзаки ижоди билан қизиқувчи ҳар бир кишини, фольклор тақдири ҳақида бироз бўлса ҳам ўйлашга, ўз мулоҳазаларини ўртоқлашишга ундар деган ниятда ёзилди.

Маънавияциз халқнинг келажаги йўқ, -дейди президентимиз. Халқнинг ўтмиши ҳам маънавияциз бўлмаган. Бунинг энг ишончли гувоҳларидан бири фольк-лордир. Одам ва одамизот тақдирини оллоҳ белгилаганига ишонган бир мусулмон сифатида юртбошимиз айтган ҳикматни инсон ва инсоният, барча халқлар келажагига тааллуқли десак, хато бўлмас. Ўзбек фольклори эса бугунги мавжудлик шаклларида ҳам бевосита маънавиятга тааллуқли, келгусида ҳам шундай бўлиб қоладиган қадриятдир.

Фольклор намуналарини тўплаш энг аввола унга пухта тайёргарлик кўриш, ташкил этилаётган экспедициянинг режасини тўғри ташкил этишдан бошланади. Фольклор намуналарини тўплашга, ёзиб олишга чиқаётган киши биринчи галда назарий маълумотга эга бўлиши, фольклорга хос бўлган хусусиятлардан хабардор бўлиши талаб этилади.

Фольклор экспедицияларини ташкил этиш йўл-йўриқлари ва методикаси, фольклор намуналарини ёзиб олиш принциплари атрофлича ёритиб берилади.

Фольклор экспедициясидан ёзиб олинган материаллар қатъий принциплар асосида тасниф этилада ва нашрга тайёрланади. Бу принциплар илк бор ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси ҳоди зарифов томонидан ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса фольклоршунос олим, академик тўра мирзаев томонидан қайта ишлаб чиқилди. Фольклор асарларини нашрга тайёрлаш принциплари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига кирадиган асарлирни аниқлаш ва нашрга тайёрлаш «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигини нашр этиш проспекти» асосида амалга оширилади. Шунинг учун аввало проспектни пухта ўрганиб чиқиш зарур.

Проспектда кўрастилган талабларга жавоб берадиган ҳар бир асар куйловчи ва айтувчидан ёзиб олинган дастлабки қўлёзма асосида нашрга тайёрланади. Қўлёзманинг қўлда ё машинкада кўчирилган ёки тўлиқ нашр этилган нусхалари мавжуд бўлган тақдирда ҳам, дастлабки қўлёзма бўлмоғи шарт. Чунки кўчириш просессида айрим сўзлар ва ибораларни нотўғри ўқиш, хато ёзиш, тушириб қолдириш ҳодисалари кўп учрайди. Бундай ҳодиса ва фактларнинг миқдори у ёки бу асарнинг нашрида ҳам яна ҳам кўпроқдир. Дастлабки қўлёзма умуман мавжуд бўлмаган айрим ҳоллардагина, у асар қўлёзмасининг копияси ёки оригинал асосидаги нашр асосга олинади.

Асосий нусха, яъни ёки бу фольклор асари қайси графика ва қандай имлода ёзиб олинган бўлмасин, у асар ҳозирги ўзбек графикасида ва ҳозирги жорий орфография қоидаларига риоя қилинган ҳолда нашрга тайёрланади.

Маълумки, фольклор асарлари бизгача бир неча версия на вариантларда этиб келган. Бир неча версия вариантларда ёзиб олинган асарлар мавжуд бўлган ҳолларда, уларни қиёсий ўрганиб, проспект талабларга жавоб берадиган яхшиси ёки яхшлари танлаб олинади. Достонлардан, умуман бирикки версия, айрим ҳоллардагина бир неча версия, эртактлар, латифалар, халқ драмаси, аския, кўшиқ, мақол ва топишмоқлардан икки-уч ва ундан кўп версия олинishi мумкин.

Асарларнинг версиялар ичидаги мавжуд вариантлари ҳам қиёсий ўрганилиб, улар орасидан энг яхшиси танлаб олинади. Достон ва эртактлардан асосан бир вариант, бошқа жанрлардаги асарлардан айрим ҳолларда аҳамиятига кўра икки вариант олиш мумкин. Фақат мақол, топишмоқ, тўртлик, кўшиқ, тез айтиш каби майда жанрлардаги асарлардан зарур топилган тақдирдагина уч-тўрт вариант олиш мумкин.

Кўп томликка кирадиган ҳар бир асар тўлиқ равишда олинади. Чала ёзиб олинган текст ёки бирор асарнинг айрим парчалари умуман кўп томликка киртилмайди. Фақат у ёки бу фольклор асари ўз вақтида қисман (парча) ҳолида ёки мазмуни ёзиб олинган бўлиб, унинг тўлиқ нусхаси бўлмаса, мавжуд қисми тарихий, ижтимоий ва бадий жихатлардан муҳим аҳамиятга эга бўлса, айрим ҳоллардагина уларни кўп томликка киритиш керак бўлади.

Асар тўлиқ равишда олингани билан қўлёзманинг тексти ҳаммавақт бошдан-оёқ тўлиқ олинмайди. У ёки бу асар текстидаги ғоявий ва тарбиявий жихатдан мазкур асар руҳига ёд бўлган айрим парчалар, бандлар, жумлалар, иборалар, сўзлар тушириб қолдирилади. Тушириб қолдирилганларнинг ўрни кўп нуқта билан қайд этилади, ҳажми кўрсатилмайди.

Ҳозирги кунда тарбиявий жихатдан зарарли деб ҳисобланган айрим парчалар, жумла ва сатрларни, ҳатто сўзларни сўзларни ҳам таҳрир этиб, “тузатиш” мумкин” эмас. Чунки бу тур “тузатиш” фақат сохталаштириш бўлади. Шунинг учун энг тўғри йўл уларни тушириб қолдиришдир. Лекин бу тур қисқартиришларни ҳар жихатдан пухта ўйлаб, уларга конкрет ёндошиш, уларнинг мазкур асарлардаги ўрнини тўғри белгилаш, муайян асарнинг

яратилган даврини ҳисобга олиб, унинг ғоявий-бадний савиясига зарар етказмаслик керак.

2-МАВЗУ: ФОЛЬКЛОР НАМУНАЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ.

Режа:

1. Фольклор санъати асарларини ёзиб олиш турлари.
2. Фольклор – этнографик экспедициялари.
3. Фольклор асарларини ёзиб олишнинг аҳамияти.

Фольклор санъати асарларини ёзиб олиш усуллари 3 турга ажратилади: фонографик усул, кўлда ёзиб олиш, тасвирий усул.

Фонографик усул:

Фонографик усулда ёзиб олишда техника воситаларидан фойдаланилади. Магнитофон ёки тасвирга олиш техникаси ёрдамида фольклор санъати жанрларига оид маросим фольклори намуналарини ёзиб олиш “Фольклор-этнографик жамоалари услубиёти: фанини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Фонографик усул қулайликлари

- Жонли оғзаки ижро;
- Кўшиқнинг куйи ва оҳанги;
- Анъана;
- Айтувчининг ижрочилик маҳорати;
- Ижро усуллари.
- Асарлар магнитофон ёрдамида табиий, жонли, оҳанги ва куйи

билан ёзиб олинади.

Магнитофон ёрдамида ёзиб олинган фольклор асарида ижрочилик амалиётида авлоддан-авлодга ўтиб давом этиб келаётган анъаналар тўла сақланиб қолади.

□ Санъатшунослар, фольклоршунос ва этнолог олимлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Қўлда ёзиб олиш усули:

Ўзбек халқ оғзаки ижоди билан бевосита боғлиқ бўлган халқимиз тарихи, турмуш тарси, эътиқоди, ва қарашлари қадимий урф-одатларни, рақс санъати ҳаракатларини ўрганишда турли маросимларни тўлиқ ҳолда тасаввур этиш ва ўрганиш учун эса қўлда ёзиб олиш усулидан фойдаланиш зарур.

□ Бу усулларга қатъий амал қилган ҳолда халқ ижодининг мукамал санъат асарлари даражасида ҳақиқий дурдоналарни ёзиб олиш мумкин.

□ Қўлда ёзиб олиш жараёнида ижрочи билан фольклор асарини ёзиб олувчи мутахассис ўртасида мулоқот тизими сақланиб туради.

Қўлда ёзиб олиш усули қулайликлари:

□ Ижрочи айтган матнни аниқ ва тўла қоғозга тушириш;

□ Маъноси тушунарсиз бўлган сўзлар (шева)га хос атамаларга бевосита ёзиб олиш жараёнида изоҳ бериш;

□ Ўзаро мулоқот;

□ Фольклор санъатининг маросим фольклори сирасига кирадиган афсона, ривоят, мақол, топишмоқ, тез айтиш, санама, матал ва ибораларни магнитофонда эмас, балки қўлда ёзиб олиш мақсадга мувофиқдир.

□ Фольклор асарларини қўлда ёзиб олиш ёзиб олувчидан махсус филологик тайёргарликни талаб қилади.

Тасвирий усул

□ Замонавий репертуарни аниқлаш ва ўзлаштириш ;

□ Тарихий манбалар, архивларни саралаш ва улар устида ишлаш тартиби;

□ Илмий ва дастурий маълумотлар;

□ Қатъий амал қилган ҳолда халқ ижодининг мукамал санъат асарлари даражасида ҳақиқий дурдоналарни ёзиб олиш мумкин.

Фольклор санъати асарларини тўпловчи мутахассис ижро этувчининг шахси ҳақида тўла маълумот келтириши керак:

- Асарнинг паспорти аниқ ва равшан бўлиши;
- Асарнинг ижро усулларини қайердан ва кимдан ёзиб олганлиги;
- Ижро этган ижрочининг ёши, маълумоти, қайси худудга мансублиги;
- Асарни кимдан ўрганганлиги;
- Асар ёзиб олинган вақти; ижро усули, ижро маҳорати ва тинглавчилар билан мулоқотига ҳам эътибор бериш лозим.

Фольклор – этнографик экспедициялари

Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1918-20 йилларда Туркистон Маориф халқ комиссариатининг Туркий сексияси, 1921-24 йилларда эса Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати томонидан амалга оширилган. Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманига (1921), Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига (1922), Фарғона водийсига (1922) уюштирган фольклор экспедициялари, айниқса, самарали бўлган. Бу илмий сафарларда қатнашган Ғози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарий лапар, ўлан, болалар кўшиқлари, оғзаки драма, эртак ва афсона, маросим фольклорига оид материалларни ёзиб олишган.

Ўзбек билим ҳайъати томонидан ташкил этилган фольклор-этнографик экспедицияларга бошчилик қилган Ғ.О.Юнусов халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш ва оммалаштиришнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаган. Ғ.О.Юнусов ўзбек эпосшунослиги тарихида биринчи бўлиб 1922 йилнинг ёзида Фозил Йўлдош ўғли ва Ғамроқул бахшилардан “Алпомиш” достонидан парчалар ёзиб олган.

XX асрнинг 20-30-йилларида В.А.Успенский, Н.Н.Миронов, Е.Й.Е.Романовская, Юнус Ражабий ўзбек мусиқа фольклори асарларини ёзиб олган бўлишса, Ғулом Зафарий, А.К.Боровков, К.К.Юдахин,

М.Ф.Гаврилов ўзбек халқ оғзаки театри анъаналарини ўргандилар. Ғози Олим Юнусов, Элбек, Е.Д.Поливанов, Л.Потапов, Бекжон Раҳмон, Ҳ.Зарифов, А.К.Боровков, Е.М.Пешчерева, В.Дружинин, В.Г.Андрейев, Қ.Рамазонов, А.Алавий, Ш.Ризо, Ш.Рўзи, Ш.Абдуллайева, Б.Каримий, М.Алавия ва бошқалар ўзбек фольклорининг энг нодир асарларини ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган дастлабки фольклор экспедицияларида фаол қатнашдилар.

Ўзбек фольклоршунослигининг филологик йўналишдаги фан сифатида шаклланиши Ҳ.Зарифов илмий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. У фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш ва ўрганишга улкан ҳисса қўшган аллома, ўзбек фольклоршунослигининг асосчисидир.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзининг 20-йилларда ўтказган экспедициялари чоғида Жиззах вилоятидан «ё рамазон» кўшиқларининг мукамал намунасини ёзиб олишга, шунингдек, халқимизнинг ирим-сиримлари ва эътиқодларига оид бой фактик материаллар тўплашга муваффақ бўлган.

Фольклор санъатининг ўзига хос жанрларидан бири халқ кўшиқларини тўплаш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган Музайяна Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ кўшиқлари, афсона, ривоят, эртақларни тўплаган.

М.Алавия ўзбек халқ маросим кўшиқларининг мавзу қамрови, ғоявий мазмуни, бадий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, кўшиқчиларнинг ижрочилик санъати, кўшиқларнинг тарихий асосларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифидир. М.Алавия ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициялари иштирокчиси сифатида оилавий-маиший маросимлар билан алоқадор ўлан, ёр-ёр, келин салом, лапар каби жанрларга оид матнларни тўплаган. 1969 йилда Сайрам, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияси чоғида шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ «Чоймомо» кўшиғининг кўплаб вариантларини аниқлаган.

Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр этиш, тадқиқ этишга катта ҳисса қўшган олима З.Хусаинова 1951 йилдан буён ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси сафида Республикамизнинг барча вилоятларида, Жанубий Тожикистон ва Ўшда бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг кўшиқ, мақол, топишмоқ, эртақ, латифа каби жанрларига доир матнларни тўплаган.

Фольклоршунос олим Р.Муҳаммадийевнинг ташаббуси ва иштирокида аския санъати материалларини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида махсус фольклор экспедициялари ўтказилган. 1961 йилда Фарғона водийсида иш олиб борган биринчи экспедицияда аския жанрининг тарқалиш доираси ва тарихий тараққиётини ўрганишга доир материаллар тўпланган, аския пайровларини ёзиб олинган. 1963 йилда ўтказилган иккинчи экспедиция чоғида машхур аскиябозларнинг репертуари тадқиқ этилган.

3-МАВЗУ. ФОЛЬКЛОР МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ, ТАСНИФЛАШ.

Режа:

1. Фольклорнинг ўрганилиш тарихи.
2. Фольклор асарлари тўплаш ва ёзиб олиш масаласи.
3. Фольклор асарларининг нашри масаласи.

Халқ ижоди асарлари ўзбек тилининг турли диалектлари ва шеваларида яратилиб, куйланиб ва айтилиб келинганлиги учун ҳам унинг бадий тили фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзбек адабий тилидан фарқ қиладиган анча хусусиятларга эга. Бу фарқларнинг тарихий асослари, замини ва қатор объектив сабаблари бор.

Ўзбек тили диалектлари ва шеваларининг кўплиги, фольклор асарининг у ёки бу шевада яратилганлиги, уни яна бир шева вакилидан ёзиб олинганлиги туфайли текстда умумўзбек халқ тилининг хусусиятлари

билан бир қаторда шевалар учун характерли лексик ва грамматик хусусиятлар ҳам ўз аксини топган. Фольклор асарларининг асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб узоқ яшаши, кенг тарқалиши ва шу туфайли кўп ўзгаришларга учрагани ҳолда, айрим лингвистик фактлар адабий тил ҳатто шеванинг ўзига нисбатан ҳам архаик ёки эскирган ҳолда сақланиб қолган. Фольклор ижодкорлари ва ташувчилари халқ тилининг барча бойликларидан кенг фойдаланганликлари туфайли халқ оғзаки бадиий ижодининг тилида, хусусан, лексикасида аллақанча фактларнинг сақланиб қолишига олиб келганки, улар ҳозирги адабий тилимизда умумлашмаган. Шунингдек, тарихий, ижтимоий маданий ва адабий алоқалар туфайли, турли халқларнинг оғзаки ижодидан ижодий фойдаланиш натижасида у ёки бу халқ тилига хос баъзи лингвистик фактлар ҳам фольклор асарлари текстида учраб туради. Бугина эмас, фольклор асарлари тилида шева учун характерли бўлмаган, ёзма адабиётнинг таъсирида юзага келган айрим фактлар ҳам мавжуддир.

Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда, фольклор асарлари тилидаги фарқли хусусиятлар у асарларни кенг китобхонлар оммасига мўлжаллагаи ҳолда нашрга тайёрлаш ишини анча қийинлаштиради ва катта масъулият талаб қилади. Шунинг учун ҳам фольклорларнинг поетик тили ҳар қайси жанр ва асар бадиий формасининг муҳим таркибий қисми сифатида тўла сақланиши, уни изоҳлаш ва қайта ишлашга йўл қўйилмаслиги лозим.

Масалан, «зиғир – ҳути, тарик — тути» мақолини зиғирни қишнинг охирида тарикни тут пишиғида эккан яхши каби ёки “уйимда йўқ гўжалик, кўнглим истар хўжалик” мақолини гўжа қайнатишга уйида масаллиғи йўғу тагин хўжайин бўлишни истайди каби изоҳлаш ва қайта ишлаш мумкин эмас. Бу тур «ишлаш»да мақолнинг маъноси сақланса ҳам барча бадиий хусусияти йўқолади. Ёки «бу тоғларда бўктарилган қормиди?» сатрини «бу тоғларда оқаринган қормиди?» шаклида бўктарилган сўзи ўрнига оқаринган сўзини ишлатиш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда халк ижоди асарларини ҳар қандай «тахрир» ва «қайта ишлаш» оқибатда уни сохталаштиришга олиб келади.

Фольклор асарлари тилида диалектлар ва шеваларга хос, лекин бадиий асар тили учун муҳим ахамияти бўлмаган фонетик ҳодисалар ўзича сақланмасдан адабий тил нормасида берилади. Шу нарсани унутмаслик керакки фольклор асарларини оммавий нашрга тайёрлашда диалектлар ва шеваларга хос фонетик хусусиятларни адабий тилда бериш ҳам катта қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликлар шундан иборатки, фольклор тилидаги фонетик ҳодисаларни бутунлай йўқотиб, ҳар ерда адабий тилдаги шаклга кўчириш баъзан

Асарнинг бадиийлигига зарар этказиб қўйиши ва баъзан тарихий муҳим фактларни механик равишда йўқ қилиб юбориш каби зарарли оқибатларга олиб келмаслиги шарт.

Фольклор асарлари тилида мавжуд, шевалар учун характерли фонемалар оммавий нашрда сақланмайди. Улар ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд графикада берилади. Шеваларда мавжуд сингармонизм ва лаб оханги сақланмайди, адабий тил нормаларига бўйсундирилади. Шунингдек, кўп ҳолларда баъзи товушлар олдидан пайдо бўладиган, баъзан сўз ўртасида қўшиладиган товуш натижасидаги фарқлар сақланмайди, у сўзлар ҳам адабий тилдагидек берилади. Масалан, ҳарра, хайвон. Хурум, илой, ирайим, ўримол, райис, расим, вўлахат эмас, арра, айвон, рум, лой, раҳим, пўмол, раис, расм, вилоят шаклида олинади.

Шевалар учун характерли бўлган жаранглашиш ёки бир товушнинг иккинчи бир товушга ўтиш ҳодисалари асосан сақланмайди, адабий тилдагича берилади. Гижик, гўз, гуж, гетир, гатир, дош, дўшак, дуз, адик, мейдон, миймон, сингни каби ҳолларда шева хусусияти сақланмайди, балки кичик, кўз, куч, келтир, тош, тўшак, туз, этик, майдон, меҳмон, сингил шаклида ёзилади. Бирок ҳар қайси сўз учун шу принципни ушлаб олиб, ҳамма вақт товушларни ўзгартириш тўғри бўлмайди. Бунда ҳар бир фактга конкрет ёндошиб, унинг мазмуни ва поетик томонига диққат қилиш керак

бўлади. Товушларни ўзгартириш қофия, вазн умуман бадийликка зарар этказса, уни аслича қолдирган маъқул. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг.

«йўл устинда дўшак, шуни билмаган ашак» (кўприк) томилмоғини «йўл устинда тўшак, шуни билмаган эшак» дейилса, асарнинг бадийлигига зарар этмайди. Аммо «узун-узун даланлада таништик» сатрини «узун-узун талинларда танишдик» қилинса, шеърда маъно бузиладигина эмас, барбод ҳам бўлади. Чунки талин сўзи ҳовлига кирадиган йўлак, таништик сўзлашдик маъносидадир. Шунинг учун бу сатрни «узун-узун даланларда донишдик» шаклида бериш мумкин.

Қипчоқ шевалари учун кўпроқ характерли бўлган ж лашиш ҳодисалари билан жарангсизларнинг жаранглашиш ҳодисаларини сақламай, адабий шаклда бериш мақсадга мувофиқ. Масалан, жер — эр, жил — эл, желим — элим, жингичка — ингички, жомон — ёмон, жотоқ — ётоқ, жўқ — йўқ, жука — юка — юпка, жувон — йўғон, жуган — юган, жилдиз — юлдуз, жилон — йилон—илон, жилли — жинни, — жили — илиқ, жилимоқ — жиламоқ — йиғламоқ, жийнамоқ — йиғнамоқ, жийдирмоқ — йиғдирмоқ, сувук — совук, бувук — бўғиқ.

Шуни айтиш керакки, ж товуши билан бошланга, лекин адабий тилда ишлатилмайдиган, хусусан, талаффузн адабийлаштириш натижасида маъноси бузилиб кетадиган ҳолларга эътибор бериб, бундай сўзларни аслидагидек сақлаш зарур бўлади. Масалан, жайнимоқ сўзини яйнамоқ қилиб бўлмайди, чунки бу сўз адабий тилда яшнамоқ шаклидадир. Уни яшнамоқ сўзи билан ҳам алмаштирмасдан ўзини қолдириш керак. Шунингдек, тоғ устидаги кичик яйловни

Гилдирган жаипан сўзини яйпан қилиш ҳам ярамайди. Чунки бу иккисининг маъноси бир эканлиги ҳали текиширилиб, аниқланганча эмас.

Жайрагир сўзини яйрагур қилинса, катта хато бўладн. Чунки жайрагир сўзи яйрагур сўзининг акси бўлиб, яшамагур маъносидадир. Жаналмоқ сўзини яналамоқ қилиб бўлмайдн. Бу сўз қияламоқ, қиялаб

юрмоқ маъносидадир. Жиров, жарғи, жовлик, жилон, жийда, жашоврамоқ сўзлари ҳам аслича қолиш керак.

Фольклор матнини нашрга тайёрлашда халқ оғзаки ижоди ва оғзак нутқнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Уларни адабий тилга қинлаштиришда жуда эҳтиёт бўлиб, лексик ва грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятларни мумкин қадар тўла сақлаб, бир катор фонетик ҳодисаларни адабий нормаларга кўчириш мумкин.

ҳар бир асарнинг тўлалиги, бутунлиги сақланги ҳолда айрим ҳолларда асардаги барча текстнинг сақланиши барча асарлар учун умумий қоида бўлмаслиги, асарнинг ғоявий ва бадиий қийматига жиддий зарар этказадиган ўринлари пухта ўйланган ҳолда қисқартирилиши зарур бўлади. Аммо қисқартиришни асарнинг композицияси ва мазмунига ҳалал бермагаслиги, шунинг билан бирга у ёки бу асарнинг ўз даври билан боғлиқ бўлган камчилик ва қоқоқликларни яшириб, хаспўшлаб кетадиган бўлмаслиги шарт.

Тушириб қолдирилиши мумкин бўлган ўринлар асосан қуйидагилардан иборат:

1. тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар.

2. асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сиғинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда киритилган ҳолатлар назарда тутилади.

3. қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуктаи назаридан қараш тўғри эмас.

5. фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадиийлигига халал этказиб турган ортиқча жумла ва қайтариқлар.

6. асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлар.

7. асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, достон ва эртақларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «енди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «пўлкан шоир айтаётир, мулла иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, эргаш жуманбулбул ўғли «кундуз билан юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «у баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди.

8. баъзан тасвирлар ниҳоят даражада чўзилиб кетади, қайтариқлар кўпаяди, умумий тасвир йўқолади. Мана шундай тасвирларни пухта ўргангандан кейин керагича қисқартириш лозим бўлади. Тасвирлар чўзилган сари ҳар сафар янги-янги деталлар, янги-янги фикрлар ёки айни бир воқеа, ҳодиса ва ё ҳолатни турли образлар билан очиб берилган бўлса, уларга қайтариқ деб қараш ва қисқартириб юбориш ярамайди.

Шунинг билан бирга баъзан қайтариқ ёки қайтариқдай сезилган жумла, мисра ёки банд тақрир бўлади ёки ўзидан аввалги банд билан шеърини жиҳатдан занжирбанд қилиб ишланган бўлади. Бундай ҳолларда қайтариқ деб қараб, натижада асар шеърисига путур этказиб қўйишдан сақланши керак.

Ҳар бир жанрнинг ўз хусусияти, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби бўлиб, уларга катта эътибор берилганидек, фольклор асарларининг ҳам муайян жанри талабларига ва ҳар бир санъаткор халқ ижодчисининг услуби белгиларига, ундан ёзиб олинган асарларнинг хусусиятларига эътибор

бериш, ундай ўзига хосликни пухта ўрганиш керак. Нашрга тайёрловчи ўзига мақбул бирор услуб ёки ўзи ўрганган грамматик талаблардангина келиб чиқиб, асар текстини ўзи истаганча қолибга солиб ишлаши, тўғриси, ўзига мақбул кўринмаса, ағдар-тўнтар қилиб, бошқатдан тузиб чиқиши умуман хатарли ва зарарлидир.

Асар тилига халқ тилининг бойлиги сифатида қараб, лексик жиҳатдангина эмас, балки грамматик жиҳатдан ҳам кўп хусусиятларга эга эканлигини эътибордан туширмаслик, ҳар бир жумланинг, у жумладаги ҳар бир сўзнинг маъно нозиклигини, ўрнини пухта ўйлаб кўриш керак. Жумлаларда бирор сўзни бошқа сўз билан алмаштиришга йўл қўймаслиги шарт бўлганидек, сўзларнинг ўрнини алмаштириш ҳам жавобгарлик талаб қилади. Шунини эсда сақлаш зарурки, ўрин алмаштириш натижасида баъзан маънода ўзгариш юз беради. Бунга

Бормаслик керак. Лекин асарни ёзиб олинаётган пайтда айтувчи баъзан айрим сўзларни олдинма-кетин айтиб қўяди, баъзан жумла ҳали нўноқ ёки грамматик жиҳатдан бутунлай бузуқ ҳам бўлиб қолади. Мана шундай ҳоллар очик, аниқ бўлган тақдирдагина тайёрловчи уларни тузатиб кетиш керак.

Фольклор прозаси учун саж характерлидир. Фольклордаги саж баъзан ўзбек классик адаблётнда мавжуд сажълардан ҳар томонлама устунлик у қилади. Шунинг учун фольклордаги сажълар ҳеч қандай путур этказилмаган ҳолда сақланиши керак. Шеърда ритм ва қофия талаби натижасида грамматик қоидалардан четга чиқишга рухсат этилганидек, прозада сажнинг талаби билан ҳам худди шундай ҳодисалар рўй беради. Шундай экан, жумлалар саж хусусияти-

Ни бузиб юборадиган даражада фонетик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзгариб кетмаслиги керак. Масалан, «авазхон гоҳ овға борар эди, гоҳ товға» жумласини «авазхон гоҳ овга, гоҳ тоққа борар эди» қилинса, саж йўқолади. Бу ерда фақат жўналиш келишигини -ға эмас, -га шаклида бериш билан чекланиш керак. Ёки “бирор уған, бирор буған, нечовлар оёғ остида

қоған” жумласини “бирова унга, бирова бунга, нечалар оёқ остида қолган” қилинса, яна сажъга путур этади. Бу ерда уған, буған, қоған сўзларини ўзича қолдириб, уларга изох тариқасида саҳифа остида адабий тилдаги формасини бериш лозим. Сажъларда эга ва кесимлар ўз ўрнида келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда саж тартиби, унинг хусусиятини йўқотмаслик учун ўзича қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Фольклор тили ўзининг анъанавий усуллари, ифодалари ва қоидаларига эга бўлган оғзаки бадиий тилдир. Бу хусусияти билан у муайян шева ёки шевалар группаси билан чегараланиб қола олмайди. Шунинг учун ҳам нашрларда бадиий текст ўзининг барча хусусиятлари билан тўла намоён бўлиши, китобхонларга яхлит адабий асар сифатида этиб бориши зарур.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ, ТЎПЛАШ ВА ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Ишдан мақсад – Фольклорнинг ўрганилиш тарихи, Фольклор асарлари тўплаш ва ёзиб олиш масаласи, Фольклор асарларининг наشري масаласи юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова**Биринчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
<p>1.Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар Салбий жиҳатлари қандай?</p>		
<p>2. Асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сиғинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда киритилган ҳолатлар назарда тутилади.</p>		
<p>3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват</p>		

<p>туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?</p>		
--	--	--

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
<p>Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадийлигига халал этказиб турган ортиқча жумла ва қайтариқларни тушунтириб беринг.</p>		
<p>Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.</p>		
<p>Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, достон ва эртакларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонидан</p>		

<p>тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?</p>		
--	--	--

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Халқ ижоди асарлари ўзбек тилининг турли диалектлари ва шеваларида яратилиб, куйланиб ва айтилиб келинганлиги учун ҳам унинг бадий тили фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзбек адабий тилидан фарқ қиладиган анча хусусиятларга эга. Бу фарқларнинг тарихий асослари, замини ва қатор объектив сабаблари бор.

Ўзбек тили диалектлари ва шеваларининг кўплиги, фольклор асарининг у ёки бу шевада яратилганлиги, уни яна бир шева вакилидан ёзиб олинганлиги туфайли тектда умумўзбек халқ тилининг хусусиятлари билан бир қаторда шевалар учун характерли лексик ва грамматик хусусиятлар ҳам ўз аксини топган. Фольклор асарларининг асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб узоқ яшаши, кенг тарқалиши ва шу туфайли кўп ўзгаришларга учрагани ҳолда, айрим лингвистик фактлар адабий тил ҳатто шеванинг ўзига нисбатан ҳам архаик ёки эскирган ҳолда сақланиб қолган. Фольклор ижодкорлари ва ташувчилари халқ тилининг барча бойликларидан кенг фойдаланганликлари туфайли халқ оғзаки бадий ижодининг тилида, хусусан, лексикасида аллақанча фактларнинг сақланиб қолишига олиб келганки, улар ҳозирги адабий тилимизда умумлашмаган. Шунингдек, тарихий, ижтимоий маданий ва адабий алоқалар туфайли, турли халқларнинг оғзаки ижодидан ижодий фойдаланиш натижасида у ёки бу халқ тилига хос баъзи лингвистик фактлар ҳам фольклор асарлари текстида учраб туради. Бугина эмас, фольклор асарлари тилида шева учун характерли бўлмаган, ёзма адабиётнинг таъсирида юзага келган айрим фактлар ҳам мавжуддир.

Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда, фольклор асарлари тилидаги фарқли хусусиятлар у асарларни кенг китобхонлар оммасига мўлжаллагаи ҳолда нашрга тайёрлаш ишини анча қийинлаштиради ва катта масъулият талаб қилади. Шунинг учун ҳам фольклорларнинг поэтик тили ҳар қайси жанр ва асар бадий формасининг муҳим таркибий қисми сифатида тўла сақланиши, уни изоҳлаш ва қайта ишлашга йўл қўйилмаслиги лозим.

Масалан, «Зиғир – ҳути, тариқ — тути» мақолини зиғирни қишнинг охирида тариқни тут пишиғида эккан яхши каби ёки “Уйимда йўқ гўжалик, кўнглим истар хўжалик” мақолини гўжа қайнатишга уйида масаллиғи йўғу тағин хўжайин бўлишни истайди каби изоҳлаш ва қайта ишлаш мумкин эмас. Бу тур «ишлаш»да мақолнинг маъноси сақланса ҳам барча бадий хусусияти йўқолади. Ёки «Бу тоғларда бўктарилган қормиди?» сатрини «Бу тоғларда оқаринган қормиди?» шаклида бўктарилган сўзи ўрнига оқаринган сўзини ишлатиш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда халқ ижоди асарларини ҳар қандай «тахрир» ва «қайта ишлаш» оқибатда уни сохталаштиришга олиб келади.

Фольклор асарлари тилида диалектлар ва шеваларга хос, лекин бадий асар тили учун муҳим ахамияти бўлмаган фонетик ҳодисалар ўзича сақланмасдан адабий тил нормасида берилади. Шу нарсани унутмаслик керакки Фольклор асарларини оммавий нашрга тайёрлашда диалектлар ва шеваларга хос фонетик хусусиятларни адабий тилда бериш ҳам катта қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликлар шундан иборатки, фольклор тилидаги фонетик ҳодисаларни бутунлай йўқотиб, ҳар эрда адабий тилдаги шаклга кўчириш баъзан асарнинг бадийлигига зарар этказиб қўйиши ва баъзан тарихий муҳим фактларни механки равишда йўқ қилиб юбориш каби зарарли оқибатларга олиб келмаслиги шарт.

Фольклор асарлари тилида мавжуд, шевалар учун характерли фонемалар оммавий нашрда сақланмайди. Улар ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд графикада берилади. Шеваларда мавжуд сингармонизм ва лаб оханги сақланмайди, адабий тил нормаларига бўйсундирилади. Шунингдек, кўп ҳолларда баъзи товушлар олдидан пайдо бўладиган, баъзан сўз ўртасида қўшиладиган товуш натижасидаги фарқлар сақланмайди, у сўзлар ҳам адабий тилдагидек берилади. Масалан, *ҳарра, ҳайвон. Хурум, илой, Ирайим, ўримол, райис, расим, вўлахат* эмас, арра, айвон, Рум, лой, Раҳим, пўмол, раис, расм, вилоят шаклида олинади.

Шевалар учун характерли бўлган жаранглашиш ёки бир товушнинг иккинчи бир товушга ўтиш ҳодислари асосан сақланмайди, адабий тилдагича берилади. *Гижик, гўз, гуж, гетир, гатир, дош, дўшак, дуз, адик, мейдон, миймон, сингни* каби ҳолларда шева хусусияти сақланмайди, балки *кичик, кўз, куч, келтир, тош, тўшак, туз, этик, майдон, меҳмон, сингил* шаклида ёзилади. Бирок ҳар қайси сўз учун шу принципни ушлаб олиб, ҳамма вақт товушларни ўзгартириш тўғри бўлмайди. Бунда ҳар бир фактга конкрет ёндошиб, унинг мазмуни ва поэтик томонига диққат қилиш керак бўлади. Товушларни ўзгартириш қофия, вазн умуман бадийликка зарар этказса, уни аслича қолдирган маъкул. Қуйидаги мисолларга диққат қилинг.

«Йўл устинда дўшак, шуни билмаган ашак» (кўприк) томилмоғини «Йўл устинда тўшак, шуни билмаган эшак» дейилса, асарнинг бадийлигига зарар этмайди. Аммо “Узун-узун даланлада таништиқ” сатрини “Узун-узун

талинларда танишдик” қилинса, шеърда маъно бузиладигина эмас, барбод ҳам бўлади.

Чунки *балан* сўзи ҳовлига кирадиган йўлак, таништиқ *сўзлашдик* маъносидадир. Шунинг учун бу сатрни «Узун-узун даланларда донишдик» шаклида бериш мумкин.

Қипчоқ шевалари учун кўпроқ характерли бўлган *ж* лашиш ҳодисалари билан жарангсизларнинг жаранглашиш ҳодисаларини сақламай, адабий шаклда бериш мақсадга мувофиқ. Масалан, *жер* — *эр*, *жил* — *эл*, *желим* — *элим*, *жингичка* — *ингички*, *жомон* — *ёмон*, *жотоқ* — *ётоқ*, *жўқ* — *йўқ*, *жуқа* — *юқа* — *юпқа*, *жувон* — *йўгон*, *жуган* — *юган*, *жилдиз* — *юлдуз*, *жилон* — *йилон*—*илон*, *жилли* — *жинни*, — *жили* — *илиқ*, *жилимоқ* — *жиламоқ* — *йигламоқ*, *жийнамоқ* — *йигнамоқ*, *жийдирмоқ* — *йигдирмоқ*, *сувуқ* — *совуқ*, *бувуқ* — *бўғиқ*.

Шуни айтиш керакки, *ж* товуши билан бошланга, лекин адабий тилда ишлатилмайдиган, хусусан, талаффузн адабийлаштириш натижасида маъноси бузилиб кетадиган ҳолларга эътибор бериб, бундай сўзларни аслидагидек сақлаш зарур бўлади. Масалан, *жайнимоқ* сўзини *ййнамоқ* қилиб бўлмайди, чунки бу сўз адабий тилда *яшнамоқ* шаклидадир. Уни *яшнамоқ* сўзи билан ҳам алмаштирмасдан ўзини қолдириш керак. Шунингдек, тоғ устидаги кичик яйловни гилдирган *жаипан* сўзини *ййпан* қилиш ҳам ярамайди. Чунки бу иккисининг маъноси бир эканлиги ҳали текиширилиб, аниқланганча эмас.

Жайрагир сўзини ***ййрагур*** қилинса, катта хато бўлади. Чунки ***жайрагир*** сўзи ***ййрагур*** сўзининг акси бўлиб, ***яшамагур*** маъносидадир. ***Жаналмоқ*** сўзини ***яналамоқ*** қилиб бўлмайди. Бу сўз ***қияламоқ***, ***қиялаб юрмоқ*** маъносидадир. ***Жиров***, ***жарги***, ***жовлиқ***, ***жилон***, ***жийда***, ***жашоврамоқ*** сўзлари ҳам аслича қолиш керак.

Фольклор матнини нашрга тайёрлашда халқ оғзаки ижоди ва оғзак нутқнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Уларни адабий тилга қинлаштиришда жуда эҳтиёт бўлиб, лексик ва грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятларни мумкин қадар тўла сақлаб, бир катор фонетик ҳодисаларни адабий нормаларга кўчириш мумкин.

Ҳар бир асарнинг тўлалиги, бутунлиги сақланги ҳолда айрим ҳолларда асардаги барча текстнинг сақланиши барча асарлар учун умумий қоида бўлмаслиги, асарнинг ғоявий ва бадиий қийматига жиддий зарар этказадиган ўринлари пухта ўйланган ҳолда қисқартирилиши зарур бўлади. Аммо қисқартиришни асарнинг композицияси ва мазмунига ҳалал бермагаслиги, шунинг билан бирга у ёки бу асарнинг ўз даври билан боғлиқ бўлган камчилик ва қолюқликларни яшириб, хаспўшлаб кетадиган бўлмаслиги шарт.

Тушириб қолдирилиши мумкин бўлган ўринлар асосан қуйидагилардан иборат:

1.Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар.

2.Асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сиғинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда киритилган ҳолатлар назарда тутилади.

3.Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмас.

5.Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадиийлигига ҳалал этказиб турган ортиқча жумла ва қайтариқлар.

6.Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлар.

7.Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва эртакларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди.

8.Баъзан тасвирлар ниҳоят даражада чўзилиб кетади, қайтариқлар кўпаяди, умумий тасвир йўқолади. Мана шундай тасвирларни пухта ўргангандан кейин керагича қисқартириш лозим бўлади. Тасвирлар чўзилган сари ҳар сафар янги-янги деталлар, янги-янги фикрлар ёки айтиш бир воқеа, ҳодиса ва ё ҳолатни турли образлар билан очиб берилган бўлса, уларга қайтариқ деб қараш ва қисқартириб юбориш ярамайди.

Шунинг билан бирга баъзан қайтариқ ёки қайтариқдай сезилган жумла, мисра ёки банд такрир бўлади ёки ўзидан аввалги банд билан шеърий жиҳатдан занжирбанд қилиб ишланган бўлади. Бундай ҳолларда қайтариқ деб қараб, натижада асар шеъриятига путур этказиб қўйишдан сақланши керак.

Ҳар бир жанрнинг ўз хусусияти, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби бўлиб, уларга катта эътибор берилганидек, фольклор асарларининг ҳам муайян жанри талабларига ва ҳар бир санъаткор халқ ижодчисининг услуби белгиларига, ундан ёзиб олинган асарларнинг хусусиятларига эътибор бериш, ундай ўзига хосликни пухта ўрганиш керак. нашрга тайёрловчи ўзига мақбул бирор услуб ёки ўзи ўрганган грамматик талаблардангина келиб чиқиб, асар текстини ўзи истаганча қолибга солиб ишлаши, тўғриси, ўзига мақбул

кўринмаса, ағдар-тўнтар қилиб, бошқатдан тузиб чиқиши умуман хатарли ва зарарлидир.

Асар тилига халқ тилининг бойлиги сифатида қараб, лексик жиҳатдангина эмас, балки грамматик жиҳатдан ҳам кўп хусусиятларга эга эканлигини эътибордан туширмаслик, ҳар бир жумланинг, у жумладаги ҳар бир сўзнинг маъно нозиклигини, ўрнини пухта ўйлаб кўриш керак. Жумлаларда бирор сўзни бошқа сўз билан алмаштиришга йўл қўймаслиги шарт бўлганидек, сўзларнинг ўрнини алмаштириш ҳам жавобгарлик талаб қилади. Шунини эсда сақлаш зарурки, ўрин алмаштириш натижасида баъзан маънода ўзгариш юз беради. Бунга бормаслик керак. Лекин асарни ёзиб олинаётган пайтда айтувчи баъзан айрим сўзларни олдинма-кетин айтиб қўяди, баъзан жумла ҳали нўноқ ёки грамматик жиҳатдан бутунлай бузуқ ҳам бўлиб қолади. Мана шундай ҳоллар очик, аниқ бўлган тақдирдагина тайёрловчи уларни тузатиб кетиш керак.

Фольклор прозаси учун саж характерлидир. Фольклордаги саж баъзан ўзбек классик адаблётнда мавжуд сажълардан ҳар томонлама устунлик у қилади. Шунинг учун фольклордаги сажълар ҳеч қандай путур этказилмаган ҳолда сақланиши керак. Шеърда ритм ва қофия талаби натижасида грамматик қоидалардан четга чиқишга рухсат этилганидек, прозада сажнинг талаби билан ҳам худди шундай ҳодисалар рўй беради. Шундай экан, жумлалар саж хусусияти-

ни бузиб юборадиган даражада фонетик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўзгариб кетмаслиги керак. Масалан, «Авазхон гоҳ овға борар эди, гоҳ товға» жумласини «Авазхон гоҳ овга, гоҳ тоққа борар эди» қилинса, саж йўқолади. Бу эрда фақат жўналиш келишигини –ға эмас, -га шаклида бериш билан чекланиш керак. Ёки “Биров уған, биро буған, нечовлар оёғ остида қоған” жумласини “Биров унга, биров бунга, нечалар оёқ остида қолган” қилинса, яна сажъга путур этади. Бу эрда *уған, буған, қоған* сўзларини ўзича қолдириб, уларга изох тариқасида саҳифа остида адабий тилдаги формасини бериш лозим. Сажъларда эга ва кесимлар ўз ўрнида келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда саж тартиби, унинг хусусиятини йўқотмаслик учун ўзича қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Фольклор тили ўзининг анъанавий усуллари, ифодалари ва қоидаларига эга бўлган оғзаки бадий тилдир. Бу хусусияти билан у муайян шева ёки шевалар группаси билан чегараланиб қола олмайди. Шунинг учун ҳам нашрларда бадий текст ўзининг барча хусусиятлари билан тўла намоён бўлиши, китобхонларга яхлит адабий асар сифатида этиб бориши зарур.

2-амалий машғулот:: ФОЛЬКЛОР ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Ишдан мақсад – “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” янги фан бўлиб, унинг асосий мақсади фольклор экспедицияларини ташкил этиш, фольклор намуналарини ёзиб олиш,

таснифлаш, нашрга тайёрлаш каби кўплаб масалаларини ўз ичиқга қамраб олади.

Фольклор материалларини бугунги кун фольклоршунослиги нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш фанни янада чуқар ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этишга хизмат қилади.

Масаланинг қўйилиши-Мамлакатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар асосида “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фанининг манбаларини жамлаш, илмий тадқиқ этиш ва талабаларга етказиш;

- Ўзбек фольклоршунослигидаги энг етакчи мавзулар тизимини яхлит холда ўрганиш;

- Ўзбек фольклори материалларни тўплаш ва тадқиқ этиш усулларини ҳақида талабага илмий билимларни бериш;

- Фольклордаги дoston жанри таркиби ва унда бадиётнинг ўзига хос намоён бўлиш йўлларини кўрсатиш;

- Мифологик тафаккур барча санъат асоси эканини, мифологик тасаввурлар билан боғлиқ билимлар ва бадиий образларнинг рамзий тимсолий маъноларини талабалар онгига сингдири;

- Халқ халқ насри ва қўшиқларида мифологик сюжет, образ ва унсурларнинг бадиий эстетик сатҳда намоён бўлиш йўлларини кўрсатиш;

- Ўзбек халқ қўшиқларининг структураси, образлар тизими унинг бадииятини тадқиқ этишда муҳия аҳамиятга эга эканлигини;

- Ўзбек фольклори ва ёзма адабиёт намуналарини қиёслаш орқали фольклор санъатига хос бўлган тушунча ва тасаввурлар, поэтик тафаккурнинг ёзма адабиётда кўчиб ўтиши омилларини илмий асосда кўрсатиш ва уларнинг халқимиз маданий меросида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш.

“Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” фани бўйича магистр талабалари, аввало, ўзбек фольклорини тадқиқ этишдаги етакчи тамойиллар ва усуллар ҳақида атрофлича **тасаввур ҳосил қиладилар**. Фольклор материалларини тўплаш ва нашрга тайёрлаш ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўладилар. Фольклор матнларини қиёсий тадқиқ этиш методлари билан танишадилар, фольклор матнини вариант ва версияларга қиёслаб тадқиқ этиш методлари устида иш олиб борадилан, фольклоршунослик борасида дунёдаги етакчи тамойиллар тўғрисида **билим ва кўникмалар ҳосил қиладилар**. Бугунги кун фольклоршунослигининг тараққиёт босқичлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг хусусиятлари, халқ ижодкорларининг бадиий маҳорати, ўзбек фольклоршуносларининг илмий мероси, баркамол авлод тарбиясида фольклор асарларининг ўрни ва аҳамияти **ҳақида тушунчага эга бўлишади**. Фольклор материалларни турли назарий қараш ва методларга суянган ҳолда қиёсий тадқиқ этиш ва уларни баҳолаш **кўникмаларига эга бўлишади**.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар бўйи яратилган улкан маънавий хазина, намуналари жаҳонга машҳур бўлган ижод, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлган миллий ҳодисадир. Шу боис унинг тарихи ва тақдири, бир мутахассис сифатида, ушбу мақола муаллифини ҳам доимо ўйлантиради. Аммо бу эрда гап мутахассис бўлиш ёки бўлмасликда ҳам эмас. Муҳими асрлар бўйи халқ тарихи, маънавий-маиший турмуши, маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди, илмий таъбир билан айтганда, ўзбек фольклори тақдиридадир. ЭЪтироф этиш лозимки, ҳозиргача фольклор ва унинг кўпгина намуналари тарихи, тақдири, албатта, бадиияти, ўзбек фольклоршунослиги ҳақида ҳам мутахассисларнинг эътиборли фикрлари баён этилган.

Асрлар давомида, ўтган асрнинг ўрталаригача оғзаки ижод халқнинг кўпчилик қисми учун ҳам театр, тасвирий, мусиқа саънати, ҳам тарих, ҳам фалсафа, адабиёт, ҳам эстетика, ҳам педагогика, миллий этика ва этнографик мезонлар, миллий ғоя ҳам амалиёт –хуллас ҳозир ижтимоий-гуманитар фанлар ўрганаётган ҳамма нарсалар эди. Тарихан фольклор этнофольклорий характерли, маиший турмуш билан узвий боғлиқ бўлиб, турмуш ва маънавият саънати эди. Бугун амалиётдаги фольклор асосан сўз, маънавият саънати бўлиб бормоқда. Маросим фольклори урф-одатлар ва сўз саънатининг уйғунлиги, этнофольклорий жараён ҳосиласидир. Бугун эса унинг асосан сўз қисмигина сақланиб қолмоқда.

Фольклор табиатига кўра жаҳоний ҳодисадир. Академик В.М. Жирмунский қадимда бир-биридан умуман беҳабар бўлган халқлар ижодидаги умумийликни инсоният тарақ-қиётининг маълум бир босқичидаги ижтимоий, тарихий-фольклорий жараёнларнинг яқинлигидан келиб чиққанини кашф этиб берганки, бу ўзбек фольклорининг умуминсоний аҳамиятини ҳам белгилайди. Шунингдек, ижтимоий тараққиёт, ўзгаришлар туфайли жуда кўплаб фольклор жанрлари намуналарининг яратилмай ва ижро этилмай қўйганлиги, эпик ижод жараённинг сўниши, жаҳон фольклорига хос табиий ҳодисадир.

Фольклор қайси даврда, қандай шаклларда бўлмасин, жамиятнинг, кишиларнинг маълум бир эҳтиёжларига жавоб бермаса, ўз-ўзидан ҳаёт сахнасидан тушиб, фақат тарихий фактгина бўлиб қолади. Шу боис унинг бугунигача бўлган тарихи мутахассислар томонидан кўп ўрганилган, кейинги тақдири янада кўпроқ ўрганилиши зарур бўлган масаладир.

Фольклор - халқ ижоди деймиз, аммо бу жуда мураккаб тушунча. Ҳаётда ҳеч қачон уч-тўрт талантли киши йиғилиб, дostonнинг бир қисмини мен яратай, қолганини сизлар яратинглар деб, дoston айтмаган. Ёки аёллар тўпланиб олиб, бир мисрани у, бир мисрани бу айтиб, қўшиқ тўқишмаган. Фольклор халқ ижоди тушунчасини изоҳлаш учун бир мисол жуда характерлидир. Ўғли Равшан Зарифовнинг ҳикоя қилишича, фольклоршунослигимиз фани асосчиси устоз Ҳоди Зариф мақоллар тўпламини тузибди-ю, китобни қандай номлашни билмай анча ўйланиб юрибди ва ўзи «Оталар сўзи –ақлнинг кўзи» деган сарлавҳа қўйибди. Бугунги

кунда бу ифоданинг халқ мақолига айланиб кетганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Демокчимизки, ҳар бир фольклор намунасининг дастлабки ижодчиси бўлади ва у муаллифликка даъво ҳам қилмайди. Йиллар, асрлар ўтиб бу ижодга яна кимлардир нималарнидир қўшади, ўзгартиради, сайқал беради ва ҳ.з. «Алпомиш»нинг бизгача шу даражада этиб келишида балки юзта, балки мингта халқ вакилининг улуши бордир.

Инсоннинг табиатида озми, кўпми ижод қобилияти бор. Бола ҳам ижод қилиши мумкин, бироқ халқнинг барча вакиллари ижод ва ижро қилиш қобилиятига бирдек эга эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, фольклор тарихи халқ ижодчилари ва ижрочилари ҳамда улар яратган ижод тарихи, тақдирдир.

Профессор Т.Мирзаев қайд этганидек, ўзбек фольклорида профессионаллашув жуда ривожланган. Тарихан халқнинг профессионал ижодчи ва ижрочилари – булар ўзидаги иқтидорни «худо берган», «танглайига берган» деб тушунган бахшилар, эртакчилар, қўшиқчилар, қизиқчилар, аскиячилар, латифачилар, хальфалар – хуллас ижоднинг қайсидир бир соҳасидаги этук профессионаллардир. Ҳозирги пайтда бундай кишилар ёшлигидан ўз салоҳиятига мос келадиган соҳаларда том маънода индивидуал ижодкор сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари ўтмишда у соҳадан бир шингил, бу соҳадан бир шингил биладиган, яратадиган, умумфольклор ривожига озми-кўпми улуш қўшиб келган жуда катта аҳоли борки, фанда улар оммавий ижрочи, ижодчилар тушунчаси билан таърифланади.

Фольклорий жараён нуқтаи назаридан, ўтган асрда профессионал ижодчилар тақдирда қуйидагиларни кўрамиз:

XX асрнинг 20=йиллариданоқ классик дostonчилик мактаблари тугай бошлаган, аммо Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан, Ислом шоир, Бола бахши каби унинг этук намоёндалари фаолияти авж нуқтага кўтарилган эди. Фандами, саънатдами бирор мактаб тугаб кетиши мумкин. Аммо улар тугагач ҳам, вакиллари яна кўп йиллар ижод қиладилар. Ижодлари турли йўллар билан авлодлардан авлодларга этиб боради. Фольклорнинг келгуси тақдири бевосита ана шу ижодни, умуман мавжуд хазинани турли йўллар билан бугунга хизмат қилдириш, авлодларга этказиб беришга боғлиқ. Бусиз фольклор ҳақида сўзлашга ҳожат йўқ. Бирор бир нодир фольклор асарини, умуман ёзиб олинган барча намуналарни юз йилдан кейин ҳам илмий тадқиқ, нашр қилиш мумкин. Бироқ улар йўқолиб кетган бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Шу боис фольклор асарларини ёзиб олиш билан шуғулланган фольклоршунослар билан бирга фольклор мухлисларидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бу фикрни фольклоршунослик иккинчи даражали экан, деб тушунмаслик керак.

Ўтган асрда улкан халқ ижодкорлари, турли даражадаги халқ бахшиларидан, эртакчилар, қўшиқчилар, аҳолининг барча қатламлари вакилларидан беқиёс фольклор намуналари ёзиб олиниб, сараланиб, талай қисми нашр қилиндики, ўзбек фольклоршунослик амалиёти ҳеч қачон бундай

юксак ютуқга эришган эмас, эриша олмайди ҳам. Айни пайтда фольклоршунослик келажакда ҳам фольклор тақдири учун энг муҳим асос бўлиб қолади. Масалан, 1928 йилда Махмуд Зарифов томонидан Фозил шоир куйлаган «Алпомиш» достони ёзиб олинмаганда, бугун биз Президентимиз ташаббуси ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1000 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланган, дуне халқларининг энг юксак эпослари билан беллаша оладиган, Т. Мирзаев таърифи билан айтганда, «достонлар гултожи»дан абадий маҳрум бўлар эдик. Бу фикрни, хусусан, энг мўъжаз мақолу, топишмоқларимиздан тортиб, умуман, бугунги кунда биз эга бўлган беқиёс маънавий хазина –фольклор меросимизга нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Оғзаки ижодни тўплаш, нашр этиш, илмий ўрганиш, унинг асл аҳамиятини халққа тушунтириш – фольклоршунослик фани ҳам фольклорнинг ўзи каби зарур ва қимматлидир. Афсуски, назаримда, бугунги кунда ўзбек фольклоршунослиги фани унга асос солган Ҳоди Зариф, катта ва ўрта авлод яратган, яратаётган илм захиралари, тўплаган тажрибаларига таяниб қолганга ўхшайди. Мен хато қиларман балки, менга баъзи фанга кириб келаятган ёшлар ўртасида фан ривожидан кўра, илмий даража учун кураш ўсиб бораётганга ўхшаб туюлади.

XX асрнинг 70 – йилларигача, илмий-ижодий кучлар-нинг этишмаслиги, мавжуд сиёсат туфайли эришилган катта ютуқлар билан бирга, бу маънавий мероснинг жуда катта қисми йўқолиб кетди. Одамлар чўчитилиб, айрим халқ бахшилари таъқибга ҳам учради. Айрим мавзулар умуман тақиқланди ёки қора бўёқлар билан чапланди. Мисол сифатида, ўзбек фольклоридаги диний мавзуларга муноса-батни кўрсатиш мумкин.

Динга муносабат ўзбек фольклори тарихи ва тақдирига тааллуқли муҳим жиҳатлардан биридир. Халқ ҳеч қачон мутаассиб бўлмагани каби, эътиқодсиз ҳам яшамаган. Жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек фольклори ҳам илк асосига кўра диний эди. Одамизот осмон, олам, ўсимликлар ва жониворлар, ўзи қандай пайдо бўлган? –деган саволларга дастлаб мифлар билан жавоб берган эди. Қандай яшаш керак деган, саволга эса ҳомий ва ёвуз руҳларга ишонч, уларга бағишланган турли-урф одатлар, маросимлар, диннинг архаик шакллари бўлган: анимизм, тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик ва бошқа кўплаб культларга эътиқоди, қолаверса, мақолу топишмоқлар, меҳнат, маросим кўшиқлари ва бошқалар билан жавоб топдики, улар бизгача этиб келган фольклор асарларида мукаммал бадиий ифодасини топган. Қизиғи шундаки, жаҳонга машҳур этнограф – диншунослар Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрезер, С.А.Токарев ва кўплаб фольклор-шунсларнинг тадқиқотлари, гарчи ҳар бири бирор уруғ-қабилла, уруғлар бирлашмасига тегишли бўлса ҳам, архаик динлар жаҳоннинг барча халқлари тарихида бўлгани, айримлари тараққиётнинг куйи босқичида турган баъзи халқлар ҳаётида ҳозир ҳам мавжудлигини кўрсатади. Учта жаҳон динларидан бири бўлган ислом таълимоти инсон қандай яралган, қандай яшаши керак, қаёққа боради, деган саволларга имон этиқоди тушунчаси билан мукаммал тизимий жавоб берди. Кўпхудолик бўладими, якхудолик бўладими барча динлар учун бир умумийлик бор – бу жон, руҳ ва

унинг бутунлай йўқолиб кетмаслиги ғоясидир. Бу ғоя жаҳон фольклорида қизил чизик бўлиб ўтади. Ўзбек фольклори тарихи ва тақдирининг аҳамияти шундаки, унинг намуналарида юқорида айтилган барча архаик динлар ва исломий қарашлар доимо ўз ифодасини топиб келган. Фольклор тарихан ноэстетик қарашларнинг эстетик ҳодисаларга, жумладан, диний тассавурларнинг бадий тассавурларга ўтиши майдони бўлган.

“Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, - дейди Президентимиз Ислам Каримов, - минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ, у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради”.¹ Тарихан фольклорнинг динларга, диний қарашларнинг фольклорга таъсири шубҳасиздир. Жумладан, араб ва ўзбек фольклори қиёсининг илк тадқиқотчиларидан бири Ш. Шомусаров шундай деб ёзади: “Ўз даври фольклорини жуда яхши билган Муҳаммад алайҳиссалом ўз диний, маърифий, ахлоқий, эстетик қарашларини тарғиб қилишда ҳам араб халқ оғзаки ижодининг афсона, ривоят, мақол ва ҳикматли сўз каби жанрлардан самарали фойдаланган”².

Шу ўринда ўзбек фольклори асрлар бўйи диний вазифа ҳам бажариб келган, десак муболаға бўлмас. Масаланинг муҳим бир жиҳати шундаки, архивларда жуда бой намуналар мавжуд бўла туриб, ўзбек фольклорининг диний мавзулари умуман илмий холис ўрганилган, диний намуналари нашр этилган эмас.

Фольклор тақдирига назар ташлар эканмиз, қизик бир қутбий зиддиятни кўрамиз. Бир томондан эпик жараён, кўпгина, фольклор жанрлари, айниқса, дoston, эртақ, афсона, ривоят, маросим фольклори намуналари яратилиши, ижро этилиши тугаб, йўқолиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, уни ўрганувчи фан - фольклоршунослик ривожига зарурият тобора ўсиб бормоқда. Тадқиқотларда этнофольклористик йўналиш ривожланиб, жаҳон фанининг энг замонавий ютуғи – руҳий таҳлил методи ўзбек фольклорига самарали тадбиқ этила бошланди.

Айрим кишилар фольклоршуносликка адабиётшунос-ликнинг энг энгил соҳаси деб қарайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, фольклор табиатини тушунмаслик бўлса, иккинчидан, фольклоршунослик соҳасидаги бўш ишлардир. Улардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳолбуки, Ҳоди Зариф фольклоршунос тарих, этнография, педагогика, археология, тилшунослик, хусусан, шевашунослик, ёзма адабиёт ва бошқаларни мукамал билиши зарур, деб билган ва ўзи бунга намуна кўрсатган.

Фольклор ва ёзма адабиёт масаласида, уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида қатор жиддий ишлар мавжудлигини инкор этмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, назаримда, бугун ёзма адабиёт мутахассисларининг кўпчилиги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б.35.

² Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий- қиёсий таҳлили. ДДА. – Т.: 1997. – Б. 12.

фольклорни, фольклор мутахассислари ёзма адабиётни яхши билмагандек туюлади.

Фольклор билан адабиётни ҳар қанча қиёслаш мумкин, аммо асло уларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Бу ота-онани фарзандларига гиж-гижлашдай гап. Афсуски, ҳаётда турли савиядаги кишилар ўртасида ёзма адабиёт юксак, фольклор содда, у бой, бу қашшоқ, у ҳақиқат бу ёлғон, у дону бу сомон қабилдаги қарашлар мавжуд. Ачинарлиси шундаки, бундай қарашлар фольклорнинг келгуси тақдирига, масалан, асарларнинг нашр этилиши, ўрганилиши, тарғиб қилинишига салбий таъсир кўрсатади.

Ёзма адабиёт пайдо бўлгандан буён ҳозиргача фольклор, шоирлар, ёзувчилар, драматурглар ижодига таъсир қилиб келмоқда. Ҳозирда унинг кино, рассомчилик, қўшиқчилик ва бошқа саънатларга таъсири янада кучайган. Хусусан, кўпгина хонандалар халқ қўшиқларини айнан, баъзан ўзгартириб, афсуски баъзан бузиб, жуда кўп куйламоқдалар. Анъанавий тарихий – фольклорий жараёнда, таъбир жоиз бўлса, эркакларнинг ўз, хотин-қизларнинг ўз фольклор муҳитлари бўлган. Кўплаб таланти хотин-қизлар моҳир қўшиқчи сифатида танилганлар. Ўзлари ҳам халқ қўшиқлари йўлида янги намуналар ижод қилганлар ва бу ижод ҳам барчанинг мулкига айланиб кетган. Хоразм халфаларининг ижоди бунинг ёрқин намунасидир. Биз бундай хотин-қизларнинг деярлик барчасининг исм-шарифларини билмаймиз. Бугунги кунда бундай хотин-қизлар тезда профессионал йўлга ўтиб кетмоқдалар. Тўғри ва кўчма маънода «юлдузлар»нинг кўпайиб кетиши сабабларидан бири ана шунда. Худди шунингдек, ҳозирги профессионал кизиқчилар репертуарида анъанавий латифалар ёки уларнинг замонага мослаб талқин қилиниши жуда кенг тарқалган.

Ҳозирда кўпгина кишилар келажакни ахборот жамияти бўлади, унинг асоси бўлган ахборот маданиятининг таркибий қисмларидан бирини оммавий компьютер саводхонлиги ташкил қилади, деб ҳисобламоқдалар. Ҳозирча, уларни таърифлашга шошмай туриб шуни айтиш мумкинки, ўтмишда халқнинг ўзига хос барқарор фольклор маданияти ва фольклор саводхонлиги бўлган. Ижрочи бирор дoston ёки қўшиқ, эртак ва ҳ.з. бузиб айтса, тинловчилар унга танбеҳ беришган. Шу жиҳатдан қаралганда замонавий фольклор маданияти, саводхонлигини шакллантиришни унинг тақдиридаги энг муҳим шартдир, деб ўйлайман. Ана шунда фольклор асарларини исталганча бузиб айтиш ва нашр қилишни фольклор маданиятсизлиги деб баҳолаш мумкин бўлади. Фольклор асарлари, улар асосида яратилган турли саънат намуналарининг электрон каталогларга киритилиши ва шу асосда ўрганилиши фольклорий жараёнинг замонавий ўзига хос кўринишларидан бўлиб қолишига ишонаман.

Фольклор, барча саънатлар аҳамиятини бозор иқтисоди қонунлари билан ўлчаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётга қарам бўлган одам молиявий фойдаси тегса, уларнинг мазмуни ва маънавий аҳамиятини тирноқча билмай, «Алпомиш» достони ёки эртаклар, мақоллар тўпламини минглаб нусхада нашр эттириши мумкин. Аммо нафи тегмаса, энг нодир қўлёзмани ҳам

иккиланмай, носфурушга бериб кетади. Менимча, бу фольклор маданиятсизлигининг мисоли бўлади. Фольклоршуносларимиз эътироф этишларича, ўтмишда профессионал халқ ижодчилари, Фозил, Эргаш, Ислом, Пўлкан шоир каби буюклари ҳам, ўз саънатларини тирикчилик манбаи деб қарамаганлар. Хизматлари учун одамлар ўз ҳимматига қараб, нималардир совға қилишса, олишгану аммо асло моддий таъма қилишмаган. Уларнинг худо берган иқтидорларидан ташқари, яшашлари учун албатта, чўпонлик ёки деҳқонлик, ҳунармандчилик каби касблари бўлган. Халқга холис химат қилиш бахшилар ахлоқий – эстетик қарашларининг бош мезонларидан ҳисобланган. Шу ўринда бир халқ ривоятини келтириш ўринлидир:

«Бир оч, яланғоч бечора худога ёлворибди: Эй худо, қани эди, ушлаган нарсам тилла бўлиб қолса-ю, мен ҳам бойлардай яшасам. Қарангки, у ушлаган ҳамма нарса тилла бўлиб қолаверибди-ю, бечора тиллага ботиб, очдан ўлиб кетибди».

Қиссадан ҳисса шуки, биз ҳамма нарсадан, фольклордан ҳам моддий бойлик ахтараверсак, маънавий очликдан ўлиб кетиш ҳеч гапмас.

Фольклорий жараён у ёки бу даражада бундан кейин ҳам мавжуд, фольклор асарлари замонавий шаклларда воқе бўлаверади. Гап эгасини топади дейдилар. Айрим кишилар, жумладан баъзи олимларимиз, архив ҳужжатларини **ўлик материал**, оғзаки ижро жараёни сўниши туфайли нашр этилган китоблар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, асарларнинг жозибасини бера олмайди деб, уларнинг сўз саънати сифатидаги бадий-эстетик, маърифий-тарбиявий аҳамиятини унутадилар. Бундай фикрлар фольклор келажаги, ташвиқи учун оз бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, таниқли фольклоршунос Б.Н. Путилов ёзиб олинган фольклор материалларини «иккиламчи матнлар деб» уларнинг аҳамиятини жуда юксак баҳолайди. Аслида архив ҳужжатлари имкониятда мавжуд материал бўлиб, оғзаки ижро анъанавий фольклор поэтикасининг воқе бўлиш усули, яшаш шаклининг, таркибий қисмидир, ҳаммаси эмас. Фольклорнинг анъанавий воқе бўлишининг сўниши, унинг куни битди дегани эмас. Қолаверса, ҳаётининг кейинги йилларида дoston куйламай қўйган, саводхон Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз репертуаридаги жуда кўп асарларни ўзи ёзиб, архивга топширган. Фольклоршунослар ўз тадқиқотларида оғзаки жараёни кузатиш билан бирга, асосан, ёзма матнларга таяниб келишган. Фольклоршунослигимиз жаҳон миқёсида катта ютуқларга эришган. Шу билан бирга бу фан натижаларини мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан яна бир бор жиддий, илмий холисона кўриб чиқилса, ёмон бўлмас эди.

Фольклор тарихий– ижтимоий, этнографик-маиший, бадий-эстетик ҳодиса. Жамиятнинг инсонлар онги, ихтиёрига боғлиқ бўлмаган қонунлари бўлганидек, фольклор тақдири ҳам табиий кечади. Биз фақат унга маълум даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Жаҳон фольклоршунослигида эврилиш мотиви тушунчаси жуда кенг тарқалган. Масалан, эртақларда, Гўрўғли дostonларида бир тўп қаптар учиб келиб, бир думалаб париларга, ёки илон йигитга айланиб қоладики, буни

эврилиш деймиз. Бундай эврилишларда туб моҳият ўзгармайди, фақат шакл ўзгарди. Бизнингча, ижтимоий тараққиёт туфайли кўпгина фольклор асарларининг анъанавий ижод ва ижрочилиги сўниши, янгича шаклларда мавжуд бўлишини эврилишларга қиёслаш мумкин. Бошқача айтганда, фольклор асарлари матнларда ҳам анъанавий мазмуни, аҳамиятини сақлаб қолади.

Фольклор асарларининг турлича шаклларда яшаш сабабалари, кишиларни жалб этувчи жиҳатлари кўп. Шулардан бири ҳозирги замон кишилари кўпчилигининг тафаккурида энг қадимий мифологик қарашлардан тортиб, энг замонавий тушунчаларгача уйғунлашиб кетгани, улар тафаккурининг кўп қатламлилиги мавжудлигидир. Шу туфайли энг замонавий самолётда қитъадан қитъага учмоқчи бўлган киши йўлини қора мушук кесиб ўтгани учун сафарини кечиктирса ажаб эмас. Инсон тафаккурининг кўпқатламлилиги эса умумфольклорда, яъни жанрлари мажмуасида аллақачон ўз бадий ифодасини топган. Қизиғи шундаки, бундай кўпқатламлилиқ фан ва техника нақадар ривожланган ҳозирги даврда жаҳон адабиёти намуналари, фантастик асарлар, кино саънати, турли телекўрсатувларда тобора кўпроқ ўз ифодасини топмоқда.

Фольклор асарларининг тарихини анъанавийлик, келажакини замонавий яшаш шакллари белгилаб беради. Бизнингча, фольклор асарлари бугунги кунда, асосан, қуйидаги шаклларда яшамоқда ва одамларга хизмат қилмоқда:

1. Классик фольклорий кўринишда: Жанубий Ўзбекистонда дostonчилик, Хоразмда дostonлар ва улардан парчалар ижро этиш, хальфачилик маълум даражада, Фарғона водийсида аскиячилик, оммавий тарзда латифачилик, кўшиқчилик бироз бўлса-да, давом этмоқда. Янги дostonлар ёки замонавий фольклор намуналари тушунчаларига келсак, улар ҳам анъана замирида пайдо бўлиб, фольклорнинг замон талаблари, баъзан шўро тузуми тазийқига ёки ижодкор индивидуллигига кўра ўзгаришларини, кўпроқ анъанадан чекинишларни, бузилишларни ифодалайди. «Янги дostonлар» ёки «авторли дostonлар», «совет даври» кўшиқлари» деб юритилаётган асарлар уларга мисол бўла олади.

Бизнингча, бизнинг иродамизга боғлиқ эмас экан, эпик асарлар, умуман, кўпгина фольклор асарларининг оғзаки жараёнда ижодчилиги ва ижрочилиги сўниб боришидан беҳуда ташвишланиш, бу жараённи салбий баҳолаш шарт эмас. Яхшиси уларнинг мавжудларини имкон қадар тўлиқ ёзиб олишга, ёзиб олинганларининг энг яхши намуналарини саралаб, халқ маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдиришга қайғурган, барчасини мутахассислар ихтиёрига бериб, аҳамиятини тушунтириб беришларини сўраган маъқул.

Кишилар нутқларида мақоллардан, болалар мақол ва топишмоқлардан фаол фойдаланишмоқда ва ҳ.з. Жаҳон фольклоршунослари, этнографларининг эътироф этишича, топишмоқ ва мақоллар фольклорнинг энг қадимий ва энг замонавий жанрларидан бўлиб, инсоният тафаккури ва фаолияти тарихида бекиёс рол ўйнаган экан. Чунки, ибтидоий одам учун ҳамма нарса дастлаб жумбоқ, топишмоқ бўлса, болаларнинг ҳар куни ўзига хос ҳаёт жумбоқларини

эчиш кашфиётларидан иборатдир. Тил, фалсафа, сўз саънаининг ҳосиласи бўлган мақоллар эса кишилар дунёқараши, ўтмиш тажрибаларининг ифодаси бўлибгина қолмай, бугуни ва келажакдаги ҳаёти учун ўзига хос қомусий дастур ҳамдир.

2. Архив материаллари сифатида.

3. Турли халқ ижодчиларининг кўрик – танловлари шаклида, оммавий байрамлар ва томошалар, болалар кўрсатувлари, телемусобақалари таркибида.

4. Фольклор – этнографик, жумладан, дostonчилик жамоалари репертуарида.

5. Китоблар шаклида, электрон версиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликларда - «Ўзбек халқ ижоди» туркумидан нашр этилган кўп томлик, турли характердаги фольклор матнлари тўпламлари, мактабгача тарбия, мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлири хрестоматиялари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг компьютерлаштириш соҳасидаги бугунги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ёзув ва китоб аждодларни авлодлар билан боғлаб турадиган инсониятнинг энг буюк бекиёс кашфиётларидандир. Ҳар қанча замонавий бўлмасин, кино саънатининг, ўзига хос афзалликлари билан бир қаторда, китоблардан, аниқроғи, сўз саънатидан анча ожизлиги бор. У инсон ҳаёлоти, ижодий тафаккури ўсишини ўз қолипига солиб, чеклаб, қўяди. Бунга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари асосида олинган кинони кўргач, кинодаги қаҳрамонлар билан китобдаги қаҳрамонлар ҳақидаги тассавурларим ўртасида катта фарқ пайдо бўлганида ўзим ишонганман. Фольклор асарларининг ёзма, китоблар шаклида тарқалиши ҳам жуда янгилик эмас. Масалан, XIX асрдаёқ Хоразмда кўпгина дostonлар оғзаки жараёндан қўлёзмаларга, улардан яна оғзаки жараёнга ўтган. Уларнинг «халқ китоблари» деб ном олган литографик нашрлари кенг тарқалган. Нашр этилган асарлардан (дostonлар, қўшиқлар, эртаклар, латифалар ва бошқалар) ўрганиб, ижро қилиш тажрибаси XX асрда ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам маълум даражада давом этмоқда.

6. Оммавий ахборот воситалари, газета журналларда. Фольклор асарлари тақдирида уларни тарғиб ва тарғиб қилиш жуда муҳим ўрин тутди. Бу жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, фольклор асарлари намуналарини эълон қилишдан ташқари, тенгсиз аҳамиятга эга. Ўзбек фольклорини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тарихи ва тақдири махсус тадқиқотларга арзийди. Юбилейлар муносабати билан оммавий ахборот воситаларининг этук халқ ижодкорлари ҳақидаги тарғибот ишлари ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Аммо баъзан бу борада ҳам мавсумийлик этакчи бўлиб қолади. Масалан, даҳо бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 100-йиллиги нишонланганда «эргашунослар» жуда кўпайиб кетди. Бундан фольклор ташвиқотчилари ҳам, мутахассис бўлмаса ҳам, фольклор табиатини яхши билишлари керак, «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, Бир оғиз бўлса ҳам билган гапирсин », - деган хулоса чиқади.

7. Мультифильмлар, кино сценарийлари, театрлаш-тирилган томошалар шаклида.

8. Илмий-тадқиқот ишларида фактик манба сифатида.

9. Ёзма адабиёт вакиллари ижодига таъсир, яъни фольклоризмлар сифатида.

Ўқувчилар ўз билим, тажрибаларидан келиб чиқиб, бу таснифни янада мукаммалиштиришлари, тузатишлари мумкин. Аммо бир нарса аниқки, фольклор асарлари, қандай шаклларда воқе бўлмасин, ўзларининг тарихий, бадиий-эстетик, илмий-маърифий, тарбиявий –маънавий ва ҳ.з. – уларнинг барчасини умумлаштирган миллий –маънавий аҳамиятини сақлаб қолади. Қадимги Юнон ва Рим адабиёти ҳозиргача бутун жаҳон халқини қанчалик ҳайратга солиб келаётган, саънатнинг барча турларига қанчалик таъсир кўрсатаётган бўлса, келгуси авлодлар учун шунчалик қимматли бўлади.

Тил ҳақида дуне халқлари, мутаффакирлари, ёзувчи=ю, олимлари, доноларнинг миллионлаб мақоллари, ҳикматли сўзлари мавжуд. Ҳар бир халқ, миллат тилининг миллат тарихи, бугуни, келажагидаги ҳаётий аҳамиятини таърифлаб тугатиш қийин. Фольклор асарларининг ўзига хос бадиий тилидан ташқари шева тили ҳам бор. Фольклор асари қайси шевада ижро этилаётган бўлса, айнан ёзиб олиш фольклоршунослик амалиётининг асосий қоидасидир. Ёзиб олинган фольклор асарларида шундай шева сўзлари борки, уларнинг кўпчилиги жонли шеваларда ҳам унутилиб кетган ёки маънолари бутунлай ўзгарган. Албатта, адабий тилни шевалаштириш жоиз ва мумкин эмас. Бироқ шевалардаги кўпгина сўзларни адабий тилга киритиш уни янада бойитади. Демокчимизки, фольклор асарлари тилимиз тарихи, шеваларини ўрганиш, сўз бойлигини оширишда бундан кейин ҳам муҳим манба бўлиб қолади.

Демак, фольклорнинг келажагидаги яна бир муҳим жиҳат тил масаласидир. Ҳеч кимга сир эмас, юксак ва бой бадиий тили туфайли бугунги кунда Ҳазрат Навоий ижодинининг асосий қисмини мутахассислардан ташқари кўпчилик луғатларсиз тушунмайди. Ўзбек фольклорининг асосий қисми шеваларда ёзиб олинган. Кўпгина намуналари оммавий нашрларида ҳам асар бадииятига путур этмаслиги учун шева хусусиятлари сақланиб қолган. Қолаверса, қаҳрамонларнинг кўпи мифжкжубрик, эпик, фантастик хусусиятлар, номланишларга эга. Булар барчаси ўқувчи учун катта қийинчиликлар туғдиради. Шу боис Ҳоди Зариф илмий-ижодий фаолиятининг бошиданоқ фольклор асарлари луғатини яратишга алоҳида эътибор берган ва ўнлаб карточкалар тузган эди. Аммо бу соҳага эндигина киришилмоқда. Мисол сифатида “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати”ни кўрсатиш мумкин. Ўзбек фольклори ва фольклоршунослигининг сўзли ва изоҳли луғатларини тузиш мураккаб ва шарафли ишлардандир.

Фольклор жанрлар тақдири турлича кечган ва кечмоқда.

Маросим фольклори этнофольклорий жараён маҳсулидир. Шу билан бирга бугунги кунда бевосита маросим билан боғлиқ бўлмаган жанр намуналари таркибида ҳам шунчалар кўп урф-одатлар, этнографик деталлар қайд этиладики, ўзбек фольклоршунослигида этнофольклористик йўналишнинг ривожланиб бораётгани бежиз эмас.. Кўпгина урф-одат маросимлар ёки улар таркибидаги сўз саънати намуналари унутилиб, ёки

маросимдан узилиб, этнофольклорий жараён сўниб бормоқда. Масалан, ҳозир никоҳ тўйларида анъанавий урф-одатлар чала ёки умуман бажарилмайди. Ёр-ёрлар деярлик айтилмайди. Бироқ ёзиб олинган, нашр этилган ёр-ёр матнларига қараб, никоҳ тўйларидаги барча урф-одатлар, маросимлар мазмунини тиклаш мумкин.

Фольклор ва этнография тарихан Сиам эгизаклари кабидир. Биз ҳар бир жанрнинг ўзига хос урф-одатлари бўлган дейишимиз мумкин. Шу боис фольклоршуносликда умумфольклор этнографияси ва унинг таркибий қисмлари бўлган дostonчилик, кўшиқчилик, болалар фольклори этнографияси ва ҳ.з. атамаларни кўлласак хато бўлмас. Масалан, дostonчиликда устознинг шогирдга фотиҳа бериши, дoston, одатда, кечалари айтилиши ва у айтилаётган жойга болалар, аёлларнинг киритилмаслиги, дoston воқеалари айна авжга чиққанда, дўмбира тўнкарилиб, рўмол ёзилиши, дўмбира билан боғлиқ кўплаб иримлар дostonчилик этнографияси элементлари, ёр-ёрларнинг:

Аввал бошдан худони ёд этайлик, ёр-ёр,

Пайгамбарлар руҳини шод этайлик, ёр-ёр...

Ўланларнинг:

Ўлан деган кўшиқни қизми ё ул бошлайми,

Қиз бошлаган ўланни эл хушлайми...

мисралари билан бошланиши кўшиқчилик урфлари бўлса, болалар ўйинларининг қаятий-тартибга риоя қилиниши, уни бузиш ғиром ҳисоблангани асрлар бўйи болалар фолк-лорининг одати бўлиб келган. Шу жиҳатдан олганда, бизда ҳали фольклор этнографияси ҳам махсус, деярли ўрганил-маган соҳадир.

Эпик жараён, кўпгина фольклор намуналарининг яратилиши фольклорий, этнофольклорий жараёнда сўниб бормоқда. Бунинг сабабалари жуда кўп, аммо қисқа қилиб, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар дейиш мумкин. Шу билан бирга ҳозир ҳам ҳаётда ҳар куни латифалар яратилмоқда, катталар нутқларида, болалар заковат ўйинларида мақол ва топишмоқларни айтишмоқда, хонандалар халқ кўшиқларини куйлашмоқда. Умуман олганда, классик кўринишда бўлмаса ҳам фольклорий жараён сўнмайди.

Бизда сўз фольклори, мусиқа фольклори, халқ драмаси, халқ амалий саънатини бир-бирига боғлаб ўрганишда ҳозиргача катта узилиш бор. Бошқача айтганда, ҳар бири ўз йўлига. Ҳолбуки тарихий – фольклорий жараёнда уларнинг барчаси бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган, «қариндошлик ришталари» билан боғланган яхлит тизим эди. Келгусида бу узилишни бартараф қилиш умумфольклор-шуносликнинг улкан ютуғи, пировардида фольклор тақдирининг ҳам ёрқин томонларидан бири бўлиши мумкин.

Ўзбек фольклори, минг-минглаб ижодкорлари, ўнлаб мутахассислари ва юзлаб мухлислари хизматининг маънавий, миллий, умуминсоний қадриятини, келгусида бажарилиши мумкин ва зарур бўлган ишлар режасини бир мақола доирасида мукамал ёритишнинг имкони йўқ. Бунинг учун, аввало, фольклор жанрларининг нисбатан мукамал таснифини тузиб, сўнгра, ҳар бир жанр

тарихи ва тақдири ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Масалан, мўЪжазгина топишмоқ жанри тарихи ибтидоий, мифлар яратила бошлаган, табулар ривожланган даврга бориб тақалади.

Ушбу мақола мунозарали характерда бўлиб, тўла тасдиқ, ақл ўргатиш даъво қилмайди. У ўзбек халқ оғзаки ижоди билан қизиқувчи ҳар бир кишини, фольклор тақдири ҳақида бироз бўлса ҳам ўйлашга, ўз мулоҳазаларини ўртоқлашишга ундар деган ниятда ёзилди.

Маънавиятсиз халқнинг келажаги йўқ, -дейди Президентимиз. Халқнинг ўтмиши ҳам маънавиятсиз бўлмаган. Бунинг энг ишончли гувоҳларидан бири фольклордир. Одам ва одамизот тақдирини Оллоҳ белгилаганига ишонган бир мусулмон сифатида Юртбошимиз айтган ҳикматни инсон ва инсоният, барча халқлар келажагига тааллуқли десак, хато бўлмас. Ўзбек фольклори эса бугунги мавжудлик шаклларида ҳам бевосита маънавиятга тааллуқли, келгусида ҳам шундай бўлиб қоладиган қадриятдир.

Фольклор намуналарини тўплаш энг аввола унга пухта тайёргарлик кўриш, ташкил этилаётган экспедициянинг режасини тўғри ташкил этишдан бошланади. Фольклор намуналарини тўплашга, ёзиб олишга чиқаётган киши биринчи галда назарий маълумотга эга бўлиши, фольклорга хос бўлган хусусиятлардан хабардор бўлиши талаб этилади.

Фольклор экспедицияларини ташкил этиш йўл-йўриқлари ва методикаси, фольклор намуналарини ёзиб олиш принциплари атрофлича ёритиб берилади.

Фольклор экспедициясидан ёзиб олинган материаллар қатъий принциплар асосида тасниф этилади ва нашрга тайёрланади. Бу принциплар илк бор ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов томонидан ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев томонидан қайта ишлаб чиқилди. Фольклор асарларини нашрга тайёрлаш принциплари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига кирадиган асарлирни аниқлаш ва нашрга тайёрлаш «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигини нашр этиш проспекти» асосида амалга оширилади. Шунинг учун аввало проспектни пухта ўрганиб чиқиш зарур.

Проспектда кўрастилган талабларга жавоб берадиган ҳар бир асар кўйловчи ва айтувчидан ёзиб олинган дастлабки қўлёзма асосида нашрга тайёрланади. Қўлёзманинг қўлда ё машинкада кўчирилган ёки тўлиқ нашр этилган нусхалари мавжуд бўлган тақдирда ҳам, дастлабки қўлёзма бўлмоғи шарт. Чунки кўчириш просессида айрим сўзлар ва ибораларни нотўғри ўқиш, хато ёзиш, тушириб қолдириш ходисалари кўп учрайди. Бундай ҳодиса ва фактларнинг миқдори у ёки бу асарнинг нашрида ҳам яна ҳам кўпроқдир. Дастлабки қўлёзма умуман мавжуд бўлмаган айрим ҳоллардагина, у асар қўлёзмасининг копияси ёки оригинал асосидаги нашр асосга олинади.

Асосий нусха, яъни ёки бу фольклор асари қайси графика ва қандай имлода ёзиб олинган бўлмасин, у асар ҳозирги ўзбек графикасида ва ҳозирги жорий орфография қоидаларига риоя қилинган ҳолда нашрга тайёрланади.

Маълумки, фольклор асарлари бизгача бир неча версия на вариантларда этиб келган. Бир неча версия вариантларда ёзиб олинган асарлар мавжуд бўлган ҳолларда, уларни қиёсий ўрганиб, проспект талабларга жавоб берадиган яхшиси ёки яхшлари танлаб олинади. Достонлардан, умуман бирикки версия, айрим ҳоллардагина бир неча версия, эртактлар, латифалар, халқ драмаси, аския, қўшиқ, мақол ва топишмоқлардан икки-уч ва ундан кўп версия олиниши мумкин.

Асарларнинг версиялар ичидаги мавжуд вариантлари ҳам қиёсий ўрганилиб, улар орасидан энг яхшиси танлаб олинади. Достон ва эртактлардан асосан бир вариант, бошқа жанрлардаги асарлардан айрим ҳолларда аҳамиятига кўра икки вариант олиш мумкин. Фақат мақол, топишмоқ, тўртлик, қўшиқ, тез айтиш каби майда жанрлардаги асарлардан зарур топилган тақдирдагина уч-тўрт вариант олиш мумкин.

Кўп томликка кирадиган ҳар бир асар тўлиқ равишда олинади. Чала ёзиб олинган текст ёки бирор асарнинг айрим парчалари умуман кўп томликка киртилмайди. Фақат у ёки бу фольклор асари ўз вақтида қисман (парча) ҳолида ёки мазмуни ёзиб олинган бўлиб, унинг тўлиқ нусхаси бўлмаса, мавжуд қисми тарихий, ижтимоий ва бадиий жиҳатлардан муҳим аҳамиятга эга бўлса, айрим ҳоллардагина уларни кўп томликка киритиш керак бўлади.

Асар тўлиқ равишда олингани билан қўлёзманинг тексти ҳаммавақт бошдан-оёқ тўлиқ олинмайди. У ёки бу асар текстидаги ғоявий ва тарбиявий жиҳатдан мазкур асар руҳига ёд бўлган айрим парчалар, бандлар, жумлалар, иборалар, сўзлар тушириб қолдирилади. Тушириб қолдирилганларнинг ўрни кўп нуқта билан қайд этилади, ҳажми кўрсатилмайди.

Ҳозирги кунда тарбиявий жиҳатдан зарарли деб ҳисобланган айрим парчалар, жумла ва сатрларни, ҳатто сўзларни сўзларни ҳам таҳрир этиб, “тузатиш” мумкин” эмас. Чунки бу тур “тузатиш” фақат сохталаштириш бўлади. Шунинг учун энг тўғри йўл уларни тушириб қолдиришдир. Лекин бу тур қисқартиришларни ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб, уларга конкрет ёндошиш, уларнинг мазкур асарлардаги ўрнини тўғри белгилаш, муайян асарнинг яратилган даврини ҳисобга олиб, унинг ғоявий-бадиий савиясига зарар етказмаслик керак.

3-амалий машғулот: ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ.

Ишдан мақсад – Достон жанри ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Достон жанрининг ёзиб олиниш, Достон жанрининг нашрга тайёрлаш принциплари юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулоти баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

7. Индивидуал ўқиш-2 минут.

8. Муҳокама қилиш –3 минут.

9. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

10. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

11. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

12. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1.Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар салбий жиҳатлари қандай?		

<p>2. Асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сифинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда киритилган ҳолатлар назарда тутилади.</p>		
<p>3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини ифодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?</p>		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
<p>Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадийлигига халал этказиб турган ортикча жумла ва қайтариқларни тушунтириб беринг.</p>		
<p>Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.</p>		
<p>Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва эртакларни ёзиб олинаётган вақтида аytувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди,</p>		

аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?	
--	--

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

ДОСТОН — лиро-эпик жанр, оғзаки ва ёзма адабиётидаги катта ҳажмга эга бўлган эпик асар. «Достон» сўзи қисса, ҳикоя, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Адабий термин сифатида бу атама халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бирок ёзма ва оғзаки адабиётдаги достонлар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади. Оғзаки ижод намунаси бўлган достонлар кўплаб **вариантларга эгалиги** (Мисол учун бугунга қадар «Алпомиш» достонининг 50 яқин, «Гўрўғли» туркум достонларининг юзга яқин вариантлари ёзиб олинган), **жамоавийлиги**, **анъанавийлиги** билан ёзма адабиёт намунаси бўлган достонлардан ажралиб туради. НММ энг юксак намунаси бўлган достонлар **оғзаки ўзлаштирилади**, **оғзаки ижро этилади ва оғзаки тарзда мерос** қолдирилади. Достон ижрочиси – бахшини республикамизда турли номлар билан аталашиди (қ.**Бахшичилик**).

Достонларнинг тарихий асослари жуда қадимий бўлиб, унда тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда ўз ифодасини топади. Бинобарин, уларда эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йўғрилган. Демак, достонга эпиклик, монументаллик хос бўлиб, композицион ва сюжет қурилиши жиҳатидан мураккаб воқеа-ходисаларни қамраб олади. Бундай воқеа ва ходисалар мазмунан қаҳрамонлик

характерига эга бўлиб, улар халқ идеалидаги баҳодир атрофига бирлаштирилади. Фавқуллодда куч-қудратга эга бўлган бундай якка шахсларда бутун бир халқнинг орзу-умидлари, имконият ва интилишлари мужассамлашган. Халқ дostonларининг тематик ҳамда жанр хусусиятлари унинг ўзига хос услуби ва формасини белгилайди, яъни куй ва ижро билан маҳкам боғлиқ бўлган йирик ҳажмли ва кенг кўламли дostonларнинг поэтик баёнига кўтаринкилик, тантанаворлик, анъанавийлик, шеърӣй ва прозаик қисмларнинг давомий алмашиниб келиши хосдир.

Дostonлар кенг қамровлиги ва ҳажмининг катталиги, кўтариб чиққан ижтимоӣй, сиёсий, ахлоқӣй муаммолари, сюжетининг сертармоқлиги ва драматизмининг ўткирлиги, персонажларининг кўплиги билан ажралади. Бундай асарлар марказида жамият ва халқ тақдири туради, жамият, халқ ва қаҳрамон яхлит, бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди, балки шу халқ, шу қаҳрамон билан ташки душманлар ўртасидаги кураш, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-мухаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади.

Дostonларда идеаллаштириш, муболағали тасвир устун бўлади, уларда турли афсоналар, асотирлар, ҳикоятлар, *дев, парилар, хизр, аждар*, ажабтовур отлар («Алпомиш»даги Бойчибор), сеҳр-жоду кўп иштирок этади.

Дostonлар ўз мазмун моҳиятига кўра **қаҳрамонлик** («Алпомиш», «Гўрўғли»), **жангнома** («Юсуф билан Аҳмад»), **романик** («Малика Айёр», «Далли», «Кунтуғмуш») **тарихий** («Хуршидой», «Шайнбонийхон»), **китобий** («Фарҳод ва Ширин») каби турларга бўлиниб ўрганилиб келинган бўлсада, булар орасида **қаҳрамонлик ва романик** дostonлар ўз бадий хусусияти, эпик кўлами, мазмун-моҳияти, оғзаки ижодга кўйилган мезонлар нуқтаи назаридан алоҳида ажралиб туради.

«**Қаҳрамонлик**» термини ўзбек фольклоршунослигида икки маънода — кенг маънода, умуман ўзбек эпосига нисбатан, тор маънода, унинг бир турига нисбатан ишлатилади. Қаҳрамонлик дostonлари бизгача соф ҳолида «Алпомиш» мисолида этиб келган. «Алпомиш» дostonининг минг йиллиги 1999 йилда Республкамизда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Романик дostonларда кўтаринки, романтик севги мотивлари дoston қаҳрамонларининг фантастик, ғайри табиӣй саргузаштлари гирдобида тасвирланади. Романик дostonларнинг таркиби ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик дostonларида романик элементлар бўлганидек, романик дostonлардан қаҳрамонлик элементлари, жангномаларга хос хусусиятлар ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Халқ дostonларини куйлаш анъаналари ҳозирги даврга қадар яшаб келмоқда. Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятларида яшаб ижод этаётган бахшилардан кўплаб дoston намуналари бугунги кунда ҳам ёзиб олинмоқда.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ФОЛЬКЛОР НАМУНАЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШДА ШЕВА ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ.

Ишдан мақсад – Фольклорнинг ўрганилиш тарихи, Фольклор асарлари тўплаш ва ёзиб олиш масаласи, Фольклор асарларининг нашри масаласи юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни таркатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга кутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

<p>4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.</p> <p>5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.</p> <p>6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.</p>
--

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1.Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар Салбий жиҳатлари қандай?		
2. Асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сиғинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда киритилган ҳолатлар назарда тутилади.		
3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини ифодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадиийлигига халал этказиб турган ортиқча жумла ва кайтариқларни тушунтириб беринг.		

<p>Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.</p>		
<p>Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, достон ва эртакларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб қолди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонидан тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?</p>		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Умуман халқ тилидаги ҳар бир сўз ва табир фольклор асарларида ўзининг муносиб ўрнини топган. Бу бой лексика адабий тилимизни бойитиш учун асосий манбалардан ҳисобланганидек, ўзбек тили тарихини. шевалярининг тараққиёт йўлларини ўрганиш учун ҳам муҳимдир. Фольклор асар-

ларини нашрга тайёрлашда унипг луғат бойлигини мутлақо сақлаш керак.

Фольклор асарларининг лексикаси умуман ҳозирги шеваляларда истеъмолда бўлган луғатлар бўлиши билан бирга, улар орасида архаик бўлганлари, маъно- сини шева вакилларининг ўзлари билмаганлари ҳам учраб туради. Бирор қадимий сўзнинг қадимий маносида ишлатилгани ҳолда унинг

хозирги маъноси бир-бирига қарама-қарши бўлганларига ҳам дуч келинади. Бу каби луғатлар кўпинча узоқ тарихга эга бўлган традицион формулалар, иборалар, мақол, то- пишмоқ ва қўшиқларда учрайди. Масалан, *қизил* сифат бўлгани ҳолда айни замонда бу сўз *бугдой*, демак, от вазифасидадир.

Қизилингни қирдай қил,
Сомонингни тоғдай қил.

Ака ҳозирги маъносида ҳам учрайди.

Бундай фактларга эътибор бермасдан, уларни текстда сақламасдан, тушириб қолдириш ёки ўзгартириш (маслан, қизилни бугдой, акани опа сўзлари билан алмаштириш) фақат зарар келтиради.

Ўзбек тили турки тиллар оиласига мансуб бўлгани учун ўзбек фольклори лексикасининг асосини ҳам туркий тилларга хос лексика ташкил этади. Ш у билан бирга фольклор тилида ўзбек халқининг юзага келишида қатнашган ва асли туркий бўлмаган этник қатламлар, масалан, шаклар, суғдлар, қадим хоразмийларнинг тиларига хос лексика ҳам мавжуд. Масалан: “Осанг, устига посанг” иборасидаги осанг тош маъносидадир. (“Авесто” тилида асан қадим ҳиндида асан). Посанг ҳозир посанги шаклида ишлатилади, посан шакли қадимги ҳинд тилида ҳам бор. Демак, бу шакл ҳам эски. Маълумки илгари оғирлик ўлчови учун тош ишлатилган (ботмон сўзининг ҳам биринчи компоненти бат – тош, иккинчи компоненти ман – ўлчов демак). Шунинг учун мазкур ибораи “Олсанг, устига посанги” деб тушуниш хато бўлган. Чарм сўзи қадим хоразм ва суғд тилларида шу шалда ва шу маънода ишлатилга. Дам шак ва суғд тилларида шу шалда бўлиб, пуфламоқ маъносида. Пиёва сўзининг биринчи компоненти пий (пий) шак тилида ёғ демак. Ўзбек қабила ва уруғларидан бир нечаси қушларнинг номи билан аталган. шулардан чаркас суғдча бўлиб, калхат маъносидадир.

Нашрга тайёрлашда ҳар бир сўзининг маъносига эътибор бериш, уни тўғри ўқиб, тўғри тушуниш шарт ва шунга ишлатиш керак. Нотўғри ўқиш, механки кўчириш хатога, мантиқсизликка сабаб бўлади, асарнинг тилига, бадиийлигига катта путур этказди. Масалан, “Хушкелди” достонининг наشريда шундай хато ва нуқсонларга йўл қўйилган:

Эгарининг қошидан,
Туғининг бошидан
Жазойилнинг бир ўқи,
Тегиб ялаб кетди энди.

Тўғриси:

Эгарининг қошидан,
Қувуғининг бошидан.

Ҳар толга юк ортади,
Арқонларинан тортади.

Тўғриси:

Партолга юк ортади.
Бол Аваз бола газ бўлиб кетган.

Соқи Ғиротни ёлғондан ёмонлаши тасвиридаги баъси сўзлар ҳам

хато ўқилган:

*Ғиринг қурсин, Пўпанг-пўпанг этади,
Ёмонласин жами тирик ўтади.*

Бундаги иккинчи сатрниинг тўғриси: «Ёмонласин эми тирик ўтади». Бй эрда сўз отнинг ич касали ҳақида боради. Отчилик билан боғлиқ бу ҳолатга эътибор бермаслик натижасида жем (эм) сўзи жам шаклида ўқилган. Айрим нашрларда эса, бу икки сатр бутунлай тушириб қолдирилган.

«Ширин билан Шакар» достонининг бир нашрида «Кўриб қолди орт-сиртидан Шакарбек мисрасидаги орт сўзи от шаклида хато берилган.

Этакламоқ феълининг ўзаги этакланинг эски формаси этжетдир. Бунга эътибор берилмаслик натижасида “Хушкелдп” доэтонниинг бир нашрида «Қизлар этиб, пари минган бедовсан» сатридаги *этиб* сўзи *йитиб* шаклида хато ёзилган. *Йитмок* — *йўқолмоқ* маъносидадир.

Доридим сўзи *ораламоқ, ҳужум этмоқ, ташланмоқ* маъноларидадир. «Хушкелди достонининг биринчи нашрида «Бир кўшинга якка-танҳо доридим» сатрларидаги доридим сўзи дор эдим, – деб хато ўқилган.

Сўзларнинг маъносига эътибор бермаслик, хато ўқиш ва бузиб кўчириш мисолини “Тўрўғлининг туғилиш” достонида ҳам кўриш мумкин. Баъзи сатрларни келтирамиз:

Қавминг йўқ бу юртда, қариндошинг йўқ,
Дод этарга ички ёр, сирдошинг йўқ.

Фольклорда ёрнинг ички ва ташқиси бўлмади. Умуман ички ёр деган таъбирнинг ўзи йўқ. Диққат этилса ичкуар сўзи янглиш ўқилгани ва янглиш кўчирилганини пайқаб олиш қийин эмас.

Хушвақт бўлиб кетган икки қариндош,
Хафа бўлиб бузилиб қайтди уйига.

Бу эрда бузилиб сўзининг ҳеч ўрни йўқ. Бир сўзи тушиб қолган, аслида кўнгли бузилиб бўлса керак деб ўйлаш мумкин. Лекин икки ҳижо ортиб, вазн бузилади. Тўғриси:

Хафа бўлиб, бўзлаб қайтди уйига
Кўлга бориб шунқор сўйиб келаман,
Аканг бўлди, қуш гўшига хумори

Кўриниб турибдики, биринчи мисрадаги маъни иккинчи мисрадаги фикрга тамомила зиддир. Чунки шунқор билан қуш овланади. Қуш гўшига хумори бўлган одам кўлга бориб қуш овлаши керак. Шундай экан, нима учун шунқорни кўлга бориб сўйиб келиши керак? Бу мантиқсизлик ҳам сўзни тўғри ўқимаслик билан бирга, сатрдаги маънога эътибор бермаслик натижасидир. Тўғриси қуйидагича:

Кўлга бориб, шунқор чуйиб келаман,
Аканг бўлди қуш гўшига хумори.

Чуймоқ ов қушини овладиган қуш ёки ҳайвонга йўлламоқ, қуш солмоқ маъносидадир.

Оригиналдаги сўзни тўғри ўқий олмаслик, тахминан ўзича бир ҳукмга келиб ёза бериш жуда катта хатоларга сабаб бўлади. Маслан, “Балогардон”

достонида маккор кампир Авазни ҳалок этиш учун Авазнинг бошидан ўтганларини такрорлаб, “Ҳамиша ҳамдаминг бўлган момонгман”, деб алдаганда, Аваз ҳам айёрни алдаш учун: “Гупу авзойингиздан билдим, отамнинг вакил энаси экансиз... отам атайни сизникига тайинлаб юборган эди”, – деб жавоб беради. Вакил сўзи шевада укул талаффуз этилгани учун кўлэзмада окул ёзилган. Нашрга тайёрланганда, маъносини билмаслик натижасида тахминан ўгай бўлса керак, деб ўгай она тарзида ёзилган. Бу сўз яна қатарилганда ҳам худди шундай ёзилган: “Кампир – Ҳа, балли, ўғлим, отангнинг ўша айтган ўгай онаси биз бўламиз”. Буни ўқиган китобхонда Гўрўғлининг отаси икки марта уйланган экан, деган фикр қолади. Бу дostonлардаги тасвирларга бутунлай хилофдир.

Маълумки, ҳар бир нашрда тушунилиши қийин бўлган сўзларга луғат берилади. Бундай луғатда билар-билмас, таваккалчасига ёки сохта этимологиясига ишониб, хато ва чалкаш изоҳлар беришга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, нашрларда берилган луғатларда қуйидаги сўзлар нотўғри ёки этарли изоҳланмаганлигига дуч келамиз:

Чавки – от устида тўп қийин. банот – қизлар.

Бўла – қаллиқ, бўласи – қаллиғи.

Лочик – чайла, қора уй, ўтов маъноларида.

Қушноч – доя хотин.

Эндирмоқ – из туширмоқ.

Ўрлашиб юрмоқ – ўралашиб юрмоқ.

Унатди – қойил қилди, жойига қўйди.

Бу изоҳлардаги хатоларни текшириб кўрайлик. Чавки сўзини дostonни нашрга тайёрловчи суриштирмасдан, теширмасдан. “От устида тўп ўйини” деб изоҳлаган. Бу изоҳ чавгон ўйини демак бўлади. Ҳолбуки, чавки билан чавгон тамомила бошқа-бошқа маноларни ифодалайди. Чавки кўпчилик томошаси учун қудрати этган одамлар томонидан кенг майдонда ташкил этилган катта базм демакдир. Мазкур хато изоҳ ўзбекча-русча луғатда ҳам қайтарилган ва чавгон сўзи била бир деб изоҳланган. Натижада фольклорист луғатчиларни ҳам чалғитиб қўйган, мутлақо хато изоҳ луғатга кириб қолиб, янада кенг тус олиб, китобхонларни гўё ишонарли бир ҳолга олиб келган.

Банот сўзи дostonда тўннинг қайси материалдан эканлигини билдириш учун ишлатилган бўлиб, мовут маъносидадир. Бу сўзи контекстдан ажратиб олиб, қиз маъносидаги арабча бинтнинг кўплиги банотни эслаб, қизлар деб изоҳлаш ярамайди.

Бўла қаллиқ эмас, балки холавачча демак. Бу эрдаги хато бўла сўзининг маъносини билиб олишга интилмасдан, ақалли контекстдаги фикрларга ҳам диққат этмасдан, таваккалчасига айтилган мулоҳазадан келиб чиққан. (Дostonда Авазхонга қизини кўшиб қўймоқчи бўлган шум кампир ўзини холангман деб танитадиф, қизини эса бўланг бўлади дейди).

Лочик – чайла маъносига тўғри келади. Аммо қора уй, ўтов маъноларига мутлақо тўғри келмайди, хато “Ғорнинг оғзида тикиб қўйган лочик” жумласидан тахминий хулоса чиқариш натижасида юз берган.

Кушноч доя эмас, балки ирим-чирим билан касал “боқувчи”и хотин, шаманка. Достонда кимгадир дояликни кушноч қилгани айтилганига қараб, бу терминни доя хотин деб изоҳлаш хатодир.

Эндирмоқ из туширмоқ, балки туширмоқнинг ўзидир.

Ўрлашмоқ ўрлашиб юрмоқ эмас, балки (ўз билганидан қолмай, бировнинг сўзига кирмай) ўжарлик билан тортишмоқ. Ўзаги ўжар.

Унатди сўзини қойил қилди, жойига қўйди деб изоҳланиши ҳам катта хато бўлиб, таваккалчасига айтилган. Бунинг сабаби достоннинг қўлёзмасида арабча ёзилган овнатди сўзини тўғри ўқий олмасдан, механик равишда унатди деб кўчириш, шундан кейин контекстга қараб тахминий маъно беришдан иборатдир. аслида эса, у сўз овнатди ўқилади ва ағнатди, йиқитди демак.

Юқоридагилардан аниқки, фольклор асарларининг луғат бойлигига алоҳида диққат қилиш, тушунилиши қийин бўлган ҳар бир сўзни тўғри изоҳлаш муҳим аҳамиятга эга. Нашрда фольклор асарларининг луғат бойлигини тўла сақлаш билан бирга архаик ёки тушунилиши қийин сўзларни бошқалари билан алмаштириш ё тушуриб қолдириш мумкин эмас. Маъносини изоҳлаш мумкин бўлмаган архаик сўзларни ҳам нашрларда сақлаш керак. Чунки кейинги тарихий-этимологик текширишлар бундай сўзнинг маъносини очиши турган гап.

5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ЭРТАКЛАРНИ ЁЗИБ ОЛИШ ВА НАШР ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ишдан мақсад – Эртақ жанри ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Эртақ жанрини ёзиб олиш принциплари, Эртақ жанрини ёзиб олиш принциплари юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

13.Индивидуал ўқиш-2 минут.

14.Муҳокама қилиш –3 минут.

15.Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

16.Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

17.Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

18.Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1.Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар салбий жиҳатлари қандай?		
2. Асар руҳига ёпишмаган узнадан-узун диний муножотлар, худо, пайғамбар ва авлиёларни таърифлаб сиғинишлар. Бундай диний мазмунни ифодаловчи барча сўз ва ибораларни асардан чиқариб ташлаш керак деган маъно чимаслиги керак. Бу ўринда фольклор асарларига суний равишда		

киритилган ҳолатлар назарда тутилади.		
3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Тарбиявий жиҳатдан фойдаси бўлмаган, аксинча, зарар этказадиган порнографак сўзлар, иборалар ва тасвирлар тушунтириб беринг.		
Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва эртақларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У		

баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?		
---	--	--

2-илова

Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурухлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

Фантастик хаёлот ҳамда бадиий тўқималар асосига қурилиб, дидактик ғоя ташувчи оғзаки ҳикоялар **эртақ** деб аталади. Халқ ижоди намунаси бўлган эртақларда халқнинг дунёқараши, миллий характери, турмуш тарзи, тафаккур олами маълум даражада ўз ифодасини топади. Эртақларнинг пайдо бўлишида қадимий мифлар, урф-одат ва маросимлар муҳум ўрин тутди. Эртақ атамаси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «*этуқ*» шаклида келади ва бирор воқеани оғзаки ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Фольклоршуносликда эртақ атамаси қабул этилган бўлса-да, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларда **матал, ушук, варсақи, чўпчак** номлари ҳам учрайди.

Эртақларда бирор бир воқеа мукамал ҳикоя тарзида баён қилинади, воқелик хаёлий ва ҳаётий уйдирмалар воситасида, кишиларда бадиий завқ уйғотади.

Эртақлар тарихий тараққиёт жараёнида турлича ўзгаришларга учраб бизга қадар этиб келган. Шу сабабдан кўпгина эртақларнинг ғоявий йўналиши, композицияси, қаҳрамонларнинг вазифалари ўзгариб, янги-янги вариант ва версиялари юзага келган. Эртақлардаги вариантларнинг вужудга келиши эртақ айтилганда ижрочининг ижодий қобилияти, дунёқараши, воқеликни акс эттира олиш иқтидори, эртақчилик анъаналарини қай даражада билиши, тажрибаси, руҳий ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Эртақ асосида ётган бадиий тўқиманинг давр эътибори билан ташкил топган вақти ва ўрнини, унинг реал ҳақиқатга бўлган муносабати ва асосий функцияси, бадиий акс эттириш принципларига кўра а) **хайвонлар ҳақидаги эртақлар** («Тулки ва лайлак» каби), б) **сехрли эртақлар** («Кенжа ботир», «Мукбилгошотар» ва ҳ.), в) **маиший** («Давлатмирзо», «Аёз» ва ҳ.) эртақларга бўлинади.

Хайвонлар ҳақидаги эртақлар шакл ва мазмунига кўра икки турга бўлинади: соф хайвонлар ҳақидаги эртақлар ва мажозий эртақлар.

Соф хайвонлар ҳақидаги эртақлар нисбатан қадимийдир. Хайвон-персонажлар ҳаракати ва муносабати қадимий дунёқа-раш билан боғланган.

Мажозий эртақлар хайвонлар ҳақидаги эртақлар заминида вужудга келиб, танқидий вазифани адо этишга бўйсундирилди. Бир вақтлар тотем

саналган ҳайвонлар ижтимоий-сиёсий мазмунни акс эттирувчи кўчма маънодаги персонажларга айланади. Бундай эртақларнинг ғоявий мазмуни ва образлар талқинида мажоз асосий ўринда туради. Мажозий эртақларнинг педагогик аҳамияти катта.

Ўзбек халқ эртақлари орасида сеҳрли эртақлар алоҳида туркумни ташкил этади. Сеҳрли эртақларнинг юзага келиши қадимий тарихга эга бўлиб, уларнинг илдизи ибтидоий жамиятга боғланиди.

Сеҳрли эртақларда персонажлар, воқеа ва ҳодисалар одатдан ташқари, ғайри табиий ҳолда тасвирланади. Сеҳрли эртақлардаги ҳар бир эпизод қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, сеҳр, жоду, мўъжиза, хаёлий об-разлар билан боғланади.

Сеҳрли эртақларда у ёки бу тотем ҳайвон асосий персонаж бўлиб, бош қаҳрамон ёрдамчиси сифатида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Сеҳрли эртақлар поэтикасида тилсим алоҳида ўрин тутади. Тилсим ва тилсимли ҳодисалар таъсирчанликни орттириб, эртақларга хос табиат яратади, воқеа ва ҳодисалар мазмунини очади, қаҳрамон руҳини белгилайди. Тилсим сюжетнинг асосий беағи, эртақ поэтикасининг таркибий қисмидир. Чунки сеҳр-жоду ва тилсим воситалари эртақ сюжетини ҳаракатга келтиради, қаҳрамонлар характери билан белгилайди.

Маиший эртақларнинг тематикаси, ғоявий мазмуни сеҳрли эртақлардан фарқ қилади. Ақлни синаш, вафодорлик, жанговарлик, оилавий тортишувлар, айёрлик ва тентақликни танқид қилиш бу хилдаги эртақларнинг асосий тематикасини ташкил этади. Шунинг учун уларда ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик ва ҳақиқат улуғланади. Эртақ қаҳрамонлари — ҳаётнинг фаол кишилари, улар ажойиб ва ғаройиб ёрдамчиларсиз иш кўрадилар, ақл кучи, тадбиркорлик, чидам, жасорат, ирода кучи, дўстга вафодорлик, садоқат, адолатсизликка нисбатан мурасасизлик уларнинг асосий сифатларидир. Маиший эртақларда воқеалар ҳаракати нисбатан ҳаётий. Эртақ сюжетини, асосан, социал-маиший мотивлар ташкил қилади.

Эртақлар ўзига хос композицияга эга бўлиб, кириш қисм – бошлама, воқеалар ривож, тугалланмалардан ташкил топади.

Қириш қисим – бошлама тингловчи диққатини жамлаб, уни эртақ эшитишга ҳозирлайди. эртақнинг анъанавий бошлама воқеанинг қайси вақтда бўлиб ўтганини аниқ билдирмайди, умумий тарзда ифодалайди. Маиший эртақларда бошлама ниҳоятда ихчам ва содда. Бунда ҳам воқеликнинг бўлиб ўтган вақти ноаниқ бўлса ҳам, бироқ сирлилик сезилмайди, ҳаётийлик ҳукмрон бўлади. Воқеа бўлиб ўтган жой ва қаҳрамон номи аниқ ҳамда тўлиқ берилмайди.

Тугалланма эртақнинг якуний қисмини ифодалайди. Сеҳрли эртақларда тугалланма доимо тўй-томоша тасвири билан якун топади. Маиший эртақларда эса у воқеалар синтезидан келиб чиққан хулоса бўлиб, социал руҳ ҳамда таълимий мазмун англатади.

Эртак айтиб берувчига эртакчи дейилади. Ҳар бир эртакчи айтиб бераётган эртакларининг характери ва ҳикоя қилиб бериш услубига кўра бир-бирдан фарқланади. Айрим эртакчилар ҳайвонлар ҳақидаги, айримлари сеҳрли, баъзилари эса маиший мазмундаги эртакларни айтиш бўйича донг таратганлар.

Эртакчилар: ижодкор ва ижрочи эртакчиларга бўлинади. Ижодкор эртакчи ўзи эшитган эртакка ижодий ёндошади, анъанани бузмаган ҳолда, эртак воқелигига янгиликлар қўшади, унинг таъсир кучини оширади. Ўз билим даражаси ва маҳорати ҳамда тингловчи талабидан келиб чиқиб, эртак воқеларига ўзгартиришлар киритади. Ижрочи эртакчи ўзи қандай эшитган бўлса, айнан шундай такрорлайди, матнга ижодий ёндошмайди.

Эртакларнинг асрлар оша яшаб қолишида, аждодлардан авлодларга этиб келишида маҳоратли, яъни профессионал эртакчиларнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳамробиби Умарали қизи, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Нурали Нурмат ўғли, Хучанбой Расулов, Абдуғофур Шукуров каби машҳур эртакчилар ўз даврида машҳур бўлган ва улардан кўплаб эртак намуналари ёзиб олинган. Бугунги кунга қадар кўплаб эртак намуналари турли номлар остида чоп этиб келинмоқда.

Миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган эртакларнинг таълимий ҳамда тарбиявий аҳамияти жуда катта. Эртак сюжетлари таснифланган ва системалаштирилган каталогдир. Халқаро эртак материалларини акс эттирадиган, умумеътироф қилинган сюжет кўрсаткичи сифатида Стит Томпсоннинг Антти Аарне (Аарне А. Верзеичнис дер Мърчентйпен. Хелсинки, 1910) кўрсаткичи асосида тузилган “Эртак типлари” (Тхompson С. Тхе Тйпес оф тхе Фолктале. Хелсинки, 1961) каталоги тан олинади. Кейинчалик кўплаб миллий ва минтақавий кўрсаткичлар ҳам Аарне-Томпсон системаси бўйича яратилди. 2004 йили Ганс-Ёрг Утер қайта ишланган ва тўлдирилган кўрсаткич – “Халқаро эртак типлари” (Ҳанс-Жёрг Утхер. Тхе Тйпес оф Интернационал Фолкталес. А Слассифисатион анд Библиограпхй. Партс И–ИИИ. Хелсинки, 2004) каталогини эълон қилди. Аарне-Томпсон таснифига таянмаган, бошқа метод асосида тузилган кўрсаткичлар ҳам бор. Масалан, Бронислава Кербелитенинг “Эртак типлари. Литва эртакларининг структур-семантик таснифи” китоби («Типы народных сказок. Структурно-семантическая классификация литовских народных сказок». Москва, 2005).

XX аср бошларигача ҳам эртак сюжетларини системалаштиришга уринишлар кўп бўлган, бу йўлда муайян ютуқларга эришилган, бир неча ўнлаб типлар ҳисоблаб чиқилган. Аммо ҳеч бир тадқиқот охиригача этказилмаган ва қўлга киритган натижалари ҳам илмий амалиётга сингишиб кетмаган. Уларнинг орасида энг муваффақиятли чиққани Антти Аарне (1867–1925) тузган “Эртак типлари” бўлиб, собиқ иттифоқ фольклоршунослигида “Эртак сюжетлари кўрсаткичи” тарзида қабул қилинган.

Антти Аарне изланишларида салафларидан фарқли ўларок ўша вақтда илм-фанга маълум барча эртак матнларини қамраб олган, Европанинг бир

неча мажмуаларини, жумладан, Афанасевнинг тўпламини ҳам кўриб чиққан. Олим тадқиқотлари натижасини 1910 йили ФФС (Фольклоре Феллоуэ Соммунисатионс, № 3) туркумида немис тилида эълон қилди (Верзеичнис дер Мәрчентйпен). Кейин ҳам то умрининг охиригача каталогга қўшимча ва тузатишлар киритиб борди (ФФС, № 25; ФФС, № 33).

Аарне эртак сюжетларини таснифлашда жанрий хусусиятларига қараб фарқлаш принципига риоя этди ва куйидаги гуруҳларни ажратиб кўрсатди: И. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; ИИ. Ҳақиқий (нем.: эигентличе, рус.: собственно, инг.: ординарй – 1961 йилги нашрда) эртаклар: А) сеҳрли эртаклар, В) афсонавий (нем.: легенденартиге, рус.: легендарный, инг.: религиоус – 1961 й.н.) эртаклар, С) новеллистик (нем.: новелленартиге, рус.: новеллистическиэ, инг.: новелла (романтис талес) – 1961 й.н.) ва Д) аҳмоқ махлуқ (дев)лар ҳақидаги эртаклар (нем.: Мәрчен вом думмен Теуфел (Риэсен), рус.: сказки о глупом чорте (великане и т.п.), инг.: Талес оф тхе Ступид Огре – 1961 й.н.); ИИИ. Латифалар. Албатта, бундай гуруҳлаш эмпирик аҳамиятга эга бўлиб, мутлақо кам-кўстсиз деб бўлмасди.

Сюжетлар ушбу гуруҳлар ичида яна мавзусига қараб тўп-тўпи билан тартиб берилган (типларга ажратилган): масалан, И. 1–99. Ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; ИИ. Б. 750–779. Тақдирлаш ва жазолаш (немисчадан айнан таржима қилсак: “Худо тақдирлайди ва жазолайди”). Ҳар бир эртак (яхлит воқеа сифатида, баъзида эса мотив ва эпизод ҳам) ўз тартиб рақамига эга (биринчи гуруҳда 1 дан 299 гача, иккинчи гуруҳда 300 дан 1199 гача, учинчи гуруҳда эса 1200 дан 1999 гача); янги типларни кўшиш учун бўш ўринлар қолдирилган. Аслида Аарне тартиб берган сюжетлар сони мингдан ошмайди. Каталог эса 2400 рақамдан иборат бўлиши кўзда тутилган. Ҳар бир эртак типига қисқача тавсиф берилган ва библиографик кўрсаткичи (манбаси) келтирилган.

Аарне каталоги жаҳон миқёсида оммалашиб, халқаро илм-фанда қабул қилинди, кўплаб ғарб тилларига ўгирилди. Жумладан, рус тилига Николай Андреев (1892–1942) “Эртак сюжетлари кўрсаткичи. Аарне системаси бўйича” (“Указател сказочных сюжетов по системе Аарне”) номи билан таржима қилди (1929). Таржимон-олим янги русча тўпламларга берилган библиографик ҳаволалар билан каталогни бойитди. Айрим эртакларнинг янги вариациялари ёки буткул янги типларни кўшиб, кўрсаткичнинг мундарижасига умумий тартиботни сақлаган ҳолда махсус белгилардан фойдаланиб ўзгартишлар киритди.

Рус тадқиқотчиси ишини тугатиб, ҳали нашр эттириб улгурмасидан америкалик олим Стит Томпсон (1885–1976) фин фольклорчиси Антти Аарне асарини инглиз тилига ўгириб, айрим тузатиш ва тўлдиришлар билан эълон қилди – “Эртак типлари: таснифот ва библиография” (Тхе тйпес оф тхе фолк-талес. А сlassифисатион анд библиограпхй. Антти Аарнеъс Верзеичнис дер Мәрчентйпен. Ҳелсинки, 1928. ФФС, №74). Стит Томпсон шу билан кифояланмай, эртак сюжет типлари устидаги изланишларини чуқурлаштириб ва кенгайтириб, кўрсаткични миллий каталоглардаги материаллар билан

бойитиб борди. Немисча нашрдан ярим аср, инглизча нашрдан ўттиз уч йил ўтиб, 1961 йили ФФС туркумининг 184-сонида кўрсаткичнинг том маънодаги иккинчи таҳрири чоп этилди. Стит Томпсон китобга шаклий эртақлар (инг.: формула талес; масалан, кумулятив эртақлар) ва таснифланмаган эртақлардан иборат яна икки бўлим қўшди. Умумий санокни 2499 тага этказди. Шу тариқа ҳар бир фольклорчи тез-тез мурожаат қиладиган эртақ сюжетларининг универсал каталоги юзага келди ва ҳақли равишда Аарне-Томпсон (АаТх ёки АТ) индекси деб атала бошлади.

Аслида Стит Томпсон ўз тадқиқотларида сюжетга эмас, мотивга кўпроқ эътибор қаратган. Олти жилдли “Фольклор мотивлари кўрсаткичи” ([Мотив-Индекс оф Фолк-Литературе](#). Блумингтон, 1955–1958) монументал асари қирк йиллик изланишлари натижасида юзага келган. Мазкур каталогда мотивлар 23 гуруҳга бўлиниб, алифбо бўйича ҳарфлар билан белгиланган. Ҳар бир гуруҳ ичида алоҳида тартиб рақам берилган. Муайян мотивнинг вариантлари рақами асосий рақамдан нуқта билан ажратилади. Масалан, А670. Эрости олами табиати; А671. Дўзах; А671.0.1. Дўзах шимолда жойлашган; А671.0.1.1. Дўзахнинг бошқа жойлашуви; А671.0.2. Дўзахнинг яратилиши; А671.0.2.1. Дўзах олови(нинг яратилиши)... Шу тарзда давом этади. Ҳар бир мотив қайси манбаларда учраши албатта кўрсатилади. (Эслатма: мотив индекси билан сюжет кўрсаткичини чалкаштириб юбормаслик керак, иккаласи алоҳида-алоҳида каталог.)

Яна орадан қирқ йил ўтиб, 2004 йили эртақ сюжетлари кўрсаткичи муаллифлари сафига янги ном қўшилди. Каталогнинг учинчи таҳририни немис олими Ханс-Ёрг Утер (1944 йил туғилган) амалга оширди. Фольклоршуносликда кузатилган илгари силжишлар, тарихий-қиёсий метод асосида қўлга киритилган ютуқлар сюжет кўрсаткичини қайта кўриб чиқишга мажбур этди. “Халқаро эртақ типлари: таснифот ва библиография” (Тхе Тйпес оф Интернационал Фолкталес. А Слассифисатион анд Библиограпхй. Партс И—ИИИ. Ҳелсинки, 2004. ФФС, № 284, 285, 286) китоби 2003 йилгача чиққан тематик монографиялар, фольклор ва адабий эртақ тўпламлари ва минтақавий каталогларни қамраб олган. Кўрсаткичга 250 дан ортиқ янги типлар қўшилган. Каталог бўлимлари қуйидагича кўринишга келтирилган: “Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар” (1–299), “Сехрли эртақлар” (300–749), “Диний эртақлар” (750–849. Инг.: религиоус талес; бу гуруҳни Стит Томпсон шундай номлаган), “Ҳаётий эртақлар” (850–999. Инг.: реалистис талес; бу гуруҳ номланишини Ханс-Ёрг Утер ўзгартирган), “Аҳмоқ махлуқ (дев, иблис)лар ҳақидаги эртақлар” (1000–1199. Қавс ичидаги изоҳ тўлдирилган: гиант, девил), “Латифа ва ҳазиллар” (1200–1999. Иккинчи таҳрирда “Ҳазил ва латифалар” бўлган), “Шаклий эртақлар” (2000–2399). Стит Томпсон қўшган “Таснифланмаган эртақлар” бўлимини чиқариб ташлаб, умумий санокни биринчи нашрдаги ҳисобга туширди.

Сюжетлар кўрсаткичини тузишга зарурат турли халқларнинг минглаб эртақлари матнини қамраб олган ҳолда, уларнинг мазмуни тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиш эҳтиёжидан туғилган бўлса, янги методлар асосида

таснифлайдиган каталоглар сюжет ва мотив типларини янада аниқроқ ажратиб кўрсатиш мақсадидан дунёга келган. Бронислава Кербелите (1935 йили туғилган) яратган “Эртак типлари. Литва эртакларининг структур-семантик таснифи” (“Типы народных сказок. Структурно-семантическая классификация литовских народных сказок”. Москва, 2005) китоби Аарне-Топмсон системасига асосланмайди. Олима сюжет структурасининг асос бирлигини ифодалаш учун “элементар сюжет” атамасини киритган. Элементар сюжет деганда икки персонаж(лар гуруҳи)нинг қаҳрамонни мақсадига этиштириш йўлидаги битта “тўқнашув”и баён қилинган алоҳида матн ёки матн парчаси тушунилади. Бронислава Кербелите структур-семантик метод ёрдамида литва эртак, афсона ва латифаларидаги элементар сюжетнинг ҳар бири кўплаб вариантларига эга 152 типини ажратиб кўрсатган. Баъзан бир матнда асосий рол ўйнайдиган бир неча элементар сюжет учраши мумкин, бунда контаминация (баёнда воқеаларнинг қўшилиб, аралашиб кетиши) ходисаси рўй беради. Шу боис муаллиф сюжет тавсифини Аарне-Топмсон кўрсаткичидаги каби статик эмас, балки бир неча вариантларини эътиборга олган ҳолда динамик тарзда ёзишга ҳаракат қилган.

Назорат саволлари

1. Ўзбек халқ эртакларининг нашрлари, таснифи, ўрганилиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?

6-АМАЛИЙ МАНҒУЛОТ: МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ, ИЛМИЙ ЎРГАНИШ МЕТОДЛАРИ

Ишдан мақсад – Маросим фольклорига хос этакчи хусусиятлар, Маросим фольклори ва унинг ёзиб олиниши, Маросим фольклорининг ўрганилиши юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1. Маросим фольклор ва унинг турлари қандай?		
2. Мавсумий маросимлар ҳолатлар назарда тутилади.		
3. Ёмғир ёғдириш маросимлари ?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Ўзбек мифологияси		

дейилганда нимани тушинасиз?		
Ўзбек фольклорида қандай мифологик образлар бор?		
Бугунги адабиётда, санъатда мифологик тафаккурнинг ўрни қандай?		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Қўшиқ инсон маънавиятига хос бадий-эстетик ҳодиса сифатида халқнинг кундалик маиший турмушида ҳамкор, маънавий ҳаётида ҳамроҳ ҳисобланади ва руҳий дунёсининг бойишига хизмат қилади. Ҳар қандай халқнинг, умуман инсоннинг ҳаётини қўшиқсиз тассаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам дунёдаги жамики халқлар фольклорида қўшиқ жанри мавжудлигини кўрамыз. Инсон қувончга тўлганида ҳам ғам-андухга ботганида ҳам куйлайди, қўшиқ айтади. Халқда: “Куйган ҳам қўшиқчи, суйган ҳам”, деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Халқ қўшиқларини турли нуқтаи назардан, хусусан, ижро шакли, композицияси, рақс билан муносабати, иштирокчиларига кўра, этнографик жиҳатдан маросим ва номаросим қўшиқларга ажратиб ҳамда минтақавий жиҳатдан – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг ўзбеклар истиқомат қиладиган туманларидаги қўшиқчилик анъаналари, Фарғона водийси ва Тошкент вилояти қўшиқчилиги, ўрта ва қуйи Зарафшон воҳасида оммалашган ўзбек халқ қўшиқлари, Жанубий Ўзбекистон қўшиқчилиги ижодиёти, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайлар қўшиқлари ва ҳоказо ҳудудларга ажратиб тадқиқ этиш мумкин. Аммо фольклоршуносликда асарни сўз саънатининг нодир намунаси сифатида ўрганиш, унда қўлланилган турли поэтик кўчимлар ва уларнинг семантик қатламларини аниқлаш, эстетик қимматига ойдинлик киритиш, тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақиллик йилларида аждодларимиз томонидан асрлар оша яратилиб, кўз қорачиғидай эъзозланиб келинаётган маънавий қадриятларимиз дурдоналари бўлган халқ ижодиётига тегишли асарларнинг туб моҳиятини ёритиш, уларнинг халқ маънавиятида тутган ўрнини белгилаш борасида жиддий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек халқ кўшиқларини ифода усулига эътибор қаратилса, поэтик кўчимларнинг турли шакллари, айниқса, рамзий образларнинг кенг қўлланилишига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат тасодиф эмас, чунки инсон тафаккурида фикр ва ифодани қиёслаб тасвирлаш усули энг қулай восита саналади. Хусусан, ўзбек халқ кўшиқларининг қисқа шакли, асосан тўртликлардан иборат эканлиги ифоданинг бу шаклига тез-тез мурожаат этишни табиий равишда талаб этади. Шу сабабли ҳам поэтик рамзларни тадқиқ қилиш фольклоршунослигимизда, айниқса, унинг кўшиқчилик соҳасида ҳамини диққат эътиборда бўлиб келмоқда.

Фольклоршунослигимиздаги бу долзарб масалага бўлган эътибор биринчилардан бўлиб ўзбек халқ кўшиқларининг XX асрдаги жонкуяр тўпловчиси ва тадқиқотчиси М.Алавиянинг тадқиқотларида кўзга ташланади. У ўзининг “Ўзбек халқ кўшиқлари” номли китобида поэтик рамзларга тегишли мисолларга мурожаат қилар экан, уларни “рамз”, “параллелизм”, “аллегория”, “психологик мотивировка” каби турли номлар билан тилга олади¹. Олима ўзбек халқ кўшиқларида қўлланилувчи рамзий образлар ва тимсолий деталларга умумий тарзда мурожаат қилган бўлса-да, бу масалага фольклоршунослигимиз тарихида биринчилардан бўлиб диққат қаратганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Олиманинг поэтик сезгиси кўшиқларни ғоявий-бадиий талқин этишда, уларда ифодаланган мазмунни тўғри аниқлашда таянч асос бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш лозим. Бу хил талқинлар олиманинг бошқа бир қатор китоблари ва мақолаларида ҳам яққол кўзга ташланади². Айни пайтда, М.Алавиянинг тадқиқотларида поэтик рамзларни алоҳида фигура сифатида олиб, унинг ўзига хос белги ва хусусиятларини аниқлашдек муҳим илмий масалага жиддий ва тизимли ёндашув мавжуд эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу масала хассос олиманинг тадқиқот мақсадлари доирасига кирмаганлиги сабабли поэтик рамзлар тизимли равишда таҳлилга тортилмаганга ўхшайди.

3.Маросим фольклор ва унинг турлари. Маросим фольклори намуналари фольклорнинг энг қадимий жанрлари сирасига киради. Фольклоршуносликда маросим фольклори жанрларини икки катта гуруҳга ажратиш анъанаси мавжуд. Бу турлар қуйидги кўринишга эга : 1) мавсумий маросимлар фольклор. 2) оилавий маросимлар фольклори.

Мавсумий маросимлар йил мавсумларининг алмашинуви аввали ва охири, маълум бир хўжалик турларининг бошланиб яқун топиши, об-ҳаво билан боғлиқ мавсумий маросимларни ўз ичига олади. Мавсумий маросимларнинг аниқ вақти, белгиланган ўтиш муддатлари мавжуд ва улар

¹ Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959. – 6-101-бетлар.

² Бу ҳақда қаранг: Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974; Шу муаллиф. Кўшиқнинг мазмуни ва шакли масаласига доир // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – 71-79-бетлар; Шу муаллиф. Лирик кўшиқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. II том. – Тошкент, 1988. – 244-253-бетлар; Шу муаллиф. Ўзбек фольклорида ўлан / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 63–80.

бир оила ёки жамоага тегишли бўлмай бутун халқ оммасига тегишлидир.

“Мавсум” деганда, асосан, йил фасллари назарда тутилади. Бинобарин, мавсум кўшиқлари қиш, баҳор, ёз, куз фасллари билан боғлиқ бўлади. Маросим эса диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган тадбир, йиғин демакдир. У байрам умумхалқ шодиёнаси, тантана кун маъносини ифодалайди. Маълум бўладики, “маросим” тушунчаси “байрам” сўзи ифодалаган маънодан кенглиги билан фарқ қилар экан. Чунки, маросим бир шахс ҳаётидаги муҳим воқеа билан боғланиши мумкин. Бу тадбир оила чегараси билан чекланади. Байрамда эса умумхалқ иштироки бўлиши лозим. Тўғри, биз, кўпинча, “байрам маросими” бирикмасини кўллашимиз мумкин, аммо бу ҳолатда гап оилавий маросим ҳақида эмаслиги таъкидланади.

Дунёда биронта халқ йўқки, турли муносабатлар билан оммавий байрамларни нишонланмасин. Байрамлар бутун халқ тайёргарлиги билан ўтказилади. Катта шодиёнalar режалаштирилади. Махсус таомлар пиширилади, байрам либослари тикилади, ўйин-кулгилар, сайиллар, томошалар, мусобақалар уюштирилади. Шунинг учун миллий байрамлар тизимида халқ тарихи, миллий хусусиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу тасаввурларни оилавий, муайян ҳудуд аҳолиси ўртасидаги маросимлар, қолаверса, миллий урф-одатлар тўлдиради, мукаммаллаштиради.

Оилавий маросимлар эса аксинча бир оила ва оила аъзолари ҳаётидаги барча мавсумлар ўзгаришларни ўз ичига қамрайди. Оилавий маросимлар мазмуни туғилиғ, тўй ва мотам маросимларидан иборат ва бу маросимларда ижро этилувчи фольклор намуналари оилавий маросимлар таркибий қисмини ташкил этади.

4. Мавсумий маросимлар.

Ўзбек мавсумий маросимларининг бошланиши бевосита Наврўз байрами билан алоқадор. Наврўз янги йил, йилбоши деб ҳам юритилади. Яъни қиш ва ёз (икки кутб)нинг ўзаро курашуви, қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади, деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим ҳалқаларида ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга йўналтирилган. Ушбу ўринда Фарғонада ўтувчи Наврўз байрами ҳақидаги хитой манбасидан келтирган кўчирма муҳим аҳамиятга эга: “Ҳар янги келаётган йилнинг бошида подшо ва дарғалар бош халқ икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ биттадан вакил сайлаб, унга жанг кийимларини кийдириб ўзаро жанг қилдиришган, қолганлар эса рақиб тамонга тошу кесаклар отиб ўз жангчиларига ёрдам бериб туришган. Жанг тамонларнинг бири ҳалок бўлгунича давом қилган. Сўнгра жанг натижаларига қараб янги йилнинг қандай келишини тахмин этилган” (166. –С. 282–283).

С.П.Толстов ушбу маросимни ибтидоий халқлар орасида кенг тарқалган икки фратрийнинг маросимий мусобақаси эканлигини ёзар экан, Шарқий Туркистондаги Кучи шахрида янги йилни кутишда етти кун давомида ўтувчи кўчқор, от, туя уриштириб йилнинг қандай келишини аниқлаш тантаналари ва

Ўрта Осиёдаги улоқ (кўпкари) ҳамда туркманлар орасидаги “кўк бўри” тўй маросимини ҳам ана шу тизимда таҳлил этади. (166. –С. 284).

Биз учун эътиборли жиҳат ушбу ўринда кўпкари (улоқ) ва кўк бўри никоҳ тўйи маросимидаги бўри ва улоқ (эчки) образларидир.

Кўк бўри маросимида улоқ ёки кўзичокни (аслида улоқ варианты тўғри) отда ўнгариб қочаётган келинни куёв ўз жўралари билан таъқиб қилиб, ундан улоқни олиб кўйиши керак (Қозоқлар ўртасидаги қиз қувди маросими ҳам ана шу тизимда туради. Фақат у ўринда улоқ унутилган). Ушбу маросимнинг туб асослари ҳам йил фасллари ўртасидаги кутблар ҳолати, кураши ва бирлигига уланади. Улоқ – кўклам, бўри эса қиш тимсоли. Қиз – улоқ – кўклам, йигит – бўри – қиш яхлит тизимни ташкил этади. Улоқ (кўпкари) ўйинининг қиш вақти ўтказилиш анъанаси ҳам бекор эмас. Бойсун туманининг олис қишлоғида Наврўз куни ижро этилувчи “Тургак” ўйини ҳам бевосита ана шу тасаввурларга боғлиқ (87. –Б.148).

Республикамизнинг бир қатор вилоятларида турли шакл-кўринишларда ҳозиргача амал қилиб келаётган “Бойчечак” маросими ҳам ушбу тизимнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Маросимни нисбатан тўлароқ ҳалқаларини Наманган вилоятининг Чортоқ тумани худудида кузатиш мумкин. Бу ерда болалар эрта кўклам бойчечакни топиб, бир гуруҳ бўлиб, жўрабоши етагида хонадонма-хонадон кезиб чиқишади. Бойчечакчилар ҳар бир хонадон дарвоза олдида тўхтаганда, жўрабоши ушбу кўшиқни куйлайди:

– Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Худоим ўғил берсин бешигингизга, –

Гуруҳ эса:

– Бота, бота-бо, бойчечак,
Уйингизга чоч тилла.
Илойим ўғил берсин,
Отгинаси Раҳматилла,

Уй эгаси кўриниш берганда:

– Ўтириб чиқинг,
Ўтириб чиқинг,
Ёғоч товоқни тўлдириб чиқинг, –

дейдилар.

Хонадон соҳиби жўрабоши тутиб турган бойчечакни кўриб, тавоб қилиб, ҳимматига яраша ул-бул бойчечакчиларга беради. Уй эгаси хасислик қилиб ҳеч нарса бермаса, бойчечакчилар:

Ўқим, ўқим,
Қозонингга ...! –

деб ёмон тилак билдиради.

Биз ушбу маросимни дунёнинг бошқа минтақаларида яшовчи халқларидаги кўклам маросимлари билан қиёсан ўрганиб, унинг қадимий кўринишини тикладик (216. –Б. 40–41).

Қадимда ўтган “Бойчечак” маросимида қиш ва кўкламнинг курашини

ифодаловчи сахналар бўлган. Бойчечак тутган жўрабоши кўклам сиймосида ўз шериклари – аниқроғи, жангчилари билан хонадонма-хонадон юриб кишни хайдаган. Қиш сиймоси ва жангчиларини ифодаловчи томон қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бир-бир чекиниб хонадонларни ва ниҳоят бутун кишлокни тарк этган. Қиш ва кўклам ўртасидаги асосий кураш катта далада бўлган. Бунда киш ва ёз томон рамзий жанг қилиб, айтим-қўшиқ куйлаб баҳслашганлар.

Хоразмда сумалак сайли билан алоқадор бўлган “Ашшадарози” ўйини (169. –Б.43–44) ва унда айтилувчи лапарнинг туб асосларини киш ва ёз мунозараси сифатида баҳолаш ўринли. Ушбу лапарни маросимдан буткул ажралиб соф санъат намунасига айланган версияси сифатида Фарғона водийсида кенг ёйилган “Сочингни узун дейдилар” лапарини келтириш мумкин. Ушбу лапар матнида “қиш”нинг сўроғи ва “кўклам”нинг жавоблари асл моҳиятга яқин турибди. Лапарда йигит қизнинг сочи, қоши, кўзи, юзи, бели, қандай эканлигини сўрайди. Қиз эса кўкламдаги табиат тасвири орқали ўзини таъриф этади (27. –Б.90–92). Бизнинг назаримизда, “Кичкинажон-кичкина” кўшиғи ушбу айтишув, баҳснинг сўнгги нуқтаси бўлган. Яъни кўшиқни куйлаб, ўртадаги раққосни маълум образларга тақлидан кичрайиб бориши баробарида тарик тимсолига келиши, буни рақсда кўрсатиши кўкламнинг кишни енгиб уруғ (тарик) ҳолатига келтиришини ифода қилган.

Халқимизнинг ёз(кўклам) ва қиш(куз) ҳақидаги тасаввурлар тизимини қуйидаги жадвал орқали янада аниқроқ ифода этиш мумкин (... шаклга қаранг) С.П.Толстов ўзи келтирган фактларни таҳлил этар экан, уларнинг туб асосини зооастризмдан ҳам анча қадимийроқ бўлган ибтидоий одамнинг анимистик тасаввурлари замирида анъаналашганлигини ёзади (166. –С. 291). Бу эса бизнинг “Тўрўғли” туркуми ўзагидаги сюжет, етакчи мотив ва асосий образларнинг анимистик дунёқараш ва эътиқодларга боғлиқ талқин этганимиз тўғри эканлигини кўрсатиш баробарида, туркумнинг туб манбалари қадим-қадимдан келаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ёмғир ёғдириш маросимлари – Баҳорда ўтувчи мавсумий маросимлар тизимида йил қурғоқчилик келган мавсумларда ўтувчи ёмғир чақириш билан боғлиқ Суст хотин, Сут хотин, Сўз хотин, Сел хотин, Сув хотин, Чала хотин, Кўсам-қўсам, Чайла қазон деб номланувчи маросимлар ёмғир ёғдириш маросимларини ташкил этади. Келтирилган атамалар моҳиятан бир маросимнинг турли ҳудудларда айтилувчи ўзига хос номланишидир. Масалан, “Суст хотин” маросими қуйидаги тартибда ўтган. Қурғоқчилик даври ёш-яланглар йиғилиб бир болани эшакка чаппа ўтқазиб, қўлига сув тўла кади ушлатиб, ёнига икки тошбақани оёғидан боғлаб осиб қўйишган ва уйма-уй олиб юришган. Бола бирор уй олдига келса: “*Вой, жоним! Куйдим-эй! Куйдим-эй!*” – деб қичқирган. Уй эгалари унинг устига сув қуйишган. Йигитлар:

Ҳаво ёҳмас бўларми,
Томчи томмас бўларми,
Саксондаги кампирларни,
Сув оқизмас бўларми,
Суст хотин-о, суст хотин,

Кўйлаклари бўз хотин...

деб кўшиқ куйлашган. Хонадон эгалари йигитларга турли тортиқлар беришган. “Суст хотин” маросимида бир ходанинг теппа қисмига чўп боғлаб, аёл кийимини кийдириб, “Суст хотин” кўшиғини куйлаб, етти уйга олиб боришган. Хонадонлардан йиғилган бўғдой ун қилиниб махсус таом тайёрланган. “Сел хотин” маросимида бошига ғалвир кийган уч хотин кўшиқ айтиб хонадонма-ханодон юришган. Чала хотин, Кўсам-кўсам, Чайла қазон маросимларида ҳам хотин образи асосий ўрин эгаллайди. “Суст хотин” маросимлари қадим аجدодларимизнинг “осмон сувлари”, ёғин-сочин эгаси сифатида қаралган Тиштрия юлдузи култи билан боғлиқ маросимларнинг акс-садоси сифатида баҳоланади.

Ёзги маросимлар фольклори – Ёзда ўтувчи маросимлар бевосита деҳқончилик мавсумининг ёз даврига тўғри келади. Ёзда ғаллалар ўриб бўлингач йиғилган ҳосилни янчиб олиш учун мавсумда керакли шамолнинг бўлиши ёки аксинча йил қурғоқ келиб чанг-тўзон қуйиннинг тўхташи учун махсус маросимлар ўтказишган. “Чоймомо”, “Ялли момо” шамолни тўхтатиш учун уюширилган маросимлар бўлса, “Ҳайдар”, “Аждар бобо”, “Яланғоч ота” культлари билан боғлиқ ирим-сиримлар шамол чақиришга боғлиқ ташкил этилган. “Обло барака”, “Ҳақулло” маросимлари эса ғалла ўримини тугатиш ва буғдойни янчиб олиш давомида ташкил этилган. Бу маросим ва ирим сиримларда куйланувчи кўшиқлар ёзги маросимлар фольклори ҳисобланади. “Чой момо” маросимида беш ёки етти нафар бўй қизлар чоршанба, пайшанба, жума кунлари уйма-уй юриб ун ва буғдой йиғишади. Энг орқада юрадиган қиз кели сопини кўтариб олади. Унинг этагига боғланган супурги судралиб бораверади. Қизлар куйидаги кўшиқни куйлашган:

Чоймомо ўлибди,
 Ўғли етим қолибди,
 Боса-боса беринглар,
 Босилиб қолсин бу шамол.
 Уга-уга беринглар,
 Угилиб қолсин бу шамол.

Маросимнинг бошқа бир кўринишида тадбирни бошига чодир ёпинган кампир бошқаради. Бошқа худудда маросимда уч кампир бош бўлиб, унинг изидан еттита қиз юради. “Ялли момо” маросимида ушбу кўшиқ куйланади:

Ялли момо, ялли-ё,
 Ялли момо ўлдиё,
 Қудуқ суви тополмай,
 Сирка билан ювдик-о,
 Бўздан кафан тополмай,
 Бўйра билан кўмдик-о!

Ялли момо, ялли-ё,
 Ялли момо ўлди-ё,
 Ялли момо гуллари,

Хазон бўлмай сўлди-ё,
Шум шамолнинг онаси,
Ялли момо ўлди-ё!

“Ҳайдар” шамол пири Ҳайдарни чақириш учун айтиладиган айтимларга эга:

Ҳайдар-о, Ҳайдар,
Шамолингни қайтар,
Боланг қудуққа тушибди,
Уйинг қайғуга тўлибди,
Ҳайдар, Ҳайдар, келоқол,
Шамол бўлиб эсақол,
Буғдойи менга фойда,
Самонини олақол!

Ҳайдарга атаб айтилувчи айтимларнинг эл орасида турли вариантлари мавжуд. “Аждар бобо”, “Яланғоч ота”га нисбат бериб айтилувчи айтимлар ҳам эл орасида машҳур.

“Обло барака”, маросими бевосита буғдой ўрими сўнгида, охириги башоқларни ўриш вақти ўтказилса, “Ҳақулло” буғдойни янчиш пайти уюштирилиб баъзи ҳудудларда “чош қурди”, “чош оши”, “хирмон оши” деб ҳам юритилган.

5. Оилавий маросимлар. Оилавий маросимлар тизими ҳам ўз навбатида икки катта гуруҳга ажраларди. 1) Тўй маросимлари фольклори. 2) Мотам маросимлари фольклори.

Тўй маросими фольклори. Тўй дунёнинг барча халқларига хос маросимдир. “Тўй” атамаси “тўймоқ”, “эл-юртга зиёфат бермоқ” маънолари орқали муайян киши ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқтасини англатади. Бинобарин, тўй ҳам моддий, ҳам маънавий озикланиш маросимидир.

Ўзбек тўй маросимлари никоҳ тўйлари билангина чегараланиб қолмай. балки хатна (суннат), бешик тўйи кабилардан ҳам ташкил топгандир. Бу маросимлар турли муносабатлар билан ўтказилганлиги туфайли уларда ижро этиладиган фольклор жанрлари ҳам хилма-хиллик касб этади.

Бешик тўйлари фольклори. Одатда, бешик тўйи оиладаги биринчи (тўнғич) фарзанд учун ўтказилади ва у тантанали кечади. Баъзан оиланинг моддий турмуш даражаси билан боғлиқ холда бу тартиб ўзгариши ҳам мумкин.

Никоҳ тўйлари фольклори. Ўзбек тўй маросимлари сирасида никоҳ тўйлари расм-русмларга, ирим-сиримларга бойлиги, фольклор материалнинг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ранг-баранглик ҳамда кўтаринки руҳ маросимнинг мақсад ва вазифаси билан — инсоннинг ўз ҳаётининг янги даврига қадам қўйишини алоҳида қувончи орқали нишонлаши билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, никоҳ тўйи йигит ва қизлар ҳаётида рўй берадиган энг бахтли, энг унутилмас маросим саналади. Чунки мана шу маросимдан сўнг улар ҳаётга бошқача кўз билан, яъни ҳам жисмонан, ҳам маънан камолотга эришган кишилар кўзи билан қарайдилар.

Никоҳ тўйи маросими барча узвлари билан яхлит олиб қаралса, анчагина катта муддатни ўз ичига олади. Чунки маросим қиз танлаш воқеаларидан бошланиб, никоҳ кечасидан бирмунча муддат кейин ўтадиган куёв чақирик маросими билан якунланади.

Ўзбек никоҳ тўйларининг биринчи босқичига ўлан ва лапар каби фольклор жанрлари мансубдир.

Ўлан жанри. Ўлан асосан ўтмишда кўчманчилик ва ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирган ўзбек уруғлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, у қиз узатар оқ-шомидан бир ёки бир неча кун илгари қизнинг уйида ўтказиладиган “қиз оқшоми”, “қизлар мажлиси” каби турли номлар билан нишонланадиган тантанада ижро этилган. Ўлан шаҳар ҳамда қадимдан ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи аҳоли ўртасида учрамайди. М. Алавия кўрсатиб ўтганидек, тўйда лирик кўшиқлар ижро этиладиган, умуман, лирик кўшиқлар ривожланган жойларда ўлан кам айтилади. Айрим ҳолларда қиз узатар кечаси куёвнинг уйида ўтказиладиган базмларда ҳам ўлан ижро этилиши мумкин. Бунда ўлан тўйни қизитиш, меҳмонларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида айтилган. Аммо “қиз оши”да ижро этиладиган ўланлар умумўзбек тўйлари учун барқарор анъанадир.

Жанрнинг пайдо бўлиши масаласида ҳам ўзбек фольклористикасида аниқ бир фикр йўқ. М. Алавия бу масала хусусида тўхталиб, ўлан жанри қадимда ёр-ёр, лапар жанрлари билан бир бўлиб, кейинчалик улар турли жойлардаги традиция, турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда дифференциациялашиб, мустақил жанр ҳолига келиб қолган, деб ёзади. Лапар ва ўлан жанрларининг генетик жиҳатдан алоқадорлиги у қадар шубҳа уйғотмаса ҳам, лекин ёр-ёр ва ўлан жанрларини тарихан бир ҳодиса сифатида олиб қараш ишонарли эмас. Фарғона водийсининг айрим жойларида ўлан мисралари охирига “ёр-ёр” сўзини радиф қилиб ишлатиш ҳоллари бу икки жанрнинг ўтмишда бир бўлганлигини билдирмайди.

Чунки ёр-ёр ва ўлан жанрлари ижро усули жиҳатидан кескин фарқланадилар. Умуман, ўлан, лапар, ёр-ёр жанрларининг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзгачаликлар масаласи алоҳида тадқиқот талаб қилади.

Ўлан ижросида эрлар ва аёлларнинг юзма-юз туриши, уларнинг сўз воситасида мулоҳаза юритишлари ушбу жанрнинг тарихан ислом таъсири у қадар кучли бўлмаган кўчманчи туркий халқлар, жумладан, кўчманчи ўзбек уруғлари орасида вужудга келганлигидан далолат беради.

Ўлан жанрининг ижроси оммавий характер касб этиб, у профессионал ўланчилар томонидан бошланиб, улар томонидан бошқариб борилса ҳам, кўп ҳолларда, унга бошқа кишилар ҳам қўшилишлари мумкин.

Ўланнинг тематик доираси кенг бўлиб, унда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қилади. Улан айтишни, одатда, йигитлар бошлаб беришади.

Йигит:

Қарға дейман, кўзингдан, қаръга дейман,

Қарға уя солади жарга, дейман.
 Кўрмаганга кўп вақт, ойлар ўтди,
 Ўлан билан сўрашай — “ҳорма” дейман.

Қиз:

Ўланларим, кўзингдан, ўланларим,
 Сен бўлдинг шу дунёда гумондорим.
 Сен бўлсанг шу дунёда гумондорим,
 Куя-куя кул бўлди суякларим.

Ўлан поэтик жиҳатдан ҳам қатор ўзгачаликларга эга бўлиб, улардан бири текстнинг изчил тўртлик шаклидаги банд тузилишига эга эканлигидир. Ҳар бир банд эса аа ба тарзида қофияланади. Ўланларнинг аксарияти ритмик жиҳатдан ўн бир ҳижоли вазнга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ўлан тўй маросимининг мустақил жанри сифатида Тошкент, Наманган, Ленинобод областининг Ашт раёнидаги «ж» ловчи ўзбеклар яшайдиган қишлоқларда жонли яшашда давом этапти.

Лапар. Лапар тўй маросимининг биринчи босқичига мансуб бўлиб, ижрочилар состави, ижро усули жиҳатидан ўланларга яқин турувчи жанрдир. Аммо у ўзининг нисбатан воқебандлиги ҳамда ҳазилга бойлиги жиҳатидан ўланлардан фарқланади. Мазкур жанр Тошкент атрофларидаги қишлоқларда, шунингдек, Жанубий Қозоғистонда яшовчи ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган.

Лапар асосан келиннинг хонадонидан ўтказиладиган “қизлар базми”да ижро этилади. Буни айрим жойларда “лапар кечаси” деб ҳам юритишган. Ушбу базмда қизлардан ташқари аёллар ва куёв томонидан йигитлар ҳам иштирок этишган. Базмни бошқариш кексароқ, тажрибали ва сўзга чечан аёллардан бирига топширилган. У кечада одобсизлик қилган ёки кўпол мазмундаги лапарларни айтган йигитларни мажлисдан ҳайдаб чиқарган. Шу сабабли лапар айтишув кечалари жуда тартибли ва ёқимли кечган.

Тўйлардаги ёр-ёрлар, ўлан айтишлар, келин саломлар халқ поэтик ижодининг мумтоз намуналари бўлиб қолган. Ҳаёт тажрибаси оилавий турмуш тотувликдан бошланса, меҳр етакчи бўлса, кейинги ҳаёт ҳам иноқликда ўтишини тасдиқлаган. Шунинг учун куёв-келин кўнглини бир-бирига яқин қилиш орзуси қайта-қайта тилга олинади:

Шойи кўйлак енгига

Тут қоқайлик ёр-ёр,

Келин-куёв кўнглига

Ўт ёқайлик ёр-ёр.

ЎЛАН – халқ оғзаки ижодидаги омавий жанри; кўшиқ тури. Ўланлар тўй-йиғин, сайл, байрамларда кишиларнинг тарафма-тараф бўлиб айтувчи кўшиқ тури ҳисобланади. Никоҳ тўйида келин тамон куёв тараф билан баҳслашса, сайл-байрамларда маҳалла, овул ёки қишлоқ аҳли бошқа маҳалла, овул, қишлоқ вакиллари билан мусобақалашган. Ўланлар яккама-якка ёки гуруҳ бўлиб айтилган. Айтувчилар рақибларини “ҳарф”, деб аташи урфга

кирган. Қадимда ўлан никоҳ тўйи маросимлари таркибида ёр-ёр” билан бир умумий оҳангда пайдо бўлган. Фикримизни “ёр-ёр”даги “хай-хай ўлан” анъанавий бошлама ва “Алпомиш” достони таркибида келган ўлан шакли ва ҳар икки жанр оҳангини таъмин этувчи ўн бир бўғинли етакчи вазн ўлчами тасдиқ этади.

Дарёга тош отманглар,
 Ботар кетар ёр-ёр.
 Узоққа қиз берманглар,
 Олар кетар ёр-ёр.

Ушбу “ёр-ёр” бўғинлари ҳисоблаб чиқилса ($7+4+2=13$) ўн уч бўғинли ўлчам ҳосил бўлади. Ўлчамдан “ёр-ёр” қўшимчаси олиб ташланса, ўн бир вазнли ўлан вазни ҳосил бўлади. Аксинча ўланнинг ҳар бир мисрасига “ёр-ёр” қўшсак, айнан “ёр-ёр” шеърий ўлчамига эга бўламиз. “Алпомиш” достонида ўланнинг айни шакли ҳам келган.

Фольклоршуносликда ўлан атамасининг келиб чиқиши борасида икки фикр илгари сурилган. Биринчи фикр кенг оммалашган бўлиб, унда ўлан “улашмоқ”, яъни “ула” феълига алоқадор “боғлаш”, “қўшиш” маънолари эга ва ўзаро айтишувда қўшиқни мазмунан бир-бирига улашни билдиради, деб изоҳланади. Иккинчи фикр Озарбайжон фольклоршуноси Мирали Сейидовга тегишли. Олим ўлан жанри туркий халқларнинг яшиллик, ёшлик, оила илоҳи Ўланг номи билан боғлиқ деб ёзади. Бу фикрни ўзбек “ёр-ёр”ларидаги “хай-хай ўлан, жон ўлан, ўлан кўндир” анъанавий такрорланиувчи мурожоат маълум маънода тасдиқ этади. Ўлан жанри нафақат ўзбекларда, балки қазоқ, туркман, уйғур халқлари орасида ҳам машҳур. Бу ҳолат ушбу жанрнинг қадимдан келаётганлигини далиллайди.

Ўлан ҳарфларнинг қуйидаги кўринишли анъанавий чорловлари билан бошланган:

Баланд тоғлар бошида туман тоши,
 Тўй олдидан тортганим сўқим оши,
 Ҳаддин бўлса қаникан, ўлан бошла,
 Бу элатнинг ман, деган кекса-ёши...
 Жавоб берувчи:

Олти қизнинг ичида отим Анор,
 Анор сувин ичганда меҳрим қонар,
 Менинг билан шу кеча айтсангиз ўлан,
 Икки бетиз анордай гул-гул ёнар.

Тузилишига кўра ўланлар чорлов, танишув – ҳол-аҳвол сўрашиш, асосий баҳс, хотима қисмлардан ташкил топади. Ўланнинг чорлов, танишув, хотималарини анъанавий мазмунли тўртликлар ташкил этиб, чекланган миқдорда келади. Ўлан асосини ташкил этувчи баҳс қисмида бадиҳагўйлик муҳум ўрин эгаллайди. Ушбу қисмда рақибнинг ҳарфига муносиб жавоб топиб айтиши ўлан жанрининг бош талаби ҳисобланади. Кимки бадиҳагўй шоир, қумқулоқ қўшиқчи бўлиб, вазияга, ҳарфига мос савол-жавоб қила олса, ғолиб бўлади.

Муҳаббат мавзуси ўланларда етакчилик қилади. Бу хил ўланлар мазмунан айтувчи ва тингловчи учун баробар тегишли бўлиб, инсон кечинмалари, ўй-хаёлларининг ҳамма боп қолиплари бўлиб янграйди:

Оқ олма, қизил олма пишмас экан,
Икки яхши бир ерга тушмас экан,
Икки яхши бир ерга тушганида,
Умрининг ўтганини билмас экан.

Ўланларда айтувчиларнинг бир-бирига бўлган муносабати, дил изҳорлар ҳам ифода этилади:

Доим менинг минганим жийрон қашқа,
Тамоғимдан ўтмайди чойдан бошқа,
Тол чивикдай буралиб сен турганда
Кўзимга кўринмайди сендан бошқа.

Баъзан ҳарфлардан бирининг тили тойиб, қувлиги тутиб, одоб доирасидан чиқиб ўлан айтса:

Отинг ўзсин оғажон, отинг ўзсин,
Қора қайчи тилингни учин кессин,
Яна қайтиб шундайин ўлан айтсанг,
Ит ялоқда ош ичиб кунинг ўтсин,

деб, тартибга чақирилган. Инсон ҳаётида қувонч билан ғам эгиз юради.

Ўланлар орасида ғамли айтимлар ҳам учраб туради:

Қора тоғнинг бошидан кўч келади,
Қора йўрға селкиллаб бўш келади.
Қариндошдан айрилган ёмон бўлар,
Қаро кўзга мўлтираб ёш келади.

Ўланларда табиат ҳодисалари, тасвирлари билан киши кечинмаларини қаршилантириш усули кенг қўлланилади. Бу ўринда анъанавий поэтик рамзий образларга таянилади, у ёки бу образ вазият талаби билан рамзий маъно ташиди:

Бу дунёда не қатти, жийда қатти,
Бошидаги меваси болдан тотли.
Ота билан онанинг меҳри қатти,
Тилаб олган боласин пулга сотти.

Ушбу тўртликда жийда дарахти ва мевасининг табиий хусусиятлари лирик қаҳрамоннинг ота-онаси, тақдири ҳақидаги фикр, хулосаларини аниқ ифодалаш имконини бермоқда.

Ўланларнинг қофия тизими асосан а,а,б,а шаклига эга. Ўланларнинг куйланиш йўли “ёр-ёр”ларга яқин, айти пайтда сокинлиги билан ажралиб туради. Гўзал, бетакрор образли ифодалари, инсон дилига яқин ўланлар сўз санъатининг ўзига хос бетакрор жанри ҳисобланади.

Мотам маросимлари фольклори. Мотам маросими фольклорининг катта қисмини йиғи ва йўқловлар ташкил этади. Йиғилар, одатда, дафн маросими кунидан бошлаб то «уч» ёки «етти» маросимигача азадорлар ёки махсус ёлланган йиғичи (гўянда ёки наҳвагар) томонидан азахонага таъзия

билдириб келганлар олдида йиғи билан ритуал ижро қилинади. Йиғи матнлари катъий турғунликка эга бўлмайди. Улар, одатда, бир марталик ижрога мослашган. Сабаби, йиғилар мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, бадихатан куйланади. Йиғиларга хос ситуативлик ва импровизацион сажия улар ижросига етарли таъсир кўрсатади. Йиғичи анъанавий йиғиларни ижро этар экан, унинг қайсидир мисрасини ёки сўзларини тушириб қолдириши, ўзгартириши ёки анъанавий мисралар ёрдамида янги йиғи матнларини яратиши мумкин. Шу тариқа йиғиларда вариантлашиш ҳодисаси ҳам кузатилади.

Йиғилар таркибида, албатта, йиғини ифода этувчи «вой-вой-эй», «вой-дод-эй» каби ундов сўзлар ҳамда йиғининг кимга ким томонидан қаратилганлигини билдириб турувчи ундалмалар мавжуд бўлади ва улар ёрқин кўзга ташланиб туради.

Йиғилар кимга қаратилганига, яъни марҳум билан йиғичининг қариндошлик даражасига қараб, мавзу жиҳатидан фарқланади ва уларнинг ҳар бири алоҳида туркумни ташкил қилади. Масалан, отага, онага, бобога, бувига, акага, опага, укага, сингилга, фарзандга, эрга, хотинга, аммага, холага, амакига, тоғага ва бошқа ҳар бир қариндошлик риштаси билан боғланган кишиларга бағишланган йиғилар мурожаат объекти, бадий воситалари жиҳатидан ўзаро фарқ қилинади. Уларнинг ҳар бири якка, мустақил яшайди ва кимнинг ўлимига бағишланганлигига қараб ўзаро бирлашиб, каттакон йиғи туркумини ҳосил қилади. Жумладан, отага йиғи, онага йиғи, бобога йиғи, фарзандга йиғи ва ҳоказо каби поэтик туркумлар шулар сирасини ташкил этади. Бу туркумларга кирувчи барча йиғилар маълум бир нисбий мустақилликка эга бўлиб, жонли анъанада якка-якка ижро этилади. Чунки улар бош қаҳрамонга берилган баҳо, ҳажми, ким томонидан куйланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиб туради. Айтайлик, ота йиғиси туркумига кирувчи юзлаб йиғилар яратилганлиги маълум ва улар алоҳида-алоҳида ижро этилиши кузатилади. Бироқ улар қанча кўп бўлса-да, ота ўлимига бағишланганлиги, марҳум ота образини талқин этиши, унга хос рамзий белгиларни ташиб келишига кўра ўзаро мантиқан бирлашиб туради. Лекин ота йиғилари отанинг оиладаги ўрнига берилган баҳога ва ўғил ёки қиз фарзанд тилидан куйланганлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, отага бағишланган йиғиларда ота-куёшга, устунга ўхшатилса, она-ойга, булокқа ўхшатилади. Бобо-эски боғнинг кундасига, амма-эшикнинг тамбасига, хола гулу лолага, фарзанд гулга ёки булбулга ташбеҳ қилинади. Шунингдек, уларга нисбатан қўлланиладиган сифатлашлар ҳам ўзаро фарқ қилади. Масалан, она-“сутли кўлим”, ота-“суянган тоғим”, ука-“шўх булбулим”, опа-“сирдошим”, буви-“уйимнинг фариштаси” дея сифатланади.

Йиғиларнинг мавзу доираси кенг. Йиғичининг ҳаётий тажрибаси ва руҳий дунёси билан шартланган йиғиларда ўлимга муносабат маиший-фалсафий руҳда ифодаланиб келади. Йиғиларнинг мавзу доираси марҳумнинг шахсияти, оиладаги тутган ўрнига қараб белгиланади. Худди шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавзу лексик-грамматик такрордан маълум бўлади. Эр

ўлса-“во, тўрам”, хотин ўлса-“во, гулим” ёки “во, уйим” деб, қариндошларга “жигарим” дея йиғи берилади.

Ота ўлимида отага бағишлаб ижро этиладиган йиғилар мотам фольклори намуналари орасида алоҳида туркумни ташкил этади.

Орқамдаги юксак тоғим,

Отажоним, қайдасиз-а?

Боғимдаги гул чаманим,

Қиблагоҳим қайдасиз-а?

Отага бағишлаб ижро этилаётган бундай йиғиларда отанинг оиладаги мавқеи, унинг хонадан бошлиғи сифатида болаларига ғамхўрлиги, пушти паноҳ ва ҳимоячилиги алоҳида тилга олинади.

Оила бошлиғи бўлган отанинг ҳурмати юксак, баланд тоққа тенглаштирилади. Фарзандлар отанинг пушти камаридан бўлгани учун уни ҳам яратувчи илоҳ каби муқаддаслаштирадilar. Халқ орасида ота билан боғлиқ эътиқодлар жуда кўп. Шунинг учун болалар ота ўтирган уйнинг томига чиқишни гуноҳ деб биладилар. Шу тушунчалар асосида йиғиларда ота “қиблагоҳим” дея улуғланади. Ҳатто ота сифатлари Оллоҳ сифатлари билан тенглаштирилиб, унга қарата “меҳрибоним”, “бошимдаги паноҳим” дея мурожаат қилинади.

Ота оилани бирлаштириб турувчи, унга ҳар томонлама бош-қош, моддий таъминотчи бўлгани боис кўп ҳолларда унинг ўлимидан сўнг оила аъзолари қийналиб қолишади. Буни ҳатто болалар ўлим юз берган кунданок ҳис эта бошлайдилар ва ўз ҳис-туйғуларини йиғи матнларида ифодалар эканлар, “бошидаги посбони”, “олдидаги сарбони” ўлимидан қаттиқ азият чекаётганликларини таъкидлайдилар. Отасиз оилаларда юз берадиган бошбошдоқлик “бузилган қўрғон”га қиёсланади.

Она вафоти муносабати билан айтиладиган йиғилар ҳам талайгина. Уларда онанинг мўътабар зот эканлиги, меҳрибонлиги ва фидойилиги мадҳ этилиши орқали она ўлимига ачиниш, бундан ғам чекиш ҳолатлари ифода этилади.

Волидам, Маккам, Мадинам

Меҳрибоним, жоним онам. (Б.у.ғ.,39-б.)

Ёки:

Оқ сутингга рози бўл,

Азизам – Каъбам онам. (Б.у.ғ.,34-б.)

Она номини муқаддас қадамжолар номи билан тенг қўйиш орқали унинг ҳам мўътабар зот эканлиги таъкидланади. Онанинг мўътабарлиги эса ўта меҳрибонлиги, фидойилиги, ғамхўрлиги билан белгиланади. Она вафотига бағишланган айрим йиғилар ҳатто куйга солиниб, қўшиқ қилиб куйланади.

Оналарга бағишланган мотам йиғиларида, асосан, онанинг беқиёс меҳр-муҳаббатли эканлиги, фарзандлари учун умрбод куйиб-пишганлиги, мушфиклиги, ширин сўзлиги, болаларини оқ ювиб, оқ тараб, оқ сут бериб боққанлиги тилга олинади. Айниқса, унинг рўзғор қийинчиликларига сабр-тоқат билан елка тутиб берганлиги алоҳида мадҳ этилади:

Борига ҳам йўғига,
 Аччиғу ҳам тотига.
 Дардига ҳам доғига,
 Сабри ул тоғим онам.(Б.у.ғ.,35-б.)

Она ўлими-фарзандлар учун катта йўқотиш. Шунинг учун фарзандлар она ўлимида:

Хайр кетди сен билан,
 Кўрк кетди сен билан.
 Бир ўзинг дунёмидинг,
 Дунё кетди сен билан,(Б.у.ғ.,36-б.) –дея нолиш қиладилар.

Айниқса, оналар қизларнинг яқин сирдоши, кўмакчиси ва маслаҳатдоши бўлишади. Лекин кўпинча қизлар ҳам, ўғиллар ҳам ўз рўзғорлари билан бўлиб, оналарини унутиб қўйишади. Унинг ҳолидан камдан-кам хабар оладилар. Ўлим юз берганда ана шу ҳақиқат юзага чиқиб, бундан фарзандлар қаттиқ афсус-надомат чекадилар. Уларнинг афсус-надомати эса бошқаларга сабоқ бўлиб янграйди:

Қиз дедим, ўғил дедим,
 Рўз дедим, рўзғор дедим,
 Ҳеч ўзимдан ортмадим.
 Дилгинанг тортган таом-ла,
 Бир куни ёд этмадим.
 Кийдиргани, хуш этгани,
 Тўрт энлик мато топмадим.(Б.у.ғ.,35-б.)

Хуллас, она-буюк зот бўлиб, унинг буюклиги фарзандларига ғамхўрлигида акс этади. Фарзандлар онасини «бошдаги тожга», «боғнинг боғбонига», «рўзғорнинг султониға», «тахти равонга», «мулки жаҳонга» тенглаштирадилар.

Йиғилар орасида оға-иниларга, опа-сингилларга бағишланган намуналар ҳам мавжуд. Улар «акага», «укага», «опага», «сингилга» бағишланган йиғилар сифатида алоҳида-алоҳида туркумни ҳосил қилади ва ўзига хос поэтик луғати билан ўзаро фарқ қилади.

Нега бевафолик қилдингиз,
 Янгамни гулдай сўлдирдингиз.
 Болаларни ташлаб кетиб,
 Онамни тирик ўлдирдингиз.
 Акажоним, акам-эй,
 Меҳрибоним, акам-эй.(Б.у.ғ.,76-б.)

Янга- аканинг хотини. Қўшиқда шу сўзнинг ҳамда «онам» сўзининг иштироки, унинг ака ҳақида куйланаётганини билдириб туради. Ака ҳақидаги йиғиларда «акажон», «акажоним», «оғам» каби лексик мурожаатлар учраб келади. Аканинг оиладаги ўрни, эр йигит сифатида халқ орасида қозонган шон-шуҳрати тилга олинади.

Назорат саволлари

1. Ўзбек мифологияси дейилганда нимани тушинасиз?
2. Ўзбек фольклорида қандай мифологик образлар бор?
3. Бугунги адабиётда, санъатда мифологик тафаккурнинг ўрни қандай?
4. Мавсумий ва оилавий маросимларнинг халқ ҳаётидаги амалий аҳамияти нима?
5. Наврўз байрами ва халқ тақвимининг ўзаро уйғунлиги сиз яшаётган худуд фольклор намуналарида ҳам акс этганми?
6. Халқ лирикасининг маросим билан боғлиқ бўлмаган жанрларида етакчи мотив сифатида нимани кўрсатасиз?

7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ ВА ЧОП ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ишдан мақсад – Ўзбек халқ мақоллари ва уларнинг жанрий хусусиятлари, Ўзбек халқ мақолларининг ўрганилиш масаласи, Ўзбек халқ мақолларининг ёзиб олиниши ва чоп этилиши масалалари юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

19. Индивидуал ўқиш-2 минут.
20. Муҳокама қилиш –3 минут.
21. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
22. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
23. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
24. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1. Мақол оғзаки жанрнинг энг фаол тури деган фикрга қўшилмасми? Агар шундай бўлса нега? Фикрингизни асослаб беринг.		
2. Мақолларда ўз ва кўчма маънолар қай тарзда намоён бўлади?		
3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадийлигига халал этказиб турган ортиқча жумла ва		

қайтарықларни тушунтириб беринг.		
Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва эртакларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб қолди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг тарихий асослари топишмоқлар каби ибтидоий маданият даврида шаклланган энг оммавий, вариантларга бой барча халқлар фольклорида мавжуд жанридир. Шу сабабли жаҳон халқлари тарихи,

маданияти, тафаккури, этнографиясини ўрганишга қизиққан олимлар халқ мақолларига ҳам муҳим манба сифатида мурожаат қилиб келмоқдалар.

Ўзбек халқининг фольклор мероси ғоятда бой ва ранг-баранг. Бу мероснинг салмоқли қисмини мақоллар ташкил этади. Аммо бу улкан бойлик XX асрнинг бошларига қадар фольклористик нуқтаи назардан ўрганилмай келди. Бундан халқ мақоллари ўтмиш адиблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқмаслиги керак. Мақолга адабий нуқтаи назардан қизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз саънаткорларининг диққат марказида бўлган. Юсуф хос Ҳожиб, Рабғузий, Яссавий, Қутб, Хоразмий, Атоий, Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Абулғози, Турди, Гулханий, Мунис, Сўфи Аллоҳёр, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз, Ҳамза ва бошқаларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, улар таркибида қанчадан-қанча мақоллар баъзан айнан, баъзан ўзгарган ҳолда мавжудлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Мақолга махсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклоршунослик нуқтаи назаридан, гарчи у эпизодик характерда бўлса-да, муносабатда бўлинган ҳолларга ҳам дуч келамиз. Бунга XII асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Кошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг «Девону луғотит турк» асари ёрқин мисол бўла олади. Кошғарий мақолларни келтирибгина қолмай, уларга изоҳлар ҳам берган. «Девон»да турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар келтириладик, уларнинг аксарияти бугун ҳам тилимизда айрим ўзгаришлар билан муваффақиятли равишда ишлатилмоқда.. Бу ўринда адабиётимиз тарихида мақоллар асосида яратилган асарлар мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари таркибида 300 дан ортиқ мақол мавжуд бўлибгина қолмай, улар асар ғоясини ёритиш, персонажларнинг ўзига хосликларини ифодалашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шуунингдек, Сулаймонкул Рожий ўзининг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърий вазнга солганлиги ҳам адабиётимиз тарихида эътиборга лойиқ ҳодисадир.

XX асргача ўзбек халқ мақолларининг тўпланиши ҳақида сўз кетар экан, икки шахс меҳнатини таъкидлашимизга тўғри келади. Улардан бири венгер олими Ҳ. Вамберидир. Унинг 1867 йилда Лейпсигда нашр этилган «Чигатой тили дарслиги» хрестоматия луғатига фольклор ва адабиётнинг айрим намуналари қатори 112 ўзбек мақоли киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам берилган³. Бу ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуа ва хрестоматияларга киритиш йўлидаги энг дастлабки иш эди.

Ўзбек мақолларига эътибор берган хорижликларнинг иккинчиси рус ориенталисти, миссионер Н.П. Остроумов ҳисобланади. У ўзбек фольклори материаллари асосида бир неча тўпламлар эълон қилди. Унинг эълон қилган

³ Нурмурадов Ю.Б. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. АКД, Тошкент, 1983.

материаллари орасида мингга яқин халқ мақоллари муҳим ўрин тутди⁴. Лекин у тўплаган ва эълон қилган материаллар бевосита халқ орасидан ёзиб олинмаган бўлиб, иккинчи даражали кишилардан, асосан, рус-тузем мактаблари ўқувчиларидан олинган эди. Шунга қарамай, бу ишлар ўзбек фольклори, жумладан, мақолларни тўплаш ва ўрганишда ўша даврда дадил бир қадам бўлди.

Ўзбек халқ паремиологик хазинасини тўплаш, маълум бир тартибга солиш, жиддий ўрганиш ва яхлит тўпламлар ҳолида халқга тақдим этиш ишлари XX асрнинг 20-йилларидан кейин кенг қулоч ёйди. Бу пайтга келиб, халқ мақолларини тўплаш ва ўрганиш даставвал кичик-кичик мақол тўп - ламларини нашр этишдан бошланди. Шундайлардан дастлабкиси Хоразм материаллари асосида тузилган тўпламдир. Унда 564 та мақол альфавит тартибида жойлаштирилган бўлиб, «Халқ адабиёти» номли кичик сўз боши ҳам берилган⁵. СССР халқлари марказий нашриётида чоп этилган иккинчи тўпламга эса, Фарғона водийси, асосан Қўқон атрофларидан тўпланган мақоллар альфавит тартибида киритилган. 711 мақолни ўз ичига олган бу тўпламга «Дарвеш» тахаллуси билан кичик бир сўзбоши ҳам ёзилган⁶.

Юқоридаги тўпламларни XX асрнинг 20-йиллари биринчи ярмида халқ мақолларини тўплаш ва нашр этишдаги жиддий қадам сифатида баҳолаш билан бирга бу иш кейинги йилларда анча сусайганлигини, фақат 30-йилларнинг охирида айрим-айрим тўпламлар юзага кела бошлаганлигини қайд этиш зарур⁷. Албатта, бундай сусайишга 30 – йилларда ўзбек зиёлиларининг оммавий қатоғон қилиниши асосий сабаб эди.

Халқ мақолларини, ҳозир биз тематик тасниф деб юритаётган, англаган маъноларига қараб тартиб беришни атоқли олим Х.Т. Зарифов бошлаб берди⁸.

Мақолларни мавзу жиҳатдан тасниф қилиш фолклор асарлари нашри амалиётида уларни ҳеч қандай кўрсаткичсиз альфавит тартибида беришга нисбатан олға ташланган қадам эди. Шунинг учун ҳам бу йўл кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилдики, халқ мақолларини тўплаш, системалаштириш, улардаги умуминсоний ғояларни тарғиб қилишда бундай тўпламларнинг аҳамияти ғоятда катта бўлди⁹.

⁴ Остроумов Н.П. Пословицы и загадки сартов. Этнографические материалы, вып. III, Ташкент, 1985.

⁵ Ўзбекча оталар сўзи. Тқпловчи ва тузувчи Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Хива, 1924.

⁶ Ўзбек мақоллари. Тўпловчи ва тузувчи Шерали Рқзи, М., 1926.

⁷ Мақоллар ва ҳикматли сқзлар. Тўплаб босмага тайёрловчи Б. Каримов, Тошкент, 1939; Мақоллар ва ҳикматли сўзлар. Тузувчилар Ш. Ризо, Ў. Азимов, Ў. Холматов, Тошкент, 1941.

⁸ Ўзбек фольклори, тузувчи Ҳоди Зариф, Тошкент, 1939. – Б. 268-279; Оталар сқзи – ақлинг кқзи.

Тқплаб, сқз боши билан нашрга тайёрловчи қоди Зариф, Тошкент, 1947.

⁹ Ўзбек халқ мақоллари. Нашрга тайёрловчилар М. Афзалов, С. Худойерганов, С. Иброҳимов, сқз боши муаллифи М. Афзалов, Тошкент, 1958, тқртинчи нашри: 1978; Мақоллар. Тузувчи М. Аҳмадбоева, Тошкент, 1960; Сқз кқрки – мақол. Тузувчи ва сқз боши муаллифи Р. Жуманиёзов, Тошкент, 1962, учинчи нашри : 1970; Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар : Б. Саримсоқов, И. қак³қлов, А. Мусақулов, Р. Зарифов, сқз боши муаллифи Ш. Шоабдурахмонов, сқнг сқз муаллифи Б. Саримсоқов, Тошкент, 1978 (уч мингдан ортик мақол киритилган); Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Б. Саримсоқов, А. Мусақулов, М. Мадрахимова, қз боши муаллифи Ш. Шоабдурахмонов, сқнг сқз муаллифи Б. Саримсоқов,

Бу тўпламлардаги фактик материаллар асосан бир-бирини такрорлайди. Бироқ, улар материалнинг ҳажми, танланиш характери, тематик гуруҳларга ажралиш жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, М. Афзалов бошчилигида тайёрланган тўпламнинг кейинги нашрига 2500 лан ортиқроқ мақол киритилиб, 34 тематик гуруҳга бўлинган бўлса, Р. Жуманиёзов тўпламининг сўнги нашрида 1047 мақол 22 тематик гуруҳ остида берилган Ёки Б. Саримсоқов бошчилигида тузилган тўпламдаги (1984) 4500 га яқин мақол 40 мавзу остида жамланган. Кейинги тўплам фольклористик савияси, мақолларни системалаштиришда нисбатан изчилликка интилиш жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Аммо бу йўл ҳамма тўпламлар учун характерли эмас. Уларнинг айримларида фольклоршунослик эришган ютуқлардан фойдалана олмаслик ҳоллари кўзга ташланади. Шундайлардан бири «Денгиздан қатралар» тўпламидир¹⁰.

Тўпламга икки мингдан ортиқ мақол, матал, юмуқ иборалар киритилган, улар алвафит тартибида жойлаштирилган, изоҳ ва кўрсаткичлар билан таъминланмаган. Оммавий китобхонга мўлжалланган альфавит тартибидаги кўрсаткичсиз нашр, агар таъбир жоиз бўлса, «ўлик», «ҳаракатсиз» тўпламдир. Бундай тўпламларда мақсад аниқ бўлмайди, улардан фойдаланиш қийин. Иккинчидан, тўпламга киритилган материаллар танланмаган, тўповчининг кўлига нимаики тушган бўлса, мақол ва матал тамғаси билан нашр этиб юбора берилган. Бўлмаса, «Чена, кетингга қараб эна» типидagi намуналар ундан жой олмаган бўлар эди.

Ўзбек мақолларининг ҳозиргача энг сўнги йирик нашри 2003 йилдаги тўпламдир¹¹. Унда 9 мингга яқин мақоллар 70 та мавзуда берилган. Бу тўпламнинг аввалги нашрлардан фарқи шундаки, унда мустақиллигимизнинг қисқа давридаги улкан ўзгаришлар ҳисобга олинган. Жумладан, унга аввалги нашрларда учрайдиган «Боғли колхоз, ёғли колхоз», «Колхоз – барака дарёси», «Рус тили – дўс тили» каби сунъий мақоллар киритилмаган. Бу мақолларнинг сунъийлиги шундаки, биринчидан, ўтган асрнинг 30-йилларидан 90 – йилларигача мавжуд бўлган колхозлар собиқ тузум сиёсати туфайли ташкил топган, аммо асрий миллий анъаналаримизга зид ҳодиса бўлса, иккинчидан, дунёда фақат рус тили эмас, барча тиллар халқларни бир-бирига яқинлаштиришга, маданиятларини юксалтиришга хизмат қилади. Тўплам Т. Мирзаевнинг «Сўздан сўзнинг фарқи бор» номли кириш мақоласи билан бошланади. Унда мақолларга ихчам таъриф берилиб, уларнинг ўрганилиш тарихи, нашри, қўлланилишидаги ўзига хосликлар мухтасар баён қилинган.

Тошкент, 1981, иккинчи нашри : 1984; Узбекские пословицы и поговорки. Перевод Е. Чернявского и В. Рузиматова, Ташкент, 1959 (мингга яқин мақол киритилган); Узбекские народные пословицы. Составители: Б.И. Саримсаков, А.К. Мусакулов, перевод Н.К. Гацунаева, предисловие Б. И. Саримсакова, Ташкент, 1983 (уч мингдан ортиқроқ мақол киритилган).

¹⁰ Денгиздан қатралар. Тқплаб нашрга тайёрловчи Э. Сиддиков, скз боши муаллифи О. Собиров, Тошкент, 1976.

¹¹ Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т.Мирзаев, А. Мусакулов, Б. Саримсақов; маъсул муҳаррир: Ш. Турдимов. – Т.: «Шарқ», 2003.

Демак, мақол тўпламларини тузишда конкрет мақсад асосида иш кўриш, уларнинг кимга ва нима учун мўлжалланганини аниқ белгилаш, қатъий танлаш принциплари асосида иш қуриш фольклоршуносликнинг зарурий талабларидан бири эди ва шундай бўлиб қолади.

Халқ мақоллари, маталлари ва афоризмларини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва уларнинг луғатларини тузиш бўйича ҳам муайян бир ишлар амалга оширилган¹².

Аммо бу соҳадаги ишлар ҳозирча эпизодик характерда. Халқ мақолларининг контекстуал ва ситуатив стилистик хусусиятларини, структураси ва семантикасини ҳар томонлама таҳлил этувчи мукамал изоҳли тўпламлар тузиш вақти аллақачон этган.

Халқ мақолларини илмий ўрганиш уларни нашр этиш билан бирга бошланди. Бу жиҳатдан турли вақтларда мақол тўпламларига ёзилган сўз бошилари, хусусан, Ҳ. Зарифов, М. Афзалов, Р. Жуманиёзовлар ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Бу ишларда халқ мақолларига умумий характеристика берилди, уларнинг тематик доираси белгиланди. Кейинроқ эса, Ш. Шораҳмедов, Х. Шарафиддиновларнинг мақолалари, Х. Абдурахмонов мақолларнинг тил хусусиятларини ёритувчи тадқиқоти юзага келди¹³.

Ўзбек халқ мақоллари ҳақидаги нисбатан янги ишлар қаторида К. Имомов, Б. Саримсоқов мақолаларини ва Х. Шарафиддиновнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш зарур¹⁴.

Бу ишларда мақоллар фольклор жанри сифатида ҳар томонлама асосланди, унинг ғоявий- тематик хусусиятлари баён этилди, поэтикасининг айрим томонлари ёритилди, афористик жанрларнинг чегарасини белгилашга ҳаракат қилинди.

Юқоридагилардан маълум бўладиги, ўзбек халқ мақолларини чинакамига ўрганиш энди бошланаётир. Қилинган ишлар, тўпланган материаллар воқелик фактларини образли формаларда умумлаштира олган бу фольклор жанрини, тилимизнинг бекиёс қудратини тўла намойиш қила олган халқимиз тафаккурининг бундай дурдоналарини бутун-бўйи-басти билан ҳар томонлама ўрганишга кенг имкониятлар яратмоқда.

Назорат саволлари

1. Мақол оғзаки жанрнинг энг фаол тури деган фикрга қўшиласизми? Агар шундай бўлса нега? Фикрингизни асослаб беринг.

2. Мақолларда ўз ва кўчма маънолар қай тарзда намоён бўлади?

¹² Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луқати, Тошкент, 1976; Бердиёров қ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луқати, Тошкент, 1984.

¹³ Паремиология Ўзбекистана, выпуск I, Самарканд, 1978; выпуск II, Самарканд, 1980; выпуск III, Самарканд, 1981.

¹⁴ Имомов К. Мақоллар. – Китобда : «Ўзбек халқ оқзаки поэтик ижоди», Тошкент, 1980, -Б. 108-115; Саримсоқов Б. Халқ тафаккурининг олмос Катралари. – Китобда: «Ўзбек халқ мақоллари», иккинчи нашр, Тошкент, 1984. -Б. 336-350; Саримсаков Б.И. Предисловие. – В кн.: «Узбекские народные пословицы», Ташкент, 1983. – С. 5-15; Шарафиддинов Х. Рифма и её функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц. АКД, Ташкент, 1986.

8-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ, НАШРГА ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМИЙ ЎРГАНИШ

Ишдан мақсад – Ўзбек халқ қўшиқлари ва уларнинг ўрганилиши, Ўзбек халқ қўшиқларининг ёзиб олиниши, Ўзбек халқ қўшиқларини нашрга тайёрлаш принциплари юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга кутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

25.Индивидуал ўқиш-2 минут.

26.Муҳокама қилиш –3 минут.

27.Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

28.Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

29. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
30. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1. Халқ лирикаси генезиси ва тадрижий босқичлари ҳақида нималарни биласиз?		
2. Лирик қўшиқларни тадқиқ этилиши ва чоп қилиш тажрибалари ҳақида гапиринг?		
3. Қайси бир йўсинда бўлмасин, бирор халқ ва миллатни ёки ўша миллат вакилини камситиш, қоралаш, миллий ва диний адоват туйғуларини нфодалаган сўзлар, иборалар, тасвирлар. Бирор халқ ёки мамлакат номи билан аталувчи эпик номлар, тўғрироғи, эпик душман номлари ва буларга нисбатан халқ ғазаб ва нафратини баён этган сўзлар, иборалар ва таъриф-тасвирларга миллий ва диний адоват нуқтаи назаридан қараш тўғри эмасми?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Фольклор асарлари учун характерли бўлмаган, асарнинг бадиийлигига халал этказиб турган ортиқча жумла ва қайтариқларни тушунтириб беринг.		
Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва		

<p>эртақларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?</p>		
--	--	--

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Ибтидоий динлар, қадимги тушунча ва эътиқодлар нафақат халқ лирикаси, балки умумжаҳон фольклорининг ҳам тарихий асослари бўлган, деган хулосага келдик. Агар миф, ибтидоий –архаик динлар билан боғлиқ тушунча ва тасав-вурларни, жумладан, халқ лирикасининг тарихий асосларини содда ҳолда, гуллар, дарахтларнинг илдизларига ўхшатсак, уларни ифодалаган маросимларни новдалар, баргларга, ғунчаларга қиёслашимиз мумкин.

А.Н. Веселовский халқ лирикасининг поэтик қурили-шини «услужий Домострой» деб изоҳлаган эди. Бу атама ҳозирги рус тили учун ҳам анча беғоналашган бўлиб, қадимги рус ёзма ёдгорликлари, тирикчилик қоидалари, хулқ-атвор тўғрисида битилган насиҳат тўпламларини англатади. Ибтидоий динлар шаклланиб, халқ оғзаки ижоди учун ҳам, «Домострой», пойдевор, дастлабки тарихий асос, содда қилиб айтганда, хомашё вазифасини ўтаган.

Биз умумфольклор деганда, халқ оғзаки сўз саънати-нигина тушунмаймиз, балки мусиқа фольклори, рақс фолк-лори, халқ драмаси, халқ

амалий саънати соҳалари ҳам шу тушунча доирасига киради. Қадимда бу соҳаларнинг барчаси маросимларнинг ҳаракат, буюмлар ва сўз таркиблари бирли-гида мужассам бўлган. Шу боис ҳозирда фольклорни маиший йўналишига кўра, маросим ва номаросим турларига тасниф қиламиз. Маросим фольклорининг номаросим фольклоридан фарқи шундаки, маросим фольклорида амалий мақсад, номаросим фольклорида эстетик мақсад устивордир. Бошқача қилиб айтганда, тарихан номаросим фольклори маросим фольклоридан ўсиб чиққан.

Ўзбек фольклоршунослигида номаросим фольклори ўтган асрнинг 90 – йилларигача махсус тадқиқ этилмади. Шундан сўнг ва ҳозиргача маросим фольклори тадқиқи шу даражада тез ривожландики, натижада этнофольклористик йўналиш тадқиқотларнинг муҳим методларидан бири бўлиб қолди. Маросим ва миф ҳақида фанда, асосан, икки хил қараш мавжуд. Айрим олимлар аввал миф, бошқа бир гуруҳ вакиллари эса, дастлаб маросимлар пайдо бўлган дейди-лар(212.- С. 507 -588). С.А. Токарев аввал маросимлар пайдо бўлган, деган қарашларни ёқлаб, эътиқод тушунчадан келиб чиқади, маросим шу эътиқодни амалда ифодалайди, миф эса изоҳлайди, дейди(212. – С.531).

Ҳозир фандаги беҳисоб тортишувларга қараб, маросим аввал пайдо бўлганми ёки мифми, бу ҳақда бир нима дейиш қийин. Аммо маросим ва мифлар оғзаки сўз санъанти ривожидан тарихий асос вазифасини ўтагани ҳақиқатдир. Негаки, ибтидоий динлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар илк бор мифлар ва маросимларда ўз ифодасини топган, яъни ўзига хос «моддийлашган». Бизнингча, тезис сифатида барча саънатлар, жумладан, сўз саънатининг пайдо бўлиши босқичларини шундай ифодалаш мумкин: **тушунча ► тасаввур ► маросим ► миф ► дин (анимизм, тотемизм, шаманизм, культлар, патронимия, дунёвий динлар) ► саънат(жумладан, фольклор саънати)**. Албатта, бу тезисимиз сўз саънатининг пайдо бўлишида ибтидоий маданият давридан бошлаб, ҳозиргача реал ҳаёт тажриба-ларининг таъсирини заррача инкор этмайди.

Маросим ва лирика муносабатлари жуда кенг ва мураккаб муаммо. Айтиш мумкинки, халқ лирикаси сўз саънати сифатида шаклланиб бўлгандан кейин ҳам, маросим таркибидаги лирик қўшиқларнинг маросимдан ташқарида ҳам куйланиши ёки аксинча, лирик қўшиқларнинг маросимлар таркибига сўз қисми сифатида киритилиши жарёни жуда ривожланган. Бугунга келиб эса, кўпгина маросимлар унутилган бўлса-да, улар таркибидаги лирик қўшиқлар у ёки, бу шаклда мустақил яшамоқда.

Маълумки, маросим, аввало, амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маросимлар таркибидаги фақат амалий мақсадларга қаратилган айтимлар, қўшиқлар маросимлар йўқолиши билан табиий равишда унутилади. Кинна, бадик, суст хотин каби маросимлар ва уларнинг вербал – сўз компонентлари бунинг ёрқин мисолидир. Бироқ маросим таркибидаги айтимлар, қўшиқлардаёқ халқ лирикасининг илк шаклий ва мазмуний асослари – ритм, мусиқа, вазн, поэтик такрорлар, жонлантириш, сифатлаш, синекдоҳа, ритмик

–синтактик параллелизмлар ва бошқалар мавжуд бўлади. Биз ушбу ўринда халқ лирикасининг тарихий асосларига кўра, маросимлар, урф-одатлар билан боғлиқлигини кўрсатиш учун айрим мисоллар билан чекланамиз:

Фольклоршунос Ю.И.Юдин рус халқ лирик қўшиқ-ларидаги ота-она уйини соғинган ёш жувон образининг тарихий асосларни ўрганиб, унда жуда қадимий бир одат ўз бадий ифодасини топганлигини кўрсатиб берган. Бу қадимий одатга кўра, ёш жувон бир ёки икки йил турмуш қургач, узоқ муддатга ота-она уига қайтган. Бу муддатда у эри билан деярли кўришмаган. М.О. Косвен ушбу одатнинг қадимда Кавказ, туркман, удмурт, бошқирд, бурят ва бошқа халқларда ҳам кенг тарқалганлигини аниқлаб, жувоннинг анча муддатга ота-она уйига қайтишини матриархатдан патриархатга, жуфт никоҳдан моногам никоҳга ўтиш, матриолкал жойлашувдан, патриолкал жойлашувга ўтиш даври билан боғлиқ, деган хулосага келган(120. - С.26-27). Изоҳ бериб ўтиш керакки, матрилокал жойлашув никоҳда куёнинг қиз уйига, патрилокал жойлашув қизнинг йигит уйига бориши демакдир. Яна бир муҳим факт: Т.В.Зуэва маълумотларига қараганда, феодал жамиятгача бўлган даврларда никоҳ одатларида аёллар ташаббускор бўлган. Қизларнинг ўзларига қайлиқ танлашлари, совчилик қилишлари, ҳатто куёвларни қалин каби шартларни тўлаб, сотиб олишлари ҳам нормал ҳолат ҳисобланган(165. - С.52). Мазкур одатнинг ўзбек халқи тарихида ҳам бўлганлигини халқ эртаклари, лостонлари жуда яхши кўрсатиб берган. Масалан, кўпгина дoston, эртақларимизда маликлар ўзлари шарт қўйиб, ўзлари эр танлайдилар.

Ўзбек халқ лирикасида ҳам аёлларнинг ота-она уйини соғиниш мотиви жуда ривожланган. Бизнингча, бунга юқорида М.О. Косвен айтган мулоҳазалар тарихий сабаб бўлган. Негаки, ўзбекларда тарихан уруғ доирасидаги никоҳ-лар этакчилик қилган. Уруғ доирасидаги никоҳларда қиз бола узатиилганда ҳам ўз ота-онасидан унча йироққа тушмаган, аксинча яқин қариндошларига келин бўлган. Қўшиқларда эса бунинг аксини кўрамиз:

Дарёга тош отманглар,

Ботар-кетар, ёр-ёр.

Узоққа қиз берманглар,

Олар- кетар, ёр-ёр.

Узоққа берган қизнинг

Ранги сариқ, ёр-ёр.

Кўзидан оққан ёши

Мисли ариқ, ёр-ёр.

Мисли ариқ мис бўлсин,

Сомон бўлсин, ёр-ёр.

Узоққа тушган синглим

Омон бўлсин, ёр-ёр.

Қизиғи шундаки, биз келин бўлмиш нафақат қўшни қишлоққа, балки ўз қишлоғида бошқа бир хонадонга тушганида ҳам ушбу ёр-ёр куйланганлигининг гувоҳи бўлган-миз. Демак, қўшиқдаги узоқ сўзининг

поэтик маъноси луғавий маъносидан фарқ қилиб, бу қадимий одат билан боғлиқ.

Аввало шуни айтиш керакки, мисолимиздаги дарё ва ариқ ҳосилдорлик култи таъсирига кўра, оила, фарзанд тушунчалари билан уйғунлашади. Кекса момоларимизнинг айтишларича, илгари қизлар сувга тош ташлаб, унинг чўкиш тезлиги, тош чўккан жойдаги доира тўлқинчалар миқдори, тарқалиш кенглигига қараб ҳам фол очишар экан. Агар сувга тош тез чўкса, қиз келин бўлган жойида тез сингишиб кетади, нечта тўлқин халқача пайдо бўлса, шунча фарзанд кўради, қанча кенг тарқалса, шунча кўп яшайди деб талқин қилишар экан. Бундан ташқари халқимизда узатилаётган қиз изидан борган жойида тошдай ўрнашиб, ўз-ўзидан серфарзанд бўлиб, тинчиб кетсин деган мақсадда тош отиб қолиш одати ҳам бўлган. Шунинг учун «олма деб отган отам» деб бошланадиган кўшиқда ҳам отанинг золимлиги эмас, балки қиз тушган жойда олмадай мевали, яъни серфарзанд бўлсин деган мақсад ифодаси бор. Ана шу сабабаларга кўра, юқоридаги кўшиқда **узокқа** сўзи ҳам тарихан матрилокал жойлашишдан патрилокал жойлашувга ўтиш даврининг изи дея оламиз. Қиз уйига куёв келгандан кўра, қизнинг куёв уйига доимий яшаш учун борганда узоклик нафақат масофани, балки ижтимоий маънони ҳам англантиши табиий.

1. Халқ лирикаси генезиси ва тадрижий босқичлари ҳақида нималарни биласиз?

2. Лирик кўшиқларнинг тадқиқ этилиши ва чоп қилиш тажрибалари ҳақида гапиринг.

9-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ ВА ИЛМИЙ ЎРГАНИШИ

Ишдан мақсад – Латифа – нозик фикрлаш санъати, Лофларнинг жанр хусусияти олиш масаласи, юзасидан тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга

чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

31.Индивидуал ўқиш-2 минут.

32.Муҳокама қилиш –3 минут.

33.Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

34.Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

35.Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

36.Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
1. Латифа ва лофларнинг фарқли жиҳатларини санаб беринг?		
2. Лофларнинг жанр хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?		
3. Латифа ва лофларнинг ёзиб олиншига мисоллар келтиринг.		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Латифа ва лофларнинг нашри ҳақида сўзлаб беринг.		

<p>Асарнинг умумий ғояси, руҳи, композицияси билан органик боғланмаган, унга тасодифан кириб қолган, шу асарга нисбатан ётлиги аниқ билиниб турган айрим мотив ёки бандлари ҳақида сўзлаб беринг.</p>		
<p>Асарга алоқаси бўлмаган, фақат уни ёзиб олиш пайтида қистириб ўтилган жумлалар. Масалан, дoston ва эртақларни ёзиб олинаётган вақтида айтувчи томонидан қистирилган: «Энди чарчадик, бир-акки соат дамимизни олиб, сўнг ёзамиз, «Овқат келиб колди, аввал таом, баъдаз калом» ёки «Пўлкан шоир айтаётир, Мулла Иса битаётир» кабилар асосий текстга кирмаслиги керак. Айтувчининг ижодий чекинишлари, албатта, бундан мустасанодир. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Қундуз билан Юлдуз» достонида тўйда ўлан айтилаётганлигини тасвирлар экан: «У баробар келармикин айтишганда бизлар билан» деган лирик чекиниш қиладики, буни қисқартириб бўлмайди қандай фарқланиши мумкин?</p>		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Латифа – нозик фикрлаш санъати. Ўзбеклар дунёдаги бошқа халқлар каби ҳазилни, тақлидни, кулгини яхши кўрадилар. Кулги инсонга соғлик, яхши кайфият, ўз-ўзидан қониқиш туйғусини бағишлайди. Халқимизнинг доно фарзандлари Юсуфжон қизик, Ака бухор, Ғанижон Тошматов кабилар машаққатли кечган пайтларда ҳам юртимиз аҳлига тетиклик, умид, ишонч улашганлар. Бундай натижага эришиш ўз вақти учун жуда оғир кечган. Латифалар, лофлар, аския, халқ драмаси асарлари, муқаллидчиликдан унумли фойдаланиш зукко ва иқтидорли инсонларни ҳақиқий маънода халқ севгисини қозониш шарафига муяссар қилди.

Инсон қалбидаги ташвишни, танасидаги хасталик хуружини четроққа

суришда кулгили латифалар жуда самарали восита ҳисобланган. «Латифа» атамаси арабча «лутф» (لطف) сўздан олинган бўлиб, нозик фикрлаш, яхшилик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, шарафламоқ маъноларини англатади.

Насриддин Афанди номи билан латифалар мазмунининг боғланиб, уйғунлашуви XIX аср охири XX аср бошлари билан белгиланади. Ўзбек фольклоршунослиги фани асосчиси, профессор Ҳоди Зарифов қайд қилишига биноан, Насриддин Афанди номининг ўзбек латифаларида шуҳрат топиши юртимизда матбаанинг пайдо бўлиши, Насриддин Афанди латифаларининг китоб тарзда нашр этирилишидан бошланган.

Ўзбек Насриддин афанди латифаларида бош қаҳрамон ўта ҳозиржавоб, ўта зукко, доно ва тадбиркор инсон сифатида гавдаланади. Ҳаётда уни сўз билан, хатти-ҳаракат билан ечими йўқ вазиятга тушириш мумкин эмас. Чунки ақлли, мутафаккир Насриддин афанди қиёфасида бутун халқнинг, миллатнинг сўзга чечанлиги, закий, яъни нозик фикр юритиш фазилати ўз ифодасини топган. Ҳар бир латифа матнида уни ўйлаб топган шахс ақли, вазиятни аниқлаш кайфияти ва заковати намоён бўлади. Латифаларнинг эътиборли, тингловчини ўзига жалб қиладиган жиҳати шундаки, уларда савол-жавоб қилаётган тарафлар бир-бирини мутлақо ечими топилмас вазиятга туширишга уринадилар. Айниқса, Насриддин афанди қисмати латифанинг якуний қисмига етгунга қадар жуда оғир ва чорасиз тақдир шароитида тасвирланади. Аммо халқ Насриддин афанди тарафида бўлгани учун ана шундай мушкул вазиятдан ҳам ўз топқирлиги, сўзга усталлиги билан қаҳрамонимиз ечим топиб кета олади.

Афанди латифаларида афандидаги иккинчи хислат – унинг ниҳоятда соддалиги, аниқроқ айтсак, нўноклигини намоёиш қилиш билан изоҳланган. Бундай намуналарда биз афандининг соддалигидан, ҳаётдаги кўнгилсиз воқеаларни ўзига олмаслигидан завқланамиз. Афандининг афандилиги унинг афандилиги билан шарҳланади. Яъни биронта эс-ҳуши жойида одам қилиши мумкин бўлмаган қарорни айнан афанди қабул қилади.

Насриддин афанди кўчада кетаётиб, кичкина бир кўзгу – ойна топиб олибди. Уни кўлига олар экан, ўз аксини кўргани заҳоти: «Э, кечирасиз, ойна сизникимиди?» - деб ташлаб юборибди. Ойна синибди. Шунда афанди: «Керак бўлмаса, айта қолмайсизми? Ўзим олар эдим-ку», - деган экан.

Бундай латифалар билан танишиш, айниқса, ҳикоя қилиш маҳоратига эга инсон ижросида тинглаш одамга ҳузур бағишлайди. Бу турдаги латифаларда тингловчи содда афанди қарорларидан кулади. Лекин шуни ҳам қайд қилиш лозимки, халқ бу билан нима демоқчи эканини тушуниб етишга ҳам ҳаракат қилиш зарар келтирмайди. Эҳтимол, доно халқ шу каби латифалар воситасида «Сен бунчалик содда бўлма!» демоқчими? Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Лофларнинг жанр хусусияти. Халқ оғзаки ижодидаги лофлар муболаға санъатига асосланади. Луғатда «лоф» - форс тилидан олинган сўз бўлиб, қуруқ (пуч) гап, сафсата, мақтанчоқлик. 1.Фольклордаги ҳажвий-юмористик жанрлардан бири: ҳаддан ташқари бўрттирилган, ҳақиқатга тўғри

келмайдиган ёлғон гап»¹⁵ деб изоҳланган.

Лофлар халқ оғзаки ижодининг латифалар ва аския каби кулги уйғотувчи оммавий жанри ҳисобланади. Асосан, жанрда қўлланадиган санъат муболаганинг иғроқ ва ғулувв тури ҳисобланади.

Лофлар бадий адабиётнинг эпик тури (жинси)га мансуб жанр. Унинг хажми чекланган: икки-уч, уч-тўрт жумладан иборат. Асосан, диалогда қатнашган икки лофчи суҳбатидан бир лавҳа тарзида бўлади. Уларда бўрттирилган ёлғон воқеа тўқишда мохир, тажриба тўплаган лофчи деб ҳисобланган шахслар мусобақалашади. Ҳар икки тараф айтаётган воқеасининг ёлғон ва тўқима эканини жуда яхши билади, лекин мутлақо бу фикрини очик айтмайди. Бу шарт бузилса, лоф бутун моҳиятини, жозибасини йўқотади. Аксинча, бир лофчи суҳбатдошининг бўрттирилган ёлғон гапини аксарият ҳолларда тасдиқлайди, эътироз билдирмайди. Фақат лофнинг мазмунидан хабар топганидан сўнг униқидан ўткирроқ, яна ҳам муболагали, ёлғонроқ жавоб топиши лозим. Муҳими, иккинчи лофчи кейин жавоб бергани учун лоф шу ўринда тугайди. Баъзан диалоглар бир оз давом этиши мумкин, лекин бари бир сўнгги фикр билдирган лофчи ғолиб чиқаверади.

Латифаларда, лофда, аскияда кулгига сабаб бўлган жумлани кашфиёт даражасида баҳолаш мумкин. Уларни ўйлаб топган шахс катта ҳаёт тажрибасига эга бўлади, айниқса, вазиятни тўғри баҳолаб кулги ҳосил қилиш маҳоратини намоёиш этади. Бунинг учун у тил бойлигидан ҳам яхши фойдалана олиш фазилатига эга бўлиши зарур.

Назорат саволлари

1. Латифа ва лофларнинг фарқли жиҳатларини санаб беринг.
2. Лофларнинг жанр хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Латифа ва лофларнинг ёзиб олинишига мисоллар келтиринг.
4. Латифа ва лофларнинг наشري ҳақида сўзлаб беринг.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Муҳаммадйёв Р. Аския. – Т., 1962.
2. Аскияда ижрочилик маҳоратини ошириш йўллари (методик тавсиянома). Тузувчилар: Жўраев М, Собитова Т. - Т, 1985.
3. Саид Анварь. Муҳиддин Дарвеш. - Т.: Шарқ НМАК, 2006.
4. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. - Т.: Фан, 1965.
5. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т., “Муסיқа”, 2010
6. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: “Мумтоз сўз”, 2010
7. Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин афанди образи. - Т.: Фан, 1979.
8. Шоҳ Акбар ва доно Бирбол. - Т., 1994.
9. Афанди латифалари. - Т., 1989.

¹⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жилд. - Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 509.

10. Саримсоқов Б. Лоф / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. - Т.: Фан, 1989.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шунинг кўрсатдики, уларда —Таълим жараёни тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний мэхнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?

2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

—Педагогика фаолиятига оид бир неча манбалар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.

4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

5. Ечимни баён этинг.

Кейси ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани кўйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс.

Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказди.

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

- Педагогика ва
- Психологияга оид адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал , кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.

2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.

3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказди, аста-секин унда кўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

3-кейс.

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.

2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.

Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.

2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.

4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.

5. —Кўзгазма|| методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

Кейсни ечиш жараёни:


1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.



Буклетлар

Оилавий клуб

Ижодий ишлар танлови

Учрашувлар ва б.

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ	Халқ ижодиёти, халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (ертак, достон, қўшиқ, лапар, метал. Топишмоқ ва б.)	Folk art, works created by the people and popular among the people (fairy tales, epics, songs, lapar, metal. Riddles, etc.)
ЁР-ЁР	Никоҳ тўйи марасими жараёнида айтиладиган халқ қўшиғи.	A folk song sung during a wedding ceremony.
АЛЛА	Болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган қўшиқ. Онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилаклари ифодаланади.	A song sung in solitude during the process of putting a child to sleep. The mother's love for the child, hopes and dreams, good intentions and wishes are expressed.
ЛАПАР	Муסיқий фольклоре жанри, вақеабандлиги ва куй тузулиши жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган, тор диапазонли, нақорациз, чолғу жўрлигисиз айтиладиган қўшиқларга айтилади.	Musical folklore is a song that is not complicated in terms of genre, storytelling and melody structure, it is sung in a narrow range, without rehearsals, without instrumental accompaniment..
РЕПЕРТУАР	(франс. Репертиор, лот. Реперториум – рўйхат, изоҳлаш) – драма театри, муסיқали театр, Эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуи.	(French Repertior, Latin Repertorium - list, interpretation) - a drama theater, musical theater, pop concert or a set of works performed by an individual artist.

<p>ФОЛЬКЛОР- ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИ</p>	<p>Ҳаваскор ижодий жамоа. Халқ ижодини кўшиқ, рақс, ўйин, оғзаки драма каби шаклларини маҳаллий (миллий) урф-одат ва марасимларга боғлаб сахнавий талқинини намойиш этади.</p>	<p>Amateur creative team. Demonstrates a theatrical interpretation of folk art by linking its forms such as song, dance, play, oral drama to local (national) traditions and ceremonies.</p>
<p>ЖАМОА</p>	<p>Кишиларнинг қадимий уюшув шакли. Қадимда уруғ, оила, хонадон, қишлоқ (қўшничилик) жамоалари мавжуд бўлганлиги маълум. Санъат соҳасида восал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши тушунилади.</p>	<p>An ancient form of human organization. It is known that in ancient times there were clans, families, households, rural (neighborhood) communities. In the field of art, it is understood that a piece of vocal or instrumental music is performed by several performers.</p>
<p>МАЪНАВИЯТ</p>	<p>(араб. “маънавият” – маънолар мажмуи) – кишиларнинг эстетик, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.</p>	<p>(Arabic "spirituality" - a set of meanings) - a set of aesthetic, moral, religious ideas and concepts of people.</p>
<p>РАҲБАР</p>	<p>Бирор давлат, ташкилот, гуруҳ, жамоа ва шу қабиларга йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб борувчи, раҳбарлик қилувчи, йўлбошчи, раҳнамо.</p>	<p>A state, organization, group, community, etc., leading, guiding, leading, guiding, guiding.</p>
<p>АМАЛИЙ ТАСНИФ</p>	<p>Амалий иш, амалий жараён, амалий жиҳатдан турларга бўлиш, ажратиш.</p>	<p>Practical work, practical process, practical division into species, separation.</p>
<p>ФОЛЬКЛОР- ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИ</p>	<p>Ҳаваскор ижодий жамоа. Халқ ижодини кўшиқ, рақс, ўйин, оғзаки драма каби шаклларини маҳаллий (миллий) урф-одат ва марасимларга боғлаб сахнавий талқинини намойиш этади.</p>	<p>Amateur creative team. Demonstrates a theatrical interpretation of folk art by linking its forms such as song, dance, play, oral drama to local (national) traditions and ceremonies.</p>

<p>ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ</p>	<p>Халқ ижодиёти, халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (ертас, достон, кўшиқ, лапар, метал. Топишмоқ ва б.)</p>	<p>Folk art, works created by the people and popular among the people (fairy tales, epics, songs, lapar, metal. Riddles, etc.)</p>
<p>ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ</p>	<p>Халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми бўлмиш халқ санъатининг ижрочилик турлари билан (фольклор, мусиқа фольклори, рақс) ажралиб турдиган қисми.</p>	<p>The part of folk art that is an integral part of folk art, distinguished by the types of performance (folklore, music folklore, dance)..</p>
<p>ОММАВИЙ ТАДБИР</p>	<p>Катта йиғин, кенг нишонланадиган тантанали йиғин. Кўпчилик тарзда, оммавий равишда ташкил этиладиган байрам, тадбир.</p>	<p>A large gathering, a solemn gathering that is widely celebrated. In many ways, it is a public event.</p>

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли

Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

16. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Т.: «Мумтоз сўз», 2010.
17. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. –Т.: “Фан”, 2009.
18. Жўраев М., Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент: Баркамол авлод медиа, 2017. – 180 б.
19. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Мирзаев Т. ва бошқалар. –Т.: “Алоқачи”, 2008.
20. Раззоқов Н., Мирзаев Т ва бошқалар., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980
21. Нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев ва Зубайда Хусаенова. “Гўрўғли” (ўзбек халқ дostonлари)
22. Жўраев М., Эшонқулов Ж.. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан технологиялар” -2017. 192 б.
23. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.
24. Мадаев О., Собитова Т. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., 2005.
25. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т., 2009 йил.
26. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Т., 2006.
27. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 2-китоб. Т., 2010.
28. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. Т., 2010.
29. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т., “Мусиқа”, 2010. 368 б.
30. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. . –Тошкент: Озбекистон, 2012. 112 б.
31. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. - 160 б.
32. Эшонқул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. 120 б.

33. Мирзаев Т. Достонлар гултожи//Алпомиш. Достон, Фозил шоир варианты. -Т.: Шарқ, 1998. -Б. 7-12.
34. Мирзаев Т. «Алпомиш» достони унинг версия ва вариантлари // «Алпомиш» - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т.:Фан, 1999. -Б. 3-21.
35. Турдимов Ш. «Гўрўғли» достони генезиси ва тадрижий босқислари. –Тошкент: Фан, 2011. 220 б.

IV. Интернет сайтлар

36. <http://edu.uz>
37. <http://prezedent.uz>
38. <http://madaniyat.uz>
39. <http://mygov.uz>
40. <http://lex.uz>
41. <http://bimm.uz>
42. <http://ziyonet.uz>
43. <http://www.dsmi.uz>
44. <http://www.artsait.ru>
45. <http://belcanto.ru/>
46. <http://music.edu.ru/catalog>
47. <http://artyx.ru/>